

Ю ЧЗ

Н 735/6

НОДИРА

АЕВОН

ПРЕДСТАВЛЯЕТ



◎ 亂世的藝術







АКАДЕМИЯИ ИЛМҲОИ РСС ЎЗБЕКИСТОН  
ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ ЗАБОН ВА АДАБИЕТ БА НОМИ  
А. С. ПУШКИН



ШЕЪРҲОИ БА ЗАБОНИ ЎЗБЕКӢ  
ВА ФОРСӢ-ТОЧИКӢ


НАШРИЁТИ АКАДЕМИЯИ ИЛМҲОИ РСС ЎЗБЕКИСТОН  
ТОШКЕНТ-1963

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ



УЗБЕК ВА ФОРС-ТОЖИК  
ТИЛЛАРИДАГИ ШЕЪРЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ. 1963

Мазкур китобда XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида яшаб, ижод этган талантли шоира Нодиранинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърлари бор.

Асрнинг муқадди масида шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида қисқача характеристика берилган.

Китоб адабиётшунослар, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчилари ва ўқувчилари, аспирантлар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Нашрга тайёрловчи  
филология факултии ғандидати  
**МАҲБУБА ҚОДИРОВА**

Масъул мухаррир  
**АБДУЛАҲАД АЗИЗОВ (АНИСИЙ)**





Нодира  
Рассом X. Ҳасанова асари



## НАШРГА ТАИЕРЛОВЧИДАН

Сўнгги йилларда шоирамиз Моҳлар Ойим-Нодиранинг ўзбек, форс-тожик шеърларидан тузилган мукаммал девонларининг нодир нусхалари топилиши класик адабий меросни ўрганиш соҳасида қўлга киритилган ютуқларимиздан ҳисобланади.

Нодиранинг ўзбек ва форс-тожик тилларида шеърларидан иборат икки девони тахминан, XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчирилган бўлиб, ҳозир Узбекистон ССР Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллэзмалар фондидаги сақланади. Булардан ташқари, яна Нодиранинг форс-тожик тилидаги ғазаллари шу институт фондидаги 660 ва 2090-сонли қўллэзмаларда ҳам учрайди.

Асарни нашрга тайёрлашда Нодиранинг ўзбекча шеърларини Шарқшунослик институти фондидаги шоиранинг тўла бўлмаган 4182-сонли ўзбекча девони, шоир Нодимнинг ўғли Мусалламхон отанинг шахсий кутубхонасидаги Нодиранинг ўзбекча қўллэзма девони асос қилиб олинди ва яна бошиқ баёзлар, айrim ҳаваскорларнинг қўллэзма дафтарларидан йиғилиб, ўзбекча ғазаллари бирмунча тўлдирилди.

Форс-тожик тилидаги ғазалларга эса шоиранинг 7766-сонли Макнуна девони асос қилиб олинди. Лекин биздаги бу ягона девон ниҳоятда қусурли экан. Китобда деярли ҳар бир шеърнинг байт ёхуд мисраларида бирор нуқсонга йўл қўйилган. Биз ўчиб кетган ёки тамомланмай қолган баъзи ғазалларни 660 ва 2090-қўллэзмалардаги Нодиранинг тожикча шеърларига солиштириб, айrim тузатишлар киритдик. Бу ишимизда яқиндан ёрдам берган марҳум Шарафутдинов Хуршиднинг хотирасини абадий сақлаймиз. Девондаги котиб томонидан

кўчирилаётганда йўл қўйилган баъзи стилистик хатолар, вазн бузилиши каби камчиликларни бартараф қилишда кўрсатган ёрдамлари учун муҳарриримиз А. Азизов (Анисий), Муйинзода ва Мухторов (Васфий)ларга ташаккур изҳор этамиз.

Китобни нашрга тайёрлашда ўзининг қимматли маслаҳатлари билан ўртоқлашган филология фанлари доктори Азиз Қаюмовга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Нодиранинг ўзбек ва тожик тилларидаги шеърлари унинг қўлёзма девонларидагидек, араб алифбоси тартибида тузилди.

Қўлингиздаги китоб дастлабки тажрибамиз бўлганилиги учун баъзи хато ва камчиликлардан ҳоли эмаслиги мумкин. Ҳурматли китобхонларимиз бу нуқсонларни бартараф қилишда ўз мулоҳазалари билан ёрдам беришларини илтимос қиласиз.

---

## КИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездидаги қабул қилинган улуғвор коммунизм қуриш Программасида жонажон Ватанимиз экономикаси, маданиятигининг янада гуллаб равнақ топиш йўллари ёрқин чизиб берилди.

Жаҳон маданияти яратган ҳамма нарсаларни ўзида мужассамлантирган ва ривожлантирган коммунизм маданияти,—дейилади Программада,—инсониятнинг маданий тараққиётидаги янги олий босқичдир.

Совет адабиётининг вазифаларидан бири — ўтмиш маданий меросни, жумладан, адабий меросни маркса-ленинча таълимот асосида ўрганиш ҳамда унинг бой тажрибаларидан ижодий фойдаланиш билан бирга, кишиларга эстетик завқ бағишлийдиган илгор тенденцияларни ривожлантириш ва пропаганда қилишdir. Шу жиҳатдан ўзбек адабиёти тарихидаги хотин-қиз шоираларимизнинг адабий-бадиий мерослари маданиятимиз тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Жамиятнинг ярмини ташкил этган хотин-қизлар ўтмишда асира, тутқун ҳолатда оғир кун кўрадилар. Лекин тарихда ўзларининг инсоний ҳуқуқларини талаб қилган ва ҳимоя этган ажойиб идрокли, шижаотли, маданиятпарвар адива ва шоираларимизнинг булоқдай қайнаган ижодлари алоҳида диққатга сазовордир. Улар мазлум ва забун хотин-қизларнинг бутун руҳий фожиаларини, давр исканжасида чеккан изтироб ва қайгуларини сўнмас шеърларида тараннум этдилар.

Фаридуддин Аттор томонидан мақталган балхлик шоира Робиа, шунингдек, Исматий ва Ойша Самарқандий (XI аср), Маҳастий Хўжандий, Ситтихоним Мутриба (XII аср), Жаҳон Хотун (XIV аср), улуғ Жомий,

Навоий тилга олган Мунажжима ҳамда Мөхрийлар, Бобир мирзонинг қизлари — Гулбаданбегим ва Гулчехрабегимлар, XVI—XVII асрларда яшаган Нуржаҳонбегим ва Зебуннисобегимлар, XVIII аср охири — XIX аср биринчи ярмиларида яшаб, ижод этган ва ўзбек классик адабиётида ёруғ юлдуздай порлаб турган Нодира, Увайсий, Маҳзуна каби лирик шоиралар, XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган Муаззамхон, Нозимахоним каби шоиралар ва ҳали бизга номлари, ижодлари номаълум бўлган яна қанча-қанча адига ҳамда шоираларимиз шулар жумласидандир. Афсуски, чексиз жафо чеккан кўпгина мазлума шоираларнинг асарлари ва улар ҳақидаги манбалар ислом динининг шафқатсиз, антигуманистик қонунларига қурбон қилинган, ё тамомила йўқотиб юборилган.

Лекин даҳшатли тўсқинликларга қарамасдан ўз даврида юксак дид билан ижод этган айрим шоираларнинг девонлари тузилган, шеърлари тазкира ва мажмуаларга киритилган. Улар адабиёт шинавандлари томонидан таҳсин ва тақдирга сазовор бўлган.

Феодализмнинг мудҳиш ва бўғиқ шароитида етишган бу шоиралар ислом идеологиясининг хотин-қизларга ҳақоратли муносабатда бўлишига қарамай, ўз истеъдодлари ва жасоратлари туфайлигина юксак ижодий мавқега эришганлар.

Ўзбек классик поэзиясида ўзининг юксак табиати ва рангин ғазаллари билан машҳур бўлган шоиралардан бири Нодирадир. У, XIX асрнинг биринчи ярмидаги Қўйқон адабий мактабида, том маъноси билан устозлик ва адабий раҳбарлик даражасига кўтарила олган құдратли ижодкордир.

Нодира ижодида даврнинг машаққатли ҳаёти, энг ибтидоий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум бўлган маъсума аёлларнинг нола-фарёдлари ҳамда эркин нафас олишлари учун бўлган умид-орзулари фоят юксак маҳорат ва жўшқинлик билан куйланган.

Замонасининг ҳақсизлигини, феодал тузумининг даҳшатли урф-одатларини кузатиб борган оқила шоираларимиз юксак инсоний идеалларни куйлаш билан бир қаторда, кескин танқидий сатрларда жамиятдаги салбий ҳодисаларни фош қиласиди: исломнинг қотиб қолган «ахком»-ларидан кулади, тарки дунё қилган бағри тош зоҳидларни, хурофотга берилган руҳоний гуруҳларни масхара-

лайди, уларнинг ахлоққа ва инсофга зид бўлган феълатворларини очиб ташлайди. Ўз даврининг оғир шароитидаги пасткашлик ва разолатлардан нолиган шоира ёмонликни инкор этиш орқали йўхшиликни, инсоний фазилатларни улуғлайди. Шунинг учун ҳам биз унинг жўшқин ғазалларида 'ватан, ҳалқ, дўстлик, вафо, севги каби ҳаётий мотивларни ҳаяжон билан тарона қилинганини кўрамиз.

Нодира замона фозиллари ва оддий ҳалқ орасида зўр ҳурматга сазовор бўлди, улуғланди. Шоиранинг ҳалқимиз руҳига ҳамоҳанг ҳаётбахш ғазаллари юз йилдан ортиқроқ давр ичидаги ҳалқ қўшиқлари ва классик мақомларда куйланиб келиши шоира ижодининг нақадар оммалашганидан далолат беради.

Нодиранинг ижоди кўпгина адабиётшунослар ва шоирларнинг диққатини ўзига тортиб келди. Шоирлардан Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Лутфулла Олим, Ўткир Рашид, Музайяна Алавия ва атоқли олимлардан Олим Шарафутдинов, профессор Воҳид Зоҳидов, филология фанлари доктори Азиз Қаюмов ва Тўхтасин Жалоловлар томонидан Нодиранинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида илмий мақолалар ёзилди. Ўқув қўлланмаларида қисқача библиографик маълумотлар берилди, ғазалларидан намуналар келтирилди.

Икки тилда ёзган шоира Нодиранинг ижодий мероси ҳозиргача фақат бир томонлама ўрганилган. Шоира ижодининг катта қисмини ташкил этган форс-тожик тилидаги ғазаллари ҳалигача адабиётчиларимизнинг диққат марказидан четда қолиб келган. Биз масаланинг шу томонига яқиндан ёндашиб «Нодира ҳаёти ва ижоди»ни ўрганишга бағишлиланган ишимизда шоиранинг ўзбек тилидаги мавжуд ғазаллари ва янги топилган тожик тилидаги ғазаллари юзасидан илмий текшириш ишлари олиб бордик.

\* \* \*

Нодиранинг адабий мероси ҳам сон жиҳатидан, ҳам ўзининг салмоғи, мазмуни ва нафосати жиҳатидан классик поэзиямизда жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Бизга унинг бутунлигича сақланиб келмаган битта ўзбекча девони маълум эди, холос. Бу қўллэзма Ўзбекис-

тон ССР Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқ-шунослик институти фондида сақланади. Бунда Нодиранинг девон тартибида «ә» (Д) ҳарфигача бўлган 109 (ёки 1704 мисра) ғазали жамланган, булардан 81 таси ўзбек ва 28 таси тоҷик тилларида «Нодира» тахаллуси билан ёзилгандир. Шулар орасида шоир Нодимнинг бир ғазали ва Амин деган шоирнинг форс-тоҷик тилида ёзилган бир ғазали, иккита рубойиси бор<sup>1</sup>. Яна бу девонда XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод этган Нодимнинг Нодиранинг ўзбекча ва тоҷикча ғазалларига қилган тахмислари бор. Нодимнинг бу тахмислари яна 4179-сонли «Баёзи Нодим» да ҳам учрайди.

Шоира ўзбекча девонининг муқаддимасида ўзининг биографиясига оид баъзи бир муҳим маълумотларни беради. Масалан, у ўзининг лақаби Комила бўлганлиги-ни баён этиб, шундай деб ёзган эди: «Аммо баъд бу қоилаи маҳжуба ва толибай маҳжура, ишқу муҳаббат зумрасига шомила ва шариат аҳкоминда омила ал мулакқаб бил Комила андоғ баёни ҳол изҳори мофи-л-бол этарким...»<sup>2</sup>. Лекин унинг девонида ва бизга маълум бўлган шеърлари орасида Комила тахаллуси билан ёзилган бирорта ғазали то сўнгги вақтгача учрамаган эди. Кейинги изланишларимиз натижасида Узбекистон Фанлар академиясининг Тарих музейи архивида сақланадиган, XIX асрнинг ўрталарида кўчирилган, Фазлий шеърлари тўпланган қўллэzmанинг охирги варақларида Нодиранинг Комила тахаллуси билан ёзилган 19 (яни 328 мисра) ғазали топилди. Булардан 11 ғазал ўзбекча, 8 таси тоҷикчадир<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> УзССР ФАШИ қўллэzmаси, № 4182. Бу асарда Нодиранинг ғазаллари 1—52-варағигачадир. Охирги ғазали байтдан иборат бўлиб, тахаллуси йўқ. Қўллэzmанинг 53—155-варағигача шоир Нодимнинг ўзбек ва форс-тоҷик тилларида ёзган ғазал, рубойӣ, фард, мувашшаҳ, мухаммас, марсия ва тарихлари ҳамда Саъдийнинг рубоийлари, Рожий, Махмур, Амирӣ, Увайсӣ, Толиб, Комий каби шоирларнинг ғазал ва мухаммаслари ва уларнинг шеърларнiga боғланган мухаммаслар, асарнинг 155—229-варағигача «Шабистони хаёл» асари мавжуд. Нодиранинг ўзбекча девонининг илмий таърифи филология фанлари доктори А. Каюмов томонидан «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналидаги «Нодира» сарлавҳали мақоласида берилган. 1958, 1-сон, 35-бет.

<sup>2</sup> Нодира девони, УзФА ШИ қўллэzmаси, № 4182. 2-варақ.

<sup>3</sup> Бу қўллэzма Тарих музейи фондида сақланади. Кўён қозозига майдо насталиқ билан ёзилган, 138-варақдан иборат. Китобнинг

1962 йил декабрь ойида наманганлик шоир Нодимнинг ўғли Мусалламхон отанинг шахсий кутубхонасида Нодиранинг яна бир ўзбекча қўлёзма девони борлиги аниқланди.

Девонда шоиранинг 180 шеъри жамланган бўлиб, булардан 136 таси ўзбек тилида ва 44 таси форс-тожик тилида Нодира ташаллуси билан ёзилгандир. Қўлёзманинг 271, 342 ва 344-бетларида шоиранинг Комила ташаллуси билан ёзган икки ғазали ва бир таржиъбанди ҳамда бир таркибанди бор. Ғазаллар орасида Нодиранинг 103 банддан ташкил топган 11 мухаммаси, 11 бандлик икки мусаддаси, 5 бандлик бир мусаммани, 11 бандлик бир таржиъбанди, 8 бандлик бир таркибанди ва 10 бандлик бир фироқномаси ҳам мавжуд. Бу янги девондаги шеърлардан батъзилари Нодиранинг 4182 рақами тўла бўлмаган ўзбекча девонига кирган. Масалан, ўзбек тилидаги 136 та ғазалдан 61 таси ўша девонга киритилган бизга маълум асалар бўлса, 75 таси, яъни 1930 мисраси янги топилган шеърлардан иборат.

Девон Нодира томонидан ёзилган каттагина сўз боши билан очилади. Дебочада шоира ўзининг шахсий ҳаёти ва ижодий, ижтимоий фаолияти тўғрисида қимматли биографик маълумотлар беради. Нодира ўз атрофидаги олим, фозила ва шоираларнинг ташаббуси билан ўзбекча шеърларини девон тартибига солиб жамлаганлиги тўғрисида шундай деб ёзади: «... Фурқат айёмида ҳам хаёл базмида висол маҳфилини тасаввур қилиб, анинг ёди била ҳасби ҳол айтишур эрдим. Ва бу васила бирла ғазал ва мухаммас ва рубоий машқиға қофозпоралар тўлди. Ва ҳар кимки ул пораларни мутолаа қилди мақбули табиати бўлди. Охириламр хизматимда ҳамишин олим афиfalар ва мулоzиматимда фозила ҳамсуҳбат шарифалар бир кун тазарруълар била илтимос қилдиларким, бул табиатзодаларининг паришон қолғони ошуфталиғдин ўзга натижа бермас ва бу жаридалар ҳаводис тундбодидин паришон бўлмайонда девон тақлидида жам қилиб тартиб бирла ёзилса зебо ва мустаҳсан бўлғусидур... Ночор ул нодиратабъ

123-варагидан то 133-варагигача 10 саҳифа йиртилиб кетганлиги учун бундаги ғазаллар номаълум. Аммо Нодиранинг «Комила» ташаллуси билан ёзилган ғазаллари 134-варагидан бошлаб то 138-варагкача боради, охири яна йўқ.

маъсумалар ва ул афиғаи муҳтарамаларнинг савоб раийларин маъқул ва мақбул билиб, жамъ этмоғига иқдом кўргузуб, иҳтимом ва саъий тамом бирла ҳар баҳрини ўз маҳаллида сабт қилдим. Тартиб бирла ҳар қайсиси ўз ерида марбут бўлунди. Шоядки аҳбоблар ва соҳибдил улул албобларға манзури назар бўлуб, дуои хайр бирла ёд қилғайлар» (7—8-бетлар).

Девонда шоиранинг шеърлари 13—63, 224—301 ва 342—356-бетларда бўлиб, қўллэzmанинг 65—221-бетларида эса Хотиф, Ҳозик, Гулханий, Беҳжат, Мискин, Дабир, Мушриф, Фазлий, Адо каби шоирларнинг Умархон вафотига ёзган қасида ва марсиялари, Нодиранинг ижтимоий фаолиятига бағишланган қасида ва тарихлар мавжуд.

Девоннинг 184—223 ва 325—341-бетларидаги шоирмизнинг замондоши шоир Нодиранинг ҳали жамоатчиликка маълум бўлмаган ғазаллари бор. Ҳозиргача бизга Нодиранинг Нодираға бағишлиб ёзилган «Ҳафт гулшан» номли достони маълум эди, холос. Бу девондаги унинг шеърлари янги асарлардир.

Нодиранинг шеърларида унинг навоиёна ва бедилона бадиий услуби кўзга ташланиб туради. Лекин шу вақтгача Навоий ва Бедил каби мутафаккирларнинг асарларига шоиранинг ёзган мухаммаслари бизга маълум эмас эди. Девоннинг 279-бетида Нодира Навоийнинг «Қўнгул жон бирла бўлди ҳамроҳинг, мен дард ила турдум» деб бошланган 8 байтдан иборат ғазалига боғлаган мухаммаси киритилган. Худди шунингдек, Нодира Бедилнинг «Илоҳӣ бори тамкин деҳ рами ваҳши нигоҳонро» деб бошланган 6 байтли ғазалига ҳам тахмис қилган. Девон ким томонидан ва қачон кўчирилгани маълум эмас. Ҳар ҳолда XIX асрнинг охирида кўчирилган бўлса керак, деб тахмин қилинади.

Филология фанлари доктори С. Иброҳимов Адабиёт музейига Нодиранинг бир неча ўзбекча ва тоҷикча ғазаллари тўпланган, 1926 йили Андижонда ҳалқ қўлидаги қўллэзма манбалардан кўчириб олинган дафтарини тақдим этди. Шоиранинг бу дафтардаги 500 мисрага яқин ғазаллари орасида мусаддас, мусамман ва таржиъандлари ҳам бор.

Шунингдек, яна Адабиёт музейи архивида Нодиранинг шоир Маҳжур томонидан тўпланган 180 мисрага яқин ғазаллари ёзилган дафтари ҳам сақланади. Юқо-

کاظمه نهاده از این میل خود را پس  
علم این خبر بولانی اقرار محبت  
پیچیده و پنهان برای این دعا گفت  
این کار ممکن است که در این میان  
کشیده و از این پیش از این  
آنها در این میان بگذرد  
نفعه ای توانند  
نیز نیز این نیز  
و همچنان که این میان  
آنها در این میان بگذرد  
آنها در این میان بگذرد  
آنها در این میان بگذرد

рида қайд этилган манбалардаги ғазалларнинг ҳаммаси Нодиранинг ўзбекча девонини тўлдирувчи янги асарлардир.

Шоиранинг ўзбек тилида ёзилган яна бир қанча ғазалларини баёз ва мажмуаларда учратиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирча биз Нодиранинг тўрт минг мисрага яқин Нодира ва Комила тахаллуслари билан ёзилган ўзбек тилидаги ғазалларини йиғишга муваффақ бўлдик.

Нодиранинг ҳаётини ўрганишда унинг замондоши Увайсийнинг «Воқеоти Муҳаммадалихон» номли шеърий ҳикояси диққатга сазовордир. Адабиётшуносларга шу вақтгача шоиранинг тахаллуси Нодира ва Комила эканлиги маълум эди. Филология фанлари доктори А. Қаюмов Увайсийнинг юқоридаги асарига асосланиб, шоиранинг тахаллуси Макнуна ҳам бўлганлиги ҳақида маълумот беради.

Увайсий шундай деб ёзади:

Шоҳлар орасидадур Умархон,  
Бир неча замони сурди даврон.

Маҳпора эди анинг занфи,  
Макнунду тахаллуси латифи...

Фарзандларидин ўлди пайдо,  
Муҳаммадалихон оти бар аъло<sup>4</sup>.

Шунга асосан биз Макнуна номида ёзилган асарларни текширишга киришдик. Ниҳоят Нодиранинг Макнуну тахаллуси билан ёзилган тожик тилидаги шеърларидан иборат мукаммал девони топилди. Девон Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги сақланади<sup>5</sup>. Бу асар XIX асрнинг охирида кўчирилган бўлиб, шоиранинг Макнуну тахаллуси билан тожик тилида ёзилган беш минг мисрадан ортиқроқ ёки 333 ғазалини ўз ичига олади. Девоннинг дебочаси сарой ҳодимларидан бўлган

<sup>4</sup> А. Қаюмов, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1958, 1-сон, 38-бет.

<sup>5</sup> ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 7766, 1—132 варақ. Бу янги девон топилгани қўйидаги газеталарда эълон этилди: «Нодиранинг янги шеърлар тўплами топилди», «Ўзбекистон маданияти», 1959, 4 март; «Нодиранинг янги девони топилди», «Қизил Узбекистон», 1959, 18 март; «Находка молодого ученого», «Правда Востока», 1959, 24 март; «Под псевдонимом «Скрытная», «Ташкентская Правда», 1959, 10 май.

پنجم حضرت لب دملان او  
 چون کندر و حمالی در می  
 پر از روی داشت سواد  
 و اول مکن اخون قیچ  
 از طرف این قنای زک بید  
 پنده پنهانی بر وی او فو  
 چند رنجانی هر و پهنا او را  
 بچنان خسته که تو هر سحر

آر هر و ویده لو تو هر جان و د  
 ار کان و دل عالم خساف خد  
 همراه او مده کران فوجید  
 هر قطمه گلشیز تیخان و د  
 شاید که بهما کسان و فوجید  
 ز روی حشیش مکنست  
 خون از جهت پهنا فروید  
 همچون شما فته و ران و د

شنید  
 پهنا کار حاز اخار حاری تاره  
 آه و شست فته امر و مسکان تاره

پهنا شنابن پهنا مازه لر شن  
 نظر شنید روش خان آر آر

از

Нодиранинг форсча-тожикча девонидан намуна

ва шу девонни кўчирган номаълум бир шоир томонидан ёзилган. Девоннинг охирги бир неча варақлари йиртилиб, йўқолиб кетганлиги учун унинг ким томонидан ва қачон кўчирилганлигини аниқлаш мумкин бўлмади.

Сўз боши авторининг ёзишига кўра, бу девон Амир Умархон вафотидан кейин Нодиранинг буйруғига асосан мажмуа қилиб тўпланган. Унда шундай дейилади:

«...Шу мусибат чоғида унинг ёқимли мастураси, иффатли маҳбубаси, салтанат паноҳида ва ҳашамат чодирида тарбия топган насаб ва камол деңгизининг гавҳари, иззату иқбол садафининг дурри ноёби, фуқаро ва халқпарварлик ишида катта-кичикка мусаллам бўлган, дилга ёқимли шеърлар ёзиш ва тушунишда минг ақлли эркаклардан ортиқроқ бир хотин. Унинг яхши хислатлари ва мақтовга лойик сифатлари ҳаддан зиёда ва саноқдан ташқаридир. Лекин тузини кўп ичган менингдек қулга, ул иффат ҳарамининг мастураси тўғрисида бундан ортиқ сўзлаш одобдан узоқ бўлгани сабабли, сўзимни қисқартирдим. Хуллас, ул хотинлар тожи, иззат ва улуғлик парданишини, баъзи-баъзида, хурсандлик ва юрак ўти алангланган чоғларда, олий табиатидан чиқариб ранг-баранг шеърлар ёзар эди. Озгина вақтда кўп пароканда ғазаллари йиғилиб қолди. Шупинг учун унинг олий фармони билан ул шеърлар шу «мажмуа» га жамъ ва дарж қилинди... Шеър ва адабиётга, чуқур маъноларга тушунадиган қуллари ва табиати юқори хизматчиларининг маслаҳатлари билан ул жаҳон паноҳ иффат садафида яширган гавҳарнинг тахаллуси «Макнуна»<sup>6</sup> деб муқаррар этилди»<sup>7</sup>.

Девон муқаддимаси ва ундаги шеърлар Қўқон қофзига оддий насталиқ хати билан йирик қилиб ёзилган. Фазаллар алифбо тартибида, икки қатордан жойлаштирилган, атрофлари олтин ҳал ва кўк чизиқлар билан зийнатланган. Қитоб 132 варақдан иборат, саҳифалар ва муқоваси яхши сақланган. Муқова кейинчалик қилинган бўлиб, икки жойида тилла суви билан нақшланган ўйма мұхрда ۱۳۲۹ ملا محمد صحاف деб ёзилган. Бу эса китоб

1911 йилда муқоваланганини кўрсатади. Лекин девон тугалланмай қолган.

<sup>6</sup> Макнуна — яширган, маҳфий маъносида.

<sup>7</sup> УзФА ШИ қўллэзмаси, инв. № 7766, 3—4-варақлар.

## Девондаги охирги ғазал:

Ҳамчу бў маҳрум аз гул аз танат оғушҳо,  
Чув хаёли рафтан мўй миёни кўстай.

байти билан тамом бўлади. Девоннинг кейинги саҳифа-  
сидаги байт **کشندلها**, сўзи билан бошланиши кўр-  
сатилган.

Девон бир қанча нуқсонларга эга. Масалан, унда  
баъзи мисралар ўчиб кетган, ёки котиб томонидан хато  
кўчирилган, баъзи камчиликларга йўл қўйилган. Булар  
ҳақида ушбу асарнинг «Иловалар» қисмида сўзланади.

Текшириш натижасида, Нодиранинг бизга маълум  
бўлган 4182-сонли девонидаги форс-тоҷик тилидаги ға-  
залларидан 26 таси шоиранинг 7766-сонли янги топилган  
девонига киритилган. Лекин аввалги тўпламдаги тоҷик-  
ча шеърларига Нодира тахаллуси қўйилган бўлса, то-  
жикча девонига киритилган худди шу ғазалларига Мак-  
нуна тахаллуси кўйиб ўзгартирилган. Шунингдек, яна  
Нодиранинг Комила тахаллуси билан ёзилган ғазалла-  
ри ҳам тоҷикча девонига Макнуна тахаллуси билан  
киритилган.

Биз юқорида Нодиранинг янги топилган ўзбекча де-  
вонида ҳам шоиранинг форс-тоҷик тилида Нодира та-  
халлуси билан ёзилган 44 та ғазали борлигини эслатиб  
ўтган эдик. Ана шундан 30 таси шоиранинг Макнуна  
девонига киритилган.

Шоиранинг Комила ва Нодира тахаллуси қўйил-  
ган форс-тоҷик тилидаги шеърларини янги топилган  
тоҷикча девонидаги худди шу ғазалларга солиштириб  
кўрар эканмиз, унда фақат тахаллус алмашинишини, ёки  
охирги байтлардаги мисраларнинг ўзгаришини кў-  
рамиз.

Масалан, Нодиранинг ўзбекча 4182-сонли девони-  
даги «Боз месўзад дилам чун шамъ базм аз рафтанат»  
деб бошланган ғазалида:

Лаъли ҳамӯшат дар сухан хуни малоҳат рехта,  
Найрангу айёрй бувад аз Нодира дил бурданат —  
**(28a)**

деб ёзилса, 7766-сонли Макнуна девонига кирган худди  
шу ғазалининг охирги мисрасида:

Лаъли ҳамӯшат дар сухан хуни малоҳат рехтанд,  
Найрангу айёрй бувад Макнунаро дил бурданат —  
**(21a)**



деб ёзилган. Яна Комила тахаллуси билан ёзилган «Сурх» радифли ғазалнинг охирги мисраси:

Чун Комила бинозам бар ҳусни он шакарлаб,  
К-аэз васфи лаъли ў шуд дар коми ман забон сурх—  
(1376)

деб ёзилса, 7766-сонли Макнуна девонига киритилган худди шу ғазалнинг охирги мисраси қўйидагича ёзилган:

Макнуна мебинозам бар ҳусни он шакарлаб.  
К-аэз васфи лаъли ў шуд дар коми ман забон сурх.  
(466)

Демак, бу девон шоиранинг ўзи ҳаёт вақтида, унинг фармони ва адабиёт аҳлларининг ташаббуси билан мажмуа қилиб тўплланганлиги учун, унга кирган Нодира ва Комила тахаллусли ғазалларга Макнуна тахаллуси қўйиб ўзгартирилган.

Улуғ шоиранизнинг ижодий меросини тўла аниқлашга тўсиқ бўлиб келган сабаблардан бири, унинг тахаллуси ҳақида турли ривоятларнинг тарқалиши бўлди. Ҳозир юқоридаги мўътабар қўллэзмаларга биноан шоиранинг дарҳақиқат Нодира, Комила ва Макнуна дегав уч тахаллус остида ягона бир сиймо эканлиги аниқланди.

Нодиранинг Макнуна тахаллуси билан ёзилган форс-тоҷик тилидаги шеърларини Шарқшунослик институти фондида сақланаётган баъзи баёзларда ҳам учратиш мумкин. 660-сонли баёзда Макнуна тахаллуси билан ёзилган 250 ғазал мавжуд. Яна 2090-сонли қўллэзмада ҳам Нодиранинг форс-тоҷик тилида Макнуна тахаллуси билан ёзилган ғазаллари бор. Бу китобнинг боши ва охири йиртилиб кетганлиги учун шоиранинг фақат 90 та ғазали қолган.

Бу манбалар Нодиранинг форс-тоҷик тилида ҳам жуда бой адабий мерос қолдирганини кўрсатади. Лекин форс-тоҷик тилида ёзилган шеърлари сўнгги вақтгача адабиётчиларимиз томонидан яхши ўрганилмай келди. Талантли шоиранинг форс-тоҷик тилидаги ғазаллари ҳам ғоя, ҳам мазмун жиҳатидан ўзбек тилидаги ғазалларидек юксак даражада ёзилганлиги учун, шоира ижодиняна ҳам кенг ва тўлароқ ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Нодиранинг форс-тоҷик тилида, худди ўзбек тилидагидек гўзал, таъсири шеърлар ёзиши бежиз эмас эди.

Чунки Урта Осиё халқларининг адабиёт аҳллари, шу жумладан, биринчи навбатда, ўзбек адабиётининг буюк намоёндалари традиция сифатидаги форс-тожик тилларига ҳурмат билан қараб, тожик тилини мукаммал ўрганишни ўзларига шараф деб билар эдилар. Бу ҳақда машҳур совет олими профессор Е. Э. Бертельс қуйидаги фикрларни ёзган эди:

«Лекин XV асрдан бошлаб адабиётнинг ўзбек тилида ривожланиши, форс ва тожик тилида мавжуд бўлган адабиётлар шу вақтдан бошлаб, фақат Урта Осиёда яшовчи тожик аҳолисининггина бойлиги бўлиб қолмай, у ўзбек халқига ҳам мансуб эканлигини кўрсатади. Форс-тожик тили ҳамон ўзбекларнинг иккинчи адабий тили бўлиб қолаверади.

Форс тили мактабларда ўрганилди, форс классик адабиётини билмаган кишилар ўқимишли киши ҳисобланмас эди. Ҳатто, Аминхўжа Муқимий сингари халқ шоирлари ҳам ўз она тили билан бир қаторда форс тилини ҳам эгаллаб, бу тилда анча дуруст шеърлар ёза олганлар. XIX асрдаги Урта Осиё халқлари адабиётини ўрганишда бу ҳолни ҳисобга олиш ва ўзбек-тожик адабиёти тарихини ёзишда ҳар икки адабиётнинг бирбиридан ажралиб қолмаслиги учун ҳар иккиси устида баробар иш олиб боришга тўғри келади»<sup>8</sup>.

Демак, ўзбек ва тожик адабистлари ўртасида асрлар бўйи давом этиб келган қардошлиқ муносабатлари XVIII — XX асрлар Кўқон адабий ҳаётида ҳам давом этди ва мустаҳкамланди. Ўзбек ва тожик халқлари орасидаги ижтимоий ва сиёсий қардошлиқ ҳар икки халқнинг маданий ва адабий ҳамкорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатди<sup>9</sup>.

Нодира ҳам ижодий камолатида классик адабиётнинг традицияларини изчил давом эттирди ва ўзбек, форс-тожик тилларида ажобиб ҳаётий шеърлар ёзди. Бу билан ҳар икки халқнинг дўстлиги, ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини намойиш қилди.

Шундай қилиб, Моҳлар ойим — Нодиранинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган ўн минг мисрадан ортиқроқ ғазалларини тўпладик. Бу эса, шоира ўзининг сермазмун, маҳсулдор ижоди билан ўзбек ва тожик классик

<sup>8</sup> Е. Э. Бертельс, Персидская литература в Средней Азии, Советское востоковедение, т. V, М.—Л., 1948, стр. 227.

<sup>9</sup> А. Каюмов, Кўқон адабий мұхити, 355-бет.

адабиёти хазинасини янада бойитишда катта ҳисса қўш-  
ғанлигидан далолат беради.

\* \* \*

Нодира XVIII асрнинг охирги чораги (такхинан, 1791-92 йиллар)да Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг оиласида дунёга келди. Унинг асли исми Моҳлар ойим бўлиб, ёшлигиданоқ ўзининг ҳусни, ўткир зеҳни, нозик, хуш табиати билан танилган эди. У ўзининг истеъдодини кейинчалик шундай деб таърифлади:

Дар хаёли дили Макнуна саводи азал аст,  
Фаҳм лояфҳаму, ҳис бехабару, нотиқа лол<sup>10</sup>.

### Мазмуни:

Макнунанинг дилида, хаёлида шундай табиний бир  
үқув борки,  
Уни фаҳм тушунолмайди, сезги ундан хабарсиз,  
тил ҳам бу ҳақда сўзлашдаи ожиз.

Ҳассос ва ҳаётсевар шоиранинг қалби севгининг ил-  
ҳомбахш булоқларидан файз олади. У тожик тилида «Омад аз гарди раҳ чу боди шамол» деб бошланган ғазалида шеъриятга бўлган муҳаббатини содда ва сами-  
мий тилда ҳикоя қиласи. Шоира «Эй тангрим, менга фа-  
зал ниқобидан маъно жамолини кўрсат. Макнунанинг  
дили ғоят паришон, шоядки, ундан бир тасалли топса»  
деб ғазалнинг чуқур мазмунга эга бўлишини орзу қи-  
лади.

1807 йилда Нодирага ғойибона мафтун бўлиб қолган Марғилон ҳокими Умархон унга ўйланади. Бу воқеа-  
нинг жонли гувоҳи тарихчи Ҳакимхон тўра бундай деб  
ёзади:

«...Ул вақтда Андижон ҳукумати Раҳмонқулибий амир Олимхонни тоғаси эрди, анга тааллуқ эрди. Раҳмонқулибийнинг пардаи исматида бир қизи бор эрди, исми Моҳлар ойим эрди. Амир Олимхон хоҳладиким, ул мухаддарани амир Умархонни ақди никоҳига киргузса. Маъсумхон тўрани бениҳоят ҳадя бирла юбордиким, Умархонни Андижонға олиб бориб, ақди никоҳ қилиб,

<sup>10</sup> Макнуна девони 7766, 100а варақ. Ўқувчиларимизга ўқишига қулай бўлсин учун бундан кейинги мисолларимизда ўзбекасига 4182-қўллэзманинг, тожикласига эса Макнуна девонининг садиға-  
ларини ёнма-ён қўйиб кетамиз.

Марғилонга келтириб қўйиб келгил, деб рухсат берди. Маъсумхон тўра Марғилонга келиб, шаҳзода Умархонни домодлиққа таклиф қилиб, Андижёнга олиб бориб яхши соатда ул авжи салтанатни ноҳиди буржга ақд боғладилар. Амир Умархон ба чанд кун айшу ишратга машғул бўлди, ба чанд вақтдан сўнг фарзанди муштари саодат вужудга келди, ул шаҳзоданинг исмини Муҳаммад Алихон қўйдилар»<sup>11</sup>.

Бу даврда Кўқон хонлигининг маркази Кўқон шаҳри бўлиб, унда ўзининг золимлиги, шафқатсизлиги ва босқинчилиги билан ном чиқарган Олимхон ҳукмронлик қилар эди. Олимхоннинг олиб бораётган сиёсатидан норози бўлган оппозицион қайғиятдаги феодал гуруҳлар уни ҳокимиятдан йиқитиб, ўрнига укаси Умархонни ўтқазиш ниятида эдилар. Бу планни амалга оширишга 1811 йилда қулай имконият туғилади. Кўшин Олимхон бошчилигига Тошкентда эди, бир гуруҳ феодал ва аскар бошлиқлари Умархонни олиб тўсатдан Кўқонга қайтадилар ва аскар бошлиқларидан Ирисқулибий, Жумабой қайтоқилар «Олимхон ўлди, замон подшоҳлиги амир Умархонники», деб овоза кўтарадилар ва Умархонни хон деб эълон қиласидилар. Ёлғиз қолган амир Олимхон бу хабарни эшитиб, Кўқонга қайтаётганида, Сирдарёдан ўтгач, Бодомчашма деган жойда Умархон қўйган соқчилар томонидан ўлдирилади.

Шундай қилиб, Умархон ўз акаси Олимхонни ўлдиртириб, Кўқон таҳтини эгаллагандан кейин Нодира Кўқонга келтирилган бўлса керак. Бундан сўнг, унинг бутун умри Кўқон шаҳридаги адабий ҳаёт доираси билан боғланниб қолади.

Кўқоннинг анча фаоллашган адабий доирасига киргач, ёш шоира шеърият малакасини эгаллаш йўлида тинмай меҳнат қиласи. Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бобир, Фузулий, Бедил каби буюк шарқ шоирларининг юксак поэзиясидан тинмай таълим олди. Нодиранинг ўз эътирофига кўра, унинг устоди, адабий қаламдоши ва умр йўлдоши Умархон билан ўрталарида бўлган адабий мунозаралар, мубоҳасалар ва мушоаралардан шоиранинг шеърий қобилияти яна юксалди ва ривожланди.

<sup>11</sup> А. Қаюмов, Кўқон адабий муҳити, 220-бет. Бу воқеа «Мунтахаббут таворих»да 161 ва 253—254 саҳифаларда баён этилган.

Кўп ўтмай у асл ва жозибадор шеърлар автори сифатида танила бошлади.

Бу даврда ўзбек адабиётида бир-бирига қарама-қарши йўналишдаги икки адабиёт: феодал-клерикал адабиёт ва демократик-прогрессив адабиёт мавжуд эди. Бу ҳол, айниқса, Қўқон шаҳрида марказлашган маданий ҳаётда яққол ўз ифодасини топди. Умархон бошчилиги-даги реакцион-клерикал сарой адабиётининг вакиллари Адо, Фазлий, Вазир, Нола, Маъюс каби ўнлаб шоирлар ҳукмрон синфларнинг манфаатини кўзлаб, хон ва унинг салтанатини кўкларга кўтарувчи шеърлар ёзилар. Қасидачилик ва назирагўйлик, диний мистик ғоялар сарой шоирлари ижодининг асосини ташкил этди.

Бу оқимга қарама-қарши бўлган прогрессив-демократик адабиёт вакиллари Фозий, Ҳозиқ, Махмур, Гулханий каби шоирлар меҳнаткаш омманинг аянчли оғир аҳволини кўйлаб,adolatcizlik ва ноҳақликка, зулм ва истибдодга қарши чиқдилар, ҳоким синфнинг баъзи ярамас томонларини қаттиқ қораладилар. Улар ўз ижодларини, асосан, ҳалқчиллик позицияси нуқтаи назаридан ривожлантирилар. Инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини улуғладилар. Даврнинг айрим илфор фикрли ижодкорлари кўп жиҳатдан ана шу адабиёт вақилларига яқин турар, уларнинг ғоя ва мақсадларини қувватлар эдилар. Нодира ана шундай илфор шахслардан биридир. У прогрессив адабиёт таъсири остида, ўша позицияга яқин тургани ҳолда ижод этди ва ўзининг инсонпарварлик,adolatparvarlik ғоялари, тарбиявий, ахлоқий-дидактик фикрлари билан майдонга чиқди.

Лирик шоира Нодира саройда яшар экан, эл-юртнинг аҳволидан, мамлакат ва ҳалқнинг вазиятидан бегона ва бепарво қолмади. У ўзининг ҳаққонийлиги билан замона ҳукмдоридан савоб ишлар, ҳалқпарварлик ва адолат талаб қилди. Оташин мисраларда зулмни қоралаб, адолат ғояларини илгари сурди. Чунки зулм-жаботони танқид этиш, адл-инсофни улуғлаш Саъдий, Ҳофиз, Навоий каби улуғ шоир ва адибларнинг анъаналяридан бўлиб, ҳалқнинг умид ва кураш иродасига куч қўшар эди. Классик адабиётнинг бундай илфор традициялари Нодира ижодига ижобий таъсир қилди.

Бу маънода Нодира ўзининг рафиқи Умархонга ҳам ваъз ва насиҳат беришга журъят қилди:

Бўйлаким мумтоз эрурсан, барча султонлар аро,  
Шод қилгин бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб.

(226).

Фуқаро ҳолига гар боқмаса ҳар шоҳ анга  
Ҳашмату, салтанату, рафъату шон барча абас.

Шоҳ улдурки, раиятга тараҳум қилса,  
Иўқ эса, қоидай амну барча абас.

(386)

Шоира қатор фазалларида халқ манфаатлари ҳокимнинг шахсий манфаатларидан устун эканлигини куйлади. У, яхши ҳоким, хон, албатта, меҳнаткаш халқни ранжитмаслиги ва унинг манфаатларини кўзлаб иш қилиши лозимлигини таъкидлади. Агар шоҳ ўз халқининг аҳволидан хабардор бўлмаса, бундай шоҳга ҳашамат, салтанат, улуғорлик, шон-шараф беҳуда эканлигини қаттиқ уқтириб ўтди ва уни халқпарвар бўлишга чакирди.

Бироқ, Нодиранинг халқпарварлиги ва адолатпарварлиги у яшаган муҳит, вазият туфайли чекланган эди. Биринчидан, унинг сарой ҳаёти билан боғлиқлиги шоиранинг ижодини маълум даражада чегаралаб қўйган бўлса, иккинчидан, у жамиятдаги қарама-қаршилик социал тенгизликтининг натижаси эканлигини англаб етмаган. Бунинг устига ўзи ҳам юқори табақага мансуб эди. Шунинг учун фақат шоҳ адолатли, инсофли бўлса, мамлакатда осойишталик ўрнатиш мумкин деб ишонар эди. Шоиранинг дунёқарашидаги бу каби қарама-қаршиликлар, яъни феодал давлатининг синфий моҳиятини тушуниб етмаслик, ўша даврнинг шароитига боғлиқ бўлиб, аслда бу идрокли ижодкорнинг айби эмас, балки баҳтсизлиги эди.

Нодира феодализм муҳитида ўзининг ярамас ниятларини амалга оширишга уринган мағрут ва худбин ҳукмдорларнинг ролига эмас, балки жамоатнинг ролига катта аҳамият берди:

Ба худсарони ҷаҳон обрӯи маърака нест,  
Ба иттифоқ кунад кори зулфиқор ангушт.

### Мазмуни:

Жаҳон ўзбошимчалари майдонда обрӯ

қозонолмайдилар,  
Иттифоқ бўлиб бириккан бармоқлар қиличининг ишини  
қиласи,

Зоҳидлик таълимотларини қоралаш, инсоний муҳаббатнинг ашаддий душмани бўлган мутаассиб руҳонийларни танқид қилиш Нодира ижодининг энг ҳарактерли томонларидан биридир.

Тарки ишқ эт, деди менга зоҳид,  
Демади ҳеч телба мунча қабиҳ.

Ислом динига ёпишиб олган реакцион руҳонийлар шариат қонунлари билан омманинг онгини заҳарлаб, уларни ҳаётдан, воқеликдан четлатиш ва чалғитиш, эксплуатация қилиш мақсадида у дунёдаги «жаннат» ва «дўзах» каби афсоналар билан алдар ва қўрқитар эдилар. Буюк Навоий зоҳидларнинг бу фирибгарликларига кескин жавоб бериб, шундай деб ёзган эди:

Қўрқутма мени тамуғдин, э зоҳиди ях,  
Жаннат менга бўлғуси, дебон урма занах!<sup>12</sup>

Нодира ҳам қуйидаги навоиёна сатрлари билан зоҳидларнинг, шайхларнинг сўзи ҳамда иши ўртасидаги қарама-қаршиликларни, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва иккюзламачилигини очиб ташлайди:

Иннома, лофи муҳаббатдин урса элга занах,  
Ки бордур ишқ ила зоҳид ароси юз фарсах!  
(47a)

Бали бир-бирга ошиқ бирла зоҳид,  
Мухолифдур нечукким ўт била ях.  
(436)

Риёу, ҳирсу, тамаъ савтидур таронаи шайх,  
Эшитмаким ҳама афсун эрур фасонаи шайх.

Берур ғурур ила оройиши фашу дастор  
Ки худнамолиг эрур зеби корхонаи шайх.

Кўнгуллар ўлди совуқ суҳбатидин афсурда,  
Эрур чу боди ҳазон оҳи ошиқонаи шайх.

Топилса, Нодира, бир шайхи орифи комил,  
Бошим ҳавосин этай назри остонои шайх.  
(446)

Буларга қарши ўлароқ, Нодира дунёвий муҳаббат, шодлик ва ҳаёт эркинлигини куйлади. У муҳаббат ша-

<sup>12</sup> Навоий, Танланган асарлар, Тошкент, Ўззадабийншр, 1959, 140-бет.

робини ичиб, ундан лаззатланиш ва ибодат ўрнига ишқ намозини ўқишини афзал кўрди:

Нодира жоми муҳаббатни лаболаб ичибон,  
Мастлиғ бирла қиласай ишқ намозини адо.

(13а)

Нодиранинг фикрларига кўра, албатта, уни даҳрий ва бедин эди леб бўлмайди. Лекин диннинг даҳшатли урф-одатлари, реакцион қоидалари шоиранинг эркесвар қалбida норозилик туйғуларини уйғотади.

Нодира поэзиясининг туб мазмуни инсонга хос бўлган энг азиз, яхши фазилатларни — муҳаббат, вафо ва садоқатни улуғлашдан иборатдир.

Маълумки, шоирлар севги-муҳаббат темасига катта ўрин ажратганлар. Бу мавзу воситаси билан инсоннинг тор муҳаббат ҳисларинигина эмас, балки ҳаётдаги ижтимоий воқеликларни акс эттиришга интилганлар. Уша замондаги зулм ваadolatsizlikни қоралаб, диний ақидаларнинг реакцион томонларини фош этганлар.

Урта аср феодал шароитида тараққий топган поэзияда ҳам муҳаббат мавзуи жуда кенг ўрин тутган эди. Ўзбек классик адабиётининг атоқли вакиллари Сакко-кий, Амирий, Отойи ва Лутфийлар ҳақиқий ҳаётни тасдиқлаш, инсоннинг гўзаллиги ва камолини тараннум этиш каби дунёвий мотивларни илгари сурдилар. Буюк Алишер Навоий поэзиясида эса самимий муҳаббат, вафодорлик, юксак садоқат темаси янада ўзининг юқори чўққисига кўтарилиди. Алишер Навоий ижодида хотин-қизларнинг жисмоний ва маънавий гўзаллиги, фазилатлари, қаҳрамонлиги, уларнинг ватанга, ёрга нисбатан самимий муҳаббати, она юртининг жўшқин тароналари жуда зўр моҳирлик билан конкрет ва жонли сатрларда кўйланди.

Нодира ҳам ўз ижодида инсоний муҳаббатни зўр бадиий воситалар билан ифодалар экан, инсоннинг энг мураккаб, нозик ҳиссияти бўлган севгининг моҳиятини чуқур очишга ва унга кенг ижтимоий мазмун беришга интилди.

Нодира яшаган даврда, айниқса, хотин-қизларнинг қисмати жуда ҳам оғир ва фожиали эди. Улар жисмоний, руҳий хўрланиш билан бирга севиш ва севилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эдилар. Чунки уларнинг тақдири отанинг, аканинг ва эрнинг хоҳишига боғлиқ бўлиб, шафқатсизлик билан ҳал этилар эди. Шундай шароитда

Нодирадек, аёл шоиранинг инсон севгисини тараннум қилиши, мазкур даҳшатли вазиятга эътиroz тариқасида «муҳаббат шевасини» ниҳоят жасурона овоз билан «ошкор» этиши чиндан ҳам оптимистик бир ҳаракатdir:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт!

Кўйиб, эй Нодира, олам элиға,  
Муҳаббат шевасини ошкор эт!

(28a)

Бу қисқа, аммо мазмундор мисраларда шоира севги-муҳаббат инсон ҳаётининг узвий қисми эканини уқтиради. Муҳаббат шаънига оташин мадҳни биз Нодиранинг «Муҳаббат» радифли ғазалида яққол кўрамиз:

Ҳар кимда агар бор эса осори муҳаббат,  
Айлар анга маҳбублар изҳори муҳаббат.

Хушдур киши дунё ғамини қилса фаромуш,  
Пожуръа чекиб соғари саршори муҳаббат.

Роҳат тиласанг ишқ биносини павоҳ эт,  
Осуда эрур сояи девори муҳаббат.

Эй Нодира, зуҳд аҳлини майхонада кўрсанг,  
Дам урмаки, фош ўлмасун асрори муҳаббат.  
(336)

Нодиранинг севги лирикаси, ўзининг соғ ҳислари, равон мисралари, вафога интилишлари билан ажralиб туради ва шу сабабдан ҳалқимиз дилида бир асрдан кўпроқ вақтдан бери жой олиб келади. У ўзининг форстожик тилида яратган муҳаббат ҳақидаги ғазалларида ҳам жуда оригинал фикрларни баён этади. Масалан, тожикча «муҳаббат» радифли ғазалида «Дили ғампарвари ман кони муҳаббат», яъни «менинг ғамгин кўнглим севгининг конидур», деб ўзини танитган Нодира чиндан ҳам улуғ инсон севгисини куйлаган оташин шоирадир, десак янглишмаймиз. Қоронғи, мазлум, совуқ, шафқатсиз бир муҳитда, худбинлар ҳукм сурган феодал жамиятида севгини, яъни ўзидан бошқаларни юракка яқин билиб қадрлаш туйғусини шундай унутилмас байтларда куйлаган санъаткор, албатта, замонамизнинг эркин ва баҳти авлодлари назарида бағоят юксак миннатдорчиллик билан хотирланишга лойиқdir.

Эй зулфи сиёҳи ту шабистони муҳаббат,  
Анвори чамолат маҳи тобони муҳаббат.

Хоҳи ситаму зулм намо, хоҳ иноят,  
Макнуна бувад бандай фармони муҳаббат.

(416—42a).

### Мазмуни:

Муҳаббат туни зулфингнинг қоралигидандир,  
Жамолинг нурлари муҳаббатнинг ёруғ ойидир.

Хоҳ зулму ситам кўрсат, хоҳ иноят қил,  
Макнуна муҳаббатнинг фармонига қулдир —

каби мисраларда шоира озод, эркин, инсоний муҳаббат  
фояларини улуғлайди ва уни ҳимоя этади. Шоира бу  
фикрлар билан маънавий жиҳатдан маҳкум этилган,  
озодликка интилиш билан боғлиқ бўлган, ҳаётдан лаз-  
затланиш ҳамда ундан баҳраманд бўлишни истаган  
тутқун хотин-қизларнинг орзу-тилакларини куйлади.

Нодира муҳаббатда эркинлик, оиласига маънавий  
тенглик талаб қилиб яратган сатрларида вафодорлик  
ва садоқат, муҳаббатнинг асосий моҳиятини ташкил  
этганигини зўр маҳорат билан куйлади. Бу хусусият-  
ларни инсоннинг нозик ва олижаноб фазилатларидан  
бири деб тушунтиради. Улуғ Навоийнинг «Вафодорлик  
сенинг шиоринг бўлсун» деб қилган чақириғига жа-  
вобан, Нодира:

Бўлса то умру ҳаётим боқи,  
Мени илкимдуру домани вафо,—  
(116)

деб ҳаётининг охиригача ёрига, оиласига содиқ бўлиб  
қолишини, ҳаётнинг ва бу ҳаётда яшашнинг мазмуни  
ҳам инсонга муҳаббат, дўстга шафқат, чексиз вафодор-  
ликдан иборат бўлиши кераклигини баён этди.

Нодира ўзининг қатор сермазмун ва таъсири шеър-  
ларида «Ишқнинг китобидан дилимда кўп достонлар пай-  
до бўлди», «Лоланинг доғи каби дилимда савдодан ни-  
шоналар бор», «Муҳаббат оламида ажойиб сўзларни  
ўргандим», «Энди менинг достоним овозаси бутун жа-  
ҳонга кетди» деб ошиқ қалбнинг чуқур ҳаяжонларини  
таъсирили ифодаларда қуидагича куйлади:

Аз китоби ишқ чандин достон дорад дилам,  
Ҳамчу доғи лола аз савдо нишон дорад дилам.  
(108б).

Дар муҳаббат булачаб афсонаҳо ангехтам,  
Дар чаҳон овозаси иш достонам меравад.

(57а).

Нодира ғазалларида ўзининг шахсий ҳаёти ҳақида·  
ги фикрлари акс эттирилган бўлса ҳам, унинг бу ҳолати  
тўғридан-тўғри ўша замондаги хотин-қизларнинг аянч-  
ли тақдири масаласи билан боғлиқдир. Шоира ижоди-  
даги психологик моментларнинг дард билан куйлани-  
ши ҳам ана шу асосда келиб чиққан.

Нодира давр кулфатлари дардидан севишган қалб-  
ларнинг айрилиқ ва хасталикда тортган азоб-уқубат-  
ларидан шикоят қилди. Ишқ доғида юзи заъфарондек  
сарғайғанлиги, ёр васлига ниғорон бўлиб, кўзлари юл-  
дуздек чараклаб туриши ва ишқ оловида юрагиминг  
ёниши — ҳаммаси ёрнинг васлидан ва марҳаматидан  
узоқ бўлишнинг оқибати эканлигини кучли бадиий  
бўёқларда тасвирлайди. Лекин маънавий жиҳатдан  
тетик шоира аянчли ҳаётдан умидсизланмади, аксинча,  
ёрга етишиш учун, унинг ишқи дардидаги куйиб, юраги  
қип-қизил қон, ранги заъфарон бўлганида ҳам мақсад  
йўлидан қайтмасликка ва муҳаббат йўлида балолардан  
ҳам юз ўғирмасликка мардонавор аҳд қилди. Унинг  
муҳаббат лирикасидаги ўзига хослик ҳам ана шунда-  
дир. Шоира бахтли ҳаёт учун ҳар қандай қийинчилик-  
ларга бардош беришини тубандагича баён этди:

Агар келса бошимға тиги ажал,  
Қилурманму йўлингда тарки талаб.

(196)

Нодиранинг замондоши Увайсий ҳам шоирага жўр  
бўлиб:

Бошимга солса маломат қушлари кошонае,  
Ишқида ашкимни айлаб дона-дона кўз тутай<sup>13</sup>

каби вафо ва садоқатли бўлишга чақирувчи севги  
сатрлари яратди.

Шундай қилиб, Нодира ўз ғазалларида олижаноб  
муҳаббат ва севги мотивларини куйлади. Муҳаббатга  
эришишнинг замирида инсоннинг бахтиёрлиги, ҳаётдан  
мамнунлиги ётади, деган ажойиб фикрларни илгари  
сурди. У муҳаббатда эркинлик, оиласда маънавий тенг-  
ликни талаб қилди. Нодира муҳаббат — роҳат ва се-  
винч, бахт келтирувчи, ижодий меҳнатда эса маҳорат,  
жасорат ва мардликка ундовчи ижтимоий омил экан-

<sup>13</sup> Увайсий девони, УзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1837,  
167 варақ.

лигини ўзининг лирик ҳиссиятлари орқали тушунтиришга интилди.

Ҳаёт тажрибаларида ва замонинг оғир синовларидан чиниқан шоира дунёни улуг бир ибратомуз имтихон мактаби деб таърифлайди, инсонни қадрлайди. Ўнинг «Этиб кет» радиофли ғазали бунга мисол бўла олади:

Кел даҳрни имтиҳон этиб кет,  
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен,  
Гул шохига ошён этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдинг,  
Кайфиятини баён этиб кет!

Кел ишқ йўлида кўзларингни,  
Эй Нодира, дурфишон этиб кет!

(33a).

Бу ғазал ўзининг мазмундорлиги, равонлиги ва мусиқийлиги билан шуҳрат топди. Ҳатто, шоирлардан Залуний, Ходимий, Нодим, Роже ва бошқалар бу ғазалга тахмис қилдилар. Бу эса Нодиранинг ўз замонасида ҳам моҳир шоирларга устодлик даражасига кўтарилиган забардаст санъаткор эканлигини кўрсатади.

1822 йилда Нодиранинг (такхинан, 30 ёшларida)<sup>1</sup> ҳаётида оғир мусибат юз берди. Унинг ҳаёт йўлдоши шоир Амирий (амир Умархон) анча ёш чоғида иттифоқо вафот этди.

Ҳассос қалбли шоира бу мусибатни лоқайдлик билан кечира олмас эди, албатта. Ўзига «валинеъмат ва устод» деб билган ёрининг вафотига бағишилаб, ўз шахсий кайфиятларини акс эттирувчи қатор шеърлар, марсиялар ёзди.

Гарчи шоира фожиали айрилиқ дардидаги маржондай катра-қатра кўз ёшлари оқизса ҳам, ўз бахтсизлигига бўйсунишни истамайди. У фалакнинг, яъни тақдирнинг зулмига қарши норозилик исёнини кўтаради, ҳар қандай фалокатга қарши инсон иродасини қувватлади ва бу мотам ичига оптимистик равишда умид нишоналарини излади.

Нодиранинг «Фифонким, гардиши даврон айрди шахсуворимдин» деб бошланган ғазали яна ҳам характерлидир.

**Фигонким**, гардиши даврон, айирди шаҳсуворимдин,  
Фамим кўп, эй, кўнгул, сен бехабарсан ҳоли зоримдин.

**Губорим** ишқ водисила барбод ўлди андоғким,  
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар губоримдин.

**Кизил** қондур сиришким, заъфарондур чеҳраи зардим,  
Мени ким кўрса фарқ этмас, хазон бирла баҳоримдин.

**Бузулди** рўзгорим, хонаи айшим ҳароб ўлди,  
На роҳат кўргамен эмди бузулғон рўзгоримдин.

**Биёбонларни** истаб топмадим ёrim сўроғини,  
Берурман жон, сабо ногаҳ ҳабар келтурса ёнимдин.

**Диёrim** аҳли мендин ёрсиз бегона бўлмишлар,  
Ки мен ҳам ёрсиз озурдамен ёру диёrimдин.

Гаҳи йиртиб яқо, гаҳ қон ютуб, гоҳи фифон эттим,  
Нелар ўтти бу оқшом Нодира бу жони фигоримдин<sup>14</sup>.

Нодира марсияларида гарчи аламли кўз ёшлари ялтираса ҳам, биз уларда ғамни, мотамни енгиш, азадан умидга ва равшаникка интилиш ҳолатларини кўрамиз.

Нодира лирикаси ҳассос бир қалбнинг буюк ва ростгўй дафтариdir. Бу лириканинг ички фожиаси шундаки, Нодира расман ва зоҳиран «малика» деган унвонга эга бўлсада, Шарқ мусулмон аёлларининг оғир қисмати, феодал жамиятидаги қонун-қоидаларнинг хотин-қизлар бошига солган оғир кулфатлари унга ҳам катта изтироблар келтирди. Бинобарин, Нодира лирикасидаги шикоятлар ҳамда фарёдларни тўғри англаш ва тарихий муҳит билан мантиқий боғлаш керак. Шоиранинг қуйидаги бедилона ёзилган «оташ аст» радифли

<sup>14</sup> Бу ғазалга Нодим тахмис қилган бўлиб, икки қўллэзмада: № 4182, 95—96-варақлар, № 4179, 279-варақларда келтирилган. Хонаси келганда шуни ҳам эслатиш керакки, шоир Сайфий «Фурқат» достонида бу шеърни Фурқат шеъри, деб талқин этди. Шунингдек, айrim адабиётшунослар ҳам бу шеърни Фурқатга нисбат бериб келдилар. Дарҳақиқат, маърифатпарвар шоир Фурқатнинг баъзи шеърларида Нодиранинг ҳаётбахш ғазалларидан илҳомланганини ва унга татаббузъ қилганлигини кўриш мумкин. Бунга мисол қилиб, Нодиранинг «Жон кўрмади рўзадин ҳаловат» деб бошланган ғазалига ўхшатиб ёзилган Фурқатнинг «Эй лутфи каму жафоси чўх ёр» каби ғазалини кўрсатиш кифоя. Лекин юқоридаги «Фигонким» деб бошланган ғазал на Фурқатнинг асарларида ва на бошқа қўллэзма манбаларда учрайди. Биздаги аниқ ҳужжатлар асосида бу ғазал марсия муҳаққак равишида буюк шоирамиз Нодира га мансуб бўлганини қатъий айта оламиз.

ғазалида, ўртанаётган бир юракнинг истаги билан им-  
конияти ўртасидаги кескин зиддиятлар ёрқин ифодалаб  
берилади:

Бе ту дәр базми тараб мавчи шаробам оташ аст,  
Бе май лаъли лабат нуқлу кабобам оташ аст.

Васл мушкил, ёр бепарво, фифонам беасар,  
Дўстон раҳме ки дар чони харобам оташ аст.

Дар қаломам нест Макнуна ба ғайр аз сўхтан,  
Дафтарам маҷмуаи доғу китобам оташ аст.  
(41a)

### Мазмуни.

Хурсандлик базмларда сенсиз шаробим тўлқинлари  
оташдир.  
Сенинг лаъли лабинг майисиз газагим ва кабобим  
оташдир,  
Етишмоқ қийин, ёр бепарво, фифоним таъсирсиз,

Эй дўстлар, раҳм қилинглар, менинг хароб жонимда  
оташдир.

Мен Макнунанинг сўзларимда куйнишдан ўзга  
нарса йўқ.  
Дафтарим доғ тўплами-ю, китобим оташдир.

Қўқон хони Умархон вафотидан кейин мамлакат  
идорасини расман бўлмаса-да, воқеан ўз қўлига олган  
Нодира ўлкадаги маданий ва адабий ҳаётга чин раҳбар  
бўлиб қолди, имконият борича маданият ва санъатни  
ривожлантиришга интилди. Нодиранинг ташабуси билан  
Қўқонда мактаб, мадрасалар барпо бўлди, кутубхона,  
ҳаммом, меҳмонхона, карвонсаройлар, раста, бо-  
зорлар, йўллар, кўприклар қурилди. Унинг бу фаолияти  
тини замондошлари юксак қадрладилар.

Зиёлилар ўртасида ва, хусусан, шоирлар даврасида  
«Ойим» деб катта ҳурмат билан тилга олинган Нодиранинг  
олимларга, фозилларга аҳамият берганини, чинакам  
истеъоддли шоирларни ижодга ташвиқ қилганини,  
айниқса хотин-қизлардан чиққан шоирларни ўз ҳимоя-  
сига олганини ўша даврнинг таниқли шоири Нодир назм  
билан бундай деб баён қилган:

Анингдек келмагай даҳр ичра Ойим.  
Анинг кўнгли саховат ичра доим.

Сўрубон келтириб аҳли фазоил,  
Иғилди даргаҳида ҳар қабоил.

Бариси шеър ичра эрди моҳир,  
Ғазал демоқда барча эрди шоир.

Яна:

Иғибон ҳар тарафдин неча хотун,  
Бариси фазлу дониш ичра отун.

Бари Зебунисодек эрди шоир,  
Бари Марям каби зуҳд ичра моҳир.

Барининг фаҳми бир-бирдин фузуроқ,  
Барининг илми бир-бирдин узуроқ.

Алардин эрди Ойим кўнгли ҳушхол,  
Ўтар эрди анинг бирла маҳу сол<sup>15</sup>.

Яна бошқа бир гувоҳ — шоиранинг Макнуна тахал-  
луси билан тузилган тоҷикча девонига дебоча ёзган  
номаълум автордир. У Нодиранинг адабиёт соҳасидаги  
хизматларига баҳо бериб:

Иқбол ёфт фаҳми маонӣ зи фитраташ,  
Равнақ гирифт шеър ба давру замони ў<sup>16</sup>.

Яъни унинг замонида шеър равнақ топиб, маънодор  
асарлар порлаб кетди, дейди.

Нодиранинг шу каби прогрессив амалий фаолияти  
унинг ижодида ҳам яққол акс этди. У шеърларида  
илм-маърифатни улуғлади, донишмандлар, оқил ки-  
шилар ҳақида фикрлар юритиб, ҳақсизликка қарши  
адолатни тарғиб этиш билан бирга ўз даврида илм-фан-  
ни ривожлантириш учун кураш олиб бөрди ва бу ҳақда  
ажойиб фикрларни баён этди.

Маърифатпарвар шоира илмли бўлиш натижасида  
инсоннинг энг яхши олижаноб фазилатлари ривож  
топажаги, ички кечинмалари ва келажак орзу-умидла-  
рининг намоён бўлажаги ҳақида мулоҳаза юритди.  
Шоира илм, маърифат, билим, савод тўғрисидаги орзу-  
ларини «Хат», «Қалам» каби ғазалларида моҳирона  
ифодалади ва ўз замонаси учун ғоят тараққийпарвар  
аҳамиятга эга бўлган мулоҳазалар юритди:

Ҳар касе гардад агар як лаҳза дамсози қалам,  
Мурғи руҳаш дар бадан паррад зи овози қалам.

Ҳамчу ман бар сафҳай айём аз савдои ишқ,  
Дуди оҳу ашки ў анчому оғози қалам.

<sup>15</sup> Нодир, Ҳафт гулшан, ҮзФА ШИ инв. № 1801, 8-варақ.

<sup>16</sup> Макнуна девони, 4-варақ.

Гиръяҳо дорад зи мотам аз ғами ҳичрони ёр,  
Аз сиёҳи дошта ҳар дам сарандози қалам.

Нест фаҳмидан, вале бо гӯши дил ҳоҳад шунид,  
Нолаи Макнунаи мо шуд ҳамовози қалам.  
(107a)

### Мазмуни:

Қимки бир лаҳза қалам билан ҳамдам бўлса,  
Қалам овозида унинг жон қуши парвоз қиласи.

Ишқ савдоғидан менга ўхшаб, дунё сафҳасига оҳ  
тутунларини пуркаб туриш  
Қаламнинг анжому оғозидур.

Қалам ҳар дам сиёҳдан қора рўмол ўраб,  
Ёрнинг айрилиғидан мотам тутиб йиғлади.

Макнунанинг ноласини фаҳмлаб бўлмайди,  
Лекин уни дил қулоги билан эшитиш мумкин.  
Чунки у қаламга ҳамовоздир.

Шоира бу сатрларда қаламнинг таърифини бериш  
орқали ижтимоий фикрларни баён этиб, ўзининг баҳти  
қаролигини қаламнинг учи қоралигига ўхшатади. Шу  
нинг учун ҳам улар бир-бирларига ҳамоҳанг эканлигини  
тасвиirlаб, мажозий ўхшатишлар қиласи.

Нодира «Хат» радифи ғазалида ҳаёт воқеликлари  
ни ифодалар экан, ўзининг ниҳоятда қайғули, маҳзун  
ҳолатини яна ҳам характерли мисраларда баён этади.  
Шу билан у турмуш ҳодисаларини типиклаштириб, уму-  
мийлаштириб кўрсатади. Шоира бу ғазалида тўғридан-  
тўғри «Менинг ҳайронлик билан қарашим, тутқунлик-  
нинг хатбоҳиси»дир деб ёзди. Шоира замона сиқифи  
остида ўтган ўз ҳаёти ва ички кечинмалари натижасида  
юзидан оққан кўз ёшлари хатнинг ёрдами билан жилва-  
ланиши, қоғозга терилишини куйлаб, илмнинг хосияти,  
куч-қудрати ва унинг ижтимоий моҳиятини намоён  
этди.

У шундай деб ёзди:

Чу рўзи ман набувад тира холи шабрангат,  
Ба баҳти ман зи сиёҳӣ нашуд баробар хат.

Чи нақшҳо ки ба рўи фалак зи оҳи манаст,  
Ки диди аст дарин сафҳа зин накутар хат.

Сиришки сурхи чу Макнуна бар рухи зардам,  
Падид гашт зи шингарфи қоғази зар хат.

(936)

## Мазмуни:

Сенинг қаро холинг менинг күнимдек қора эмас,  
Менинг баҳтимга қораликда ҳаг баробар келолмайди.

Фалакнинг юзига менинг оҳимдан қандай расмлар  
тортилган,

Бу сафҳада бундан чиройлир ҳатни ким кўриди.  
Мен Макнунанинг сариқ юзидағи қонли кўз ёшларим  
Зарҳал қорозига ёзилган қизил ҳатга ўхшайди.

Нодирадаги ҳаётчанлик, дунёвий ишқу муҳаббатни  
ҳамма нарсадан устун қўйиш унинг юрга, элга, ҳалқа  
бўлган меҳри билан узвий боғлиқдир.

Юрт севгиси шоиранинг гўзал Фаргона манзарала-  
рига қўйган ихлоси орқали ҳам жилваланади. Ҳақиқатан  
ҳам ватанпарварликни ватан ерига, ватан тупроғига  
ва табиатга бўлган севгидан ажратиш мумкин эмас.  
Шоира ўзининг битта шеърини бевосита «табиат» ради-  
фи билан ёзиши унинг бу мавзуга қанчалик аҳамият  
берганини кўрсатади. Маълумки, классик лирикада ра-  
дифга олинган сўз шеърнинг ғоявий йўналишини бўрт-  
тириб беришга хизмат қиласи. Бу каби ғазалларида  
шоира табиатнинг гўзаллигини, ранго-ранг табиат лав-  
ҳаларини ва уларнинг одамзодга тасалли берганини, бу  
манзаралар ўзига хос жонли бир олам эканини, табиат  
ҳамиша гуллаб-яшнаб турганини, инсоннинг дардлари-  
га табиат шифокор бир куч эканини қайд этади:

Соф аст рухи оина кирдори табиат,  
Як заррағам мешавад озори табиат.

Аз баҳри дилаш мавҷзада гавҳарӣ маъниӣ,  
Макнуну бувад маҳрами асрори табиат.

## Мазмуни:

Табиат юзи оинага ўҳшаган тиниқдир,  
Заррағам ғам-ғубор унга озордир.

Макнунанинг табиатида маъни инжулари мавж уриб  
Етгани учун у табиатнинг сирларига маҳрамадир.

Замонасининг заковатли шоираси Нодира муҳитдаги  
қарама-қаршилик ва ҳақсизликка кучли эътиroz бил-  
дирди. «Даврон забуну, ёр ситамгару, баҳт—дун» деган  
шоира даврнинг пасткашлиги, ёрнинг бемеҳрлиги, зо-  
лимлиги, баҳти қоралигидан зөрланди.

В. Г. Белинский аёлларнинг бундай оғир, ачинарли  
аҳволини: табиат хотин-қизларга нақадар ҳаққоний,

ўткир заковатли ақл-идрок ато қилган. Афсуски, ана шу ақл-идрок жамият учун фойдасиз бўлиб келмоқда, жамият уни инкор этмоқда, агар бу ақл рад этилмай ва оёқ ости қилинмай ишга солингдана эди, кишилик тарихи ўн карра тез илгарилаган бўлар эди, деб таърифлаган.

Хотин-қизларнинг ақл-идроқи рад этилган ана шундай феодализм шароитида Нодирадек жасур, фозила, олима ва жамоатчи аёлнинг поэзия осмонида чарақлаб нур сочиши катта воқеа эди.

Реакцион ислом идеологияси ҳукмрон бўлган даврда яшаган заковатли шоира инсоннинг маънавий ривожи бўғилганлигидан, замона зулми, алам ва таҳқирлари остида эзилганлигидан нола қилса ҳам, лекин ҳаётдан умидсизланмади. У келажакка зўр ишонч билан боқди, инсоннинг баҳт-саодати учун курашди. У ўзининг «Умед ҳаст ки» деб бошланган ғазалида феодализм нинг даҳшатли қоронғулиги орасидан нур пайдо бўлишига, ёруғ, баҳтли келажак тонги отишига қалдан ишонди:

Умед ҳаст ки субҳи умеди мо бирасад,  
Ниҳояти шаби зинданни бало бирасад.  
(63б)

### Мазмани:

Умидимиз борки, иқболимиз қуёши бир кун чиқар,  
Зулм, ҳақсизлик қоронғуликлари бир томонга сурилиб  
кетар.

Ўзбек халқининг азиз шоираси хаёл қилган ишончли умидвор тонг бизнинг совет замонамида шоиранинг тасаввуридан ҳам ёруғроқ бўлиб балқиди. Совет хотин-қизлари социализм шароитида эркаклар билан баробар ҳуқуққа эга бўлиб, озод, ҳур ҳаётнинг саодатли нашъяларини сурмоқдалар, илм-маърифатнинг туганмас чашмаларидан баҳраманд бўлиб, ўзларининг ҳамма соҳадаги ташаббуслари билан намоён бўлмоқдалар.



Шоиранизминг ижодий ишхонасидаги мазмунан бой фикрларни акс эттирган шеърий воситалар ранго-ранг, бадиий ифодалар равшан ва оригинал, тил ва ифода равон ва бақувват, ўткир ҳамда таъсирчандир.

Нодира ўзининг адабий-ижодий тажрибасида Шарқ классик лирикасининг энг нафис ва гўзал анъаналари-ни давом эттириш билан бирга, янгидан-янги бадиий усуллар ихтиро этиб борди. Нодира лирикасида мазмун ва шакл ажралмас бирликни ташкил этиб, узвий ра-вишда чамбарчас боғланиб кетган. Унда китобхон сунъийлик ёки ясамалик элементларини учратмайди. Чунки унинг шеъри ҳақиқатан ҳам юракнинг нозик тор-ларида чертилиб турган самимий ва оҳангдор тарона-лардан иборатдир. Шоири поэзиясидаги оҳангдорлик, ритмик ва гармоник бирлик шоиранинг сўзга, тилга, мусиқавий завққа ҳассос эканлигидан далолат беради. Масалан, классик поэзияда айрим шоирлар арузниң фақат бир ё иккигина баҳридан фойдаланган, холос. Навоий замондоши Ҳусайний (Ҳусайн Бойқаро) йирик шоир бўлишига қарамасдан, ҳамма ғазалларини фақат бир вазндагина ёзганини Навоий ва Бобир қайд қилиб ўтганлар.

Нодирада эса ўнлаб вазнни—шўх, енгил ва тез, қисқа ўлчовлардан тортиб, то оғир, тантанали ва салобатли, вазмин аруз баҳрларигача учратиш мумкин.

### Масалан:

Дунё чаманини булбулисен,  
Гул шоҳида ошён этиб кет.

Мақсад на эди жаҳонга келдинг,  
Қайфиятини баён этиб кет.

Шоири ғазалидан олинган бу парча «ҳазаж» баҳрининг энг ўйноқи ва шўх вазнларидан бири бўлган «ҳа-зажи мусаддаси ахраб мақбузи маҳзуф (ҳазажнинг тў-лиқсиз олтилиги) ўлчовида ёзилганки, бу «мағъулу мағоилун фаулун»га тўғри келади. Бу вазнларни шоири тасодифан эмас, балки ўзининг ҳаётсеварлик ва оп-тимиристик кайфиятини изҳор қилиш учун атайлаб танлаб олган.

Нодира марсияларидан биридаги мазкур матлаъ машҳурдир:

Фигонким, гардиши даврон, айирди шаҳсуворимдин,  
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен бехабарсан ҳоли зоримдин,

Бу марсияда шоири азиз ёри, маслакдоши ва усто-дидан абадий жудо бўлганини чуқур ҳасрат билан изҳор қиласди. Бунда шоири арузнинг энг мураккаб,

16 ҳижоли қазаж вазнининг «мафоилун мафоилун-мафоилун» ўлчовини танлаб олган. Буни қа-заж баҳрининг энг тўлиқ варианти бўлмиш «ҳазажи мусаммани солим» (саккизлик тўлиқ ҳазаж) деб ата-ганлар.

Шундай муваффақиятли чиққан ва айрим реал ҳоди-саларга боғланган қалб байтлари, умуман, одамзод-нинг ўлим фожиасига муносабати ва қайғу-алам билан тўлган ҳолатини акс эттиради, севимли ёр сиймоси яқ-қол ва жозибали хусусият касб этади.

Шу муносабат билан Нодирадаги образлар диапа-зонининг кенглигини ҳам эътироф этиш керак. Одатда ўтмишдаги лирик шонрларнинг асарларидаги тематик доира фақат авторнинг ва шу орқали аёлларнинг лирик қайғиятлари билан чекланган бўлса, Нодира ўзининг лирик ҳолатларига боғлаб иккинчи лирик образни қаҳ-рамон даражасига кўтаради, у ҳам бўлса ёр, ошиқ, рафиқ, йўлдош образидир.

Нодиранинг энг кўп қўллаган бадиий усулларидан бири «мукаррар» ва «қўш мукаррар» лардан кенг ра-вишда фойдаланишдир. Масалан, тожикча бир ғазали-дан шу икки байтни эслатайлик:

Дар манзиле ки, чилван рухсори ёр шуд,  
Чаннат шуду, чаман шуду, гул шуд, баҳор шуд.

Автор шу байтида ёрнинг рухсори бор жойда жан-нат ҳам, чаман ҳам, гул ҳам ва баҳор ҳам ҳозири тайёр бўлишини уқтириб ўтади. Образларни шундай такрор-лаб бериш усулини классик шеъриятда «мукаррар» (так-рорлаш) деб атаганлар. Нодира бу усулдан фойдала-ниб, образлар тематикасини бойитган, ўзи айтмоқчи бўлган муддаосини далиллар билан асослаган. Китоб-хонининг ёки эшиутувчининг кўзи олдида конкрет ва кенг манзара яратиб берган.

Ёхуд бошқа ғазалидан олинган қўйидаги байтни кў-райлик:

Талхкомонро ба соғар аз лаби дандони ў,  
Заҳр-шаҳду, шаҳд-ширу, шир-шаккар мешавад.

Бу байтда биз юқоридаги «мукаррар» усулининг кенг татбиқ этилганини кўрамиз. Шонира бунда ёрнинг лаби теккан қадаҳ, баҳти қаро, тақдирни аччиқ ўтган одамлар назарида, заҳарни болга айлантиради, болни шакарга айлантиради, дейди. Бу ерда биз «қўш мукар-

пар»ни кўрамиз. Нодира бу хил ғазалларида классик адабиётнинг «мурооти назира» (ўхшашликка риоя қи-лиш) деб атаган приёмдан ҳам кенг фойдаланган. Бу приём классик шоирларда энг мураккаб саналган усуллардан ҳисобланади. Масалан, шоира юқоридаги биринчи мисолда «ёрнинг рухсори» ни келтирар экан, иккинчи мисрада, шу принципга риоя қилиб, чамани, гулни, жаннатни ва баҳорни эслатади. Чунки бу образлар ички моҳият жиҳатидан ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Баҳорда чаман ва гул очилади, энг мукаммал баҳор «жаннат» деб ҳисобланади. Шунинг учун шоира ғазалида бу манзаралар «ёр рухсори»нинг образи бўла олади. Шоиранинг қўйидаги мисралари ҳам «мурооти назира» мисолдир:

Нодираға ғазалсаро назмини кўрса ногаҳон,  
Дурру жавоҳирин қилур фикрига баҳру кон фидо.

Нодира ўзининг бу байтида агарда унинг назмини денгизлар ва конлар тўсатдан кўриб қолганда эди, шоиранинг ажойиб фикрига ўзларининг бағридаги дурдона ва инжууларини армуғон қилган бўлур эдилар, демоқчи. Бу мисолда ҳам образлар системаси бир принципга риоя қилдирилган. Шунинг учун буни биз маҳорат билан ишланган «мурооти назира»га мисол деб кўрсатишимиш мумкин. Негаким, «ғазал назми» дейилгандан кўз олдингизда шоиранинг илга тизилган жавоҳирдай мисралари намоён бўлади. Айнан, шу байтнинг ўзида Нодира иккинчи бир приёмни ишлатган. Яъни шоирғазалнинг ёки қасиданинг мақтаида ўзининг ижоди соҳасидаги маҳоратини тақдирлаб мағрурланади. Ҳофиз, Лутфий, Саккокий, Жомий, Навоий, Бобир ва бошқа қатор шоирларнинг асарларида ана шундай фахрланиш кайфиятини учратамиз. Бу ҳолатни классик шеършунослар нуқсон деб эмас, балки шоирнинг қонуний ҳақи деб билганлар. Лекин бир шарт билан, маълум шоир чиндан ҳам мақтанишга лойиқ асарлар яратган бўлса!.. Бу приёмни маҳсус термин билан «фаҳрия» (фаҳрланиш) деб атаганлар.

Нодиранинг бир неча шеърларида шу фаҳрия намуналарини кўрамиз.

**Масалан:**

Тонг эмасдур бўлса бу мудатда устоди сухаи,  
Нодира ашъорига таҳсин этар Салмон кўриб.

Шеърнинг мақтаидаги «Салмон» сўзи XIV асрда яшаган машҳур Эрон шоири Салмон Соважийга ишорадир. Навоий «Мажолисун нафоис» асарида «Хожа Калимиддин Салмон қасида майдонининг чавандози ва ўз замонасининг мислсиз сўз устасидир»<sup>17</sup> деб шоирга юқори баҳо берган эди. Нодира «Сенинг шеърингга, ҳатто, Салмондай улуғ шоир ҳам таҳсин қиласди» деб фахрланади. Албатта, у шундай дейишга, ўз ғазалларини дурданалар ва гавҳарларга ўхшатишга тўла ҳақли эди. Бу ҳолни биз, қуруқ мақтанчоқлик эмас, балки шоиримизнинг адабиёт соҳасида қилган кўп йиллик меҳнатларига лойиқ баҳо эди, деб эътироф этамиз.

Нодира лирикасида яна кенг қўлланилган усуллардан бири «талмиҳ» усулидир. Бу термин классик поэзияда машҳур бўлиб, арабча «сламҳа» (кўз қири билан қараш) дейишdir. Бунда автор асосий мазмунни айта туриб, ногаҳон бошқа кутилмас образларга кўз ташлайди. Бу ногаҳоний образлар мифологиядан, классик поэзиядан, афсоналардан, оғзаки ижоддан олинган бўлади. Шу усул билан классик шоирлар, аввало, ўзларининг кенг маърифат ва мутолаа эгаси эканликларини исбот қилганлар. Иккинчидан эса, улар китобхонларга маълум ва машҳур бўлиб кетган образларни жалб этиб, ўз олдида айтмоқчи бўлган муддаоларини янада чуқурроқ сингдиришга уринганлар. Бу приёмни Нодиранинг кўпгина шеърларида учратамиз. Масалан:

Фурқат ичра тушди савдои — Зулайҳо бошима,  
Қиммати Юсуф баҳо топди, харидоримға айт.

Бу байтда асрлардан бери Шарқ поэзиясида машҳур бўлиб келган Юсуф ва Зулайҳо образларини шоира усталик билан талқин этган, аммо у бу эски афсонага янги шарҳ киритган. Яъни автор, гарчи афсоналардаги Зулайҳо ўз жаҳли билан Юсуф бошига кулфатлар тушириб, унга тухмат қилган бўлса, мен Юсуфимнинг қадрини биламан, деб айтмоқчи. Шоира таъбири билан айтганда «Қиммати Юсуф баҳо топди, харидоримға айт». Бу талмиҳда шоира новаторлик кўрсатиб, эски диний афсонага янги ва инсоний мазмун киритади.

<sup>17</sup> Алишер Навоий, Мажолисун нафоис, 3-том, Тошкент, Уздавнашр, 1948, 198-бет.

## Еки бошқа бир мисолни күрайлик:

Вұлмағил Фарҳоду Мажнундек жахон афсонасы,  
Ишқ аро, әй Нодира, ойини наңгу өнім тут.

Бу байтда Нодира үзини классик адабиётда неча бор тилга олиниб келган, Фарҳод ва Мажнун можаросидав хабардор эканини эътироф этади. Аммо үзини Фарҳод, Мажнунга үхшатган шоирларга қарши қўйиб уларга үхшамасликка, муҳаббат қанча чуқур бўлса ҳам одоб ва шараф доирасидан чиқмасликка чақиради. Бу билан афсонавий образларга янги талқинлар киргизади, новаторликка интилади.

Нодиранинг бадиий тили мажозлар, ташбиҳлар, истиоралар, муболагалар, тазодлар, тадрижлар, ташҳислар (жонсиз буюмни жонлантириш), интоқлар (тилсиз буюмни тилга киргизиш) каби приёмларга бой ва кўп қирралидир. Булар классик поэзияда «санойи бадиийя» (яъни бадиий санъатлар) деб аталади. Бунда шоира, бир томондан, классик поэзия хазинасига кириб кетган гавҳарлардан фойдаланган бўлса, иккинчи томондан, оғзаки поэзиянинг бисотидан талай дурдоналарни олган. Шу билан бир қаторда, ўзи ҳам оригинал, янги бадиий инжуулар яратади.

### Масала:

Ошиқ ўлдинг, әй кўягул, эмди раҳн майхона тут,  
Маст ўлиб, соқи ағини ўлиб, паймона тут —

деган байтида биз шоиранинг ўз кўнглига мурожаат қилганини кўрамиз. Бу «хитоб» приёми классик лирикада қаҳрамоннинг руҳий кайфиятини очиш учун қулайлик туғдирар эди. Шу билан гўё шеърда иккинчи лирик қаҳрамон, шоирнинг эгизак образи яратилган бўлади. Бу матлаъ билан бошланган ғазалида Нодира то охиригача хитоб усулидан фойдаланиб, ўз дардини тортин-масдан изҳор этишга имконият топади. Иккинчидан, «майхонага йўл тут» дейиши билан шоира илоҳий ва диний эътиқодлардан кўра, дунё лаззатлари афзаллигини уқтиради. Умуман, Нодирада «май», «шароб», «бода», «соғар», «ҷағир», «саҳбо», «паймона» каби таъбирлар реал маънодаги майхўрликни эмас, балки эркин фикр, антиклерикализм ва дунёвий севғи символи тарижасида куйланганига шубҳа йўқ. Мазкур байтини иккинчи мисрасида: «Маст ўлиб, соқий ағини ўлиб, паймона тут», деган хитобни ҳам символик тарзда тушини

ниш керак. Бунда шоира чиройли сўз ўйини қилиб, «аёқ» сўзини икки маънода ифодалайди. «Соқи аёғи» деганда, биринчидан, тўғри маънодаги оёқни назарга олса, иккинчидан, май идиши маъносидаги эски ўзбек сўзи «аёқ» (коса)ни кўзда тутади.

Шаклан бир бўлиб, икки хил маънони берадиган сўзлар классик поэтикада «ийҳом» дейилади. Бу усул ўзбек фольклоридаги «туюқ» жанрининг таъсирида ёзма адабиётга кириб кетган. Бу каби мисоллар Нодиранинг фольклор бойликларини яхши билганидан дарак беради.

Яна шу ғазалнинг иккинчи байтини кўрамиз:

Ҳусни ишқ айлар сени хокистарингни тўтиё,  
Шамъдин кўймакни касб эт, мазҳаби парвона тут —

деган байтнинг биринчи мисрасида шоира ишқда куйган инсон ҳоки тўтиёдек табаррук бўлиб, кўр кўзларга дору-дармондир, дейиши билан кучли бир образ яратиб «ҳусни таълил» қиласи. Бунда шоира маълум воқеани бошқача маъно билан изоҳлайди. Чунки, ишқда куйиш билан киши тани тупроққа айланмайди ва ҳар қандай тупроқдан тўтиё ясолмайди. Бу нарсаларнинг бўлмаслигини билади, аммо жўрттага шундай шарҳ этиб, ўзининг «ҳусни таълили»ни кучайтириш учун кўнглига хитоб қиласи: кўймакни шамдан, шам атрофига айланниб қурбон бўлишни эса парвонадан таълим олгин, дейди. Ҳолбуки, инсоннинг ички изтиробини шамнинг куйиб эришига ва парвонанинг оловга туташиб ҳалок бўлишига ўхшатишнинг ўзи ҳам шартли ва символик мазмунга эга эканини шоира билгани ҳолда, ўз ички кайфиятларини бўрттириб бериш учун шундай «ҳусни таълил» усулидан фойдаланади.

Нодиранинг поэзиясида юзлаб мажозлар, ташбеҳлар ва истиораларни кўриш мумкин. Чунончи: «кўнгул ғазолин ром тут», «жўғиз янглик», «бир гўшада вайронатут», «фалак қасри», «ишқ уйи», «қошларнинг шамшири», «кўзларнинг жаллоди», «барқи ишқ», «беқарор кўнгул», «захри фироқ», «лаъли шакарбор», «жафотифи», «қадинг раъно ниҳоли», «жамолингга харидор эт», «ғамза тифи», «қоши ёси», «асири зулф», «тиғи забон», «ганжи дониш», «сарви гулрўй», «хуршиди жамол», «гулжабинлар», «қадди гулом», «ишқ сайёди», «парирўлар каманди», «ҳалқаи зулф» ва ҳ. к. Нодира лири-

каси бўйлаб марвариддай сочилган бу нафис мажозлар шоиранинг бадиий тили қанчалик зийнатли, классик поэзия тили билан айтганда, нақадар «мурассаъ» (безакли) бўлганидан далолат беради.

Шеърга оҳанг бағишилаш мақсадида Нодира қофия ва радиф масалаларига ҳам катта эътибор қилган. Қофиянинг жарангли бўлишига аҳамият берган. Нодиранинг биз умуман пухта, нафис ва мусиқий сўзлардан усталик билан фойдаланганини кўрамиз. Масалан: «Ерлаълин ёд этарман, ғунчай хандон кўруб» деб бошланган ғазалида барча қофиялар шу тарзда унли ва тўлиқ бўғинлардан иборат бўлган сўзлардан тузилган. Чунончи, биз 7 байтли мазкур ғазалда 8 та қофия кўрамиз: хандон — райҳон — ҳайвон — султон — саргардон — жонон — ҳайрон — Салмон. Бу қофияда олинган ҳамма сўзлар шоиранинг руҳий ҳолатини очишга хизмат қиласди. Юқорида зикр этилган ғазалдаги қофиялардан сўнг «кўруб» деган равишдош сўзнинг радиф қилиб олиниши ҳам тасодифий эмас. Шоира «кўруб» сўзи орқали ҳар хил образларга, лавҳаларга, муқоясаларга йўл очади.

Нодиранинг бошқа ғазалларида радифлар ҳам ўша шеърларга сарлавҳа бўладиган даражада яқол ва равшан сўзлардан олинган. Масалан: «фидо», «ажаб», «офтоб», «айлаб», «бўлуб», «саломат», «айт», «эшит», «муҳаббат», «айлагач», «оч», «кеч», «ич», «боҳ», «йўх», «офтоб», «айлаб», «бўлуб», «саломат», «айт», «эшит», шини кўрсатиш билан бирга уни аниқроқ тушунишга ҳам хизмат қиласди. Шу маънода бу радифлар маълум даражада ғазалларга сарлавҳа рёлини ўйнаши мумкин.

Нодиранинг бадиий тили классик поэзиямизнинг энг яхши анъаналарини давом эттириш билан бирга, халқ тилига яқинлашиш тенденциясини ҳам ифода этади.

Нодира ғазалиётидаги бир қанча сўзларга ҳозирги китобхонлар тушунолмасликлари мумкин, аммо шуни унутмаслик керакки, ўша тушунилиши қийин бўлган сўзлар XIX асрнинг биринчи ярмидаги адабий-маданий муҳитда ишлатилиб турган оддий сўзлар эди.

Нодиранинг тилида бир қанча озарий, туркий тилининг элементлари учрайди. Булар ўша давр учун оддий бир ходиса эди, чунки Озарбайжон шоирларининг, айниқса, улуғ Фузулийнинг Урта Осиёда шуҳрати катта эди. Ҳар бир адабиёт муҳиби Фузулий асарларини му-

толаа қилиш ва улардан баҳраманд бўлишга интиларди.

Шоири ўзининг сермаҳсул ижодкор бўлганлигига қарамасдан, ниҳоят камтарлик билан фикр юритиб, янада самарали, фойдали ижод қилишни тарғиб этади. Бу кусусият ҳақиқатан ҳам унинг камтаринлик, олижаноблик фазилатларидан келиб чиққандир. У шундай ёзади:

Қатраи обам гар аз гавҳар ба Ҷайҳун мерасам,  
Зарраи хоким гар аз рифъат ба гардун меравам.

(1096)

### Мазмани:

Мен гавҳарликда Амударёга етсам ҳам бир қатра  
сувман,

Қадру мартабада осмонга етсам ҳам бир зарра  
тупроқман.

Биз Нодиранинг адабиёт тарихидаги катта мавқени, унинг ўз даври учун прогрессив аҳамиятга эга бўлган ғояларини ҳурмат билан қайд этишимиз билан бирга, албатта, унинг ўз даврининг фарзанди эканини унутмаслигимиз керак. Сарой доирасида моддий фаровонлик ва дабдаба ичиди, атрофидаги одамларнинг доимо қўл қовшутириб, уни иззат қилганини кўриб яшаган Нодиранинг ўзи ҳам феодал жамиятнинг аристократия доирасига мансубдир. Ундаги диний ақидаларнинг кўришилари, таваккалпаратлик, адолатли ҳукмдор идеали, пессимилик кайфиятлар ўша замон, ўша муҳит, ўша синф ва ўша доиралар билан боғлиқ эди. Бироқ шуларга қарамасдан, бу олижаноб инсон ўз поэзиясида ҳақсизлик, жаҳолат, ёмонлик, бахтсизлик, тенгсизлик касофатларидан шикоятланиши ва, айниқса, хотинқизлар тақдирининг аччиқ оқибатларидан фарёд этиши бизнинг ҳур ва бахтиёр авлодларимиз томонидан ташаккур ва ҳурматга сазовордир.



Кўқон хонлиги XIX асрнинг 20—30 йилларида, шубҳасиз, сезиларли даражада ижтимоий қарама-қаршиликларни бошдан кечираётган бўлса ҳам, шу билан бир қаторда маданий ҳаётда анча ўсиш юз бераётган эди.

Бу даврда этишган хотин-қиз шоираларнинг объектив ҳаёт ҳодисалари, шу дунё гўзаллиги, инсоннинг

улуғлиги каби гуманистик ғояларни тинмай тарғиб этишлари ўз шароитига нисбатан катта аҳамиятга эга бўлди.

Қўқон хонлигига илм-фанинг, бадиий адабиётнинг ана шу тахлитда Нодира кўмагида маълум даражада ривожланиши, реакцион руҳонийларни, диндор суфийлар, мутаассиб амирларни ташвишга солмай қолмади. Чунки феодализм шароитидаги шариат хотин-қизларнинг ижтимоий жамоат ишларига иштирок этишларини қатъий ман этган эди. «Шарх-и сабат ал-ажизин» номли диний китобда хотин-қизларнинг, ҳатто, тўй ва азага боришига эрлар тўсқинлик қилиши керак,— дейилади. Унда «Ғайратли эркаклар ўз хотинининг уйдан чиқишига рухсат этишдан кўра, уни тириклайн ерга кўмиб ташлаш» каби жиноий чоралар кўриш тарғиб этилар эди<sup>18</sup>. Мана шундай ислом реакцияси идеология соҳасида ҳокимлик қилиб турган бир пайтда маданий ҳаётга аёл шоиранинг раҳбар бўлиши, унинг эркин фикрли ва тараққийпарвар бўлгани, хурофи, диний ақидаларни таъқиб этиб тургани, реакцион феодал доираларида ва, айниқса, фанатик руҳонийлар табақасида Нодирага қарши хусумат ва фитналар қўзғалишига сабаб бўлди.

Феодализм давридаги мутаассиб диндор руҳонийларнинг кучли таъсирида бўлган Бухоро амири Насруллонинг Қўқонга ҳужуми ҳам фақат хонликни ўзига тобе қилишгина бўлмай, балки унда тараққий топаётган адабий ҳаракатчилик, жумладан, прогрессив йўналишдаги адабиётга зарба бериш, умуман, бу ҳаракатчиликни бўғиш, тарқатиб юбориш ва иқтисодий-сиёсий устунликни қўлга олиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Маълумки, амир Насрулло Қўқонга ҳужум қилиш учун 1842 йилда юриш қиласи. Бу юришда Шаҳрисабзда турган Нодиранинг кичик ўғли Султонмаҳмудхонни ўзи билан бирга олиб келади. Амир Насрулло Уратепани олгач, унга Султонмаҳмудхонни ҳоким қилиб тайинлайди. Мамлакатнинг хавф остида қолганини сезган Нодира дарҳол ўғиллари ўртасидаги низони барта-раф қилиш ва тинчлик ўрнатиш учун тадбир ва чоралар кўради. У амир қайтиб кетгандан сўнг Хўжандга келиб, икки ўғлини яраштиради. Бу келишувга кўра,

<sup>18</sup> «Вопросы изучения эпоса народов СССР», М., Из-во Академии наук СССР, 1958, стр. 114.

Уратепа, Хўжанд, Тошкентгача бўлган ерлар Султон-маҳмудхон тасарруфига ўтади. Фарғона водийси эса Муҳаммадалихон қўл остида қолади. Шундай қилиб, ўзаро урушга барҳам берилади, мамлакатда тинчлик ўрнатилади<sup>19</sup>.

Лекин бунга қарамай, Қўқон ва Бухоро хонликлари орасидаги сиёсий муносабатлар яна ҳам кескинлашиб борди. Амир Насрулло янги талон-торожлар уюштириш ва янги территорияларни қўлга киритиш мақсадида, гўё ислом динининг поклигини ҳимоя қилиш баҳонаси билан катта лашкар тўплаб, 1842 йили иккинчи маротаба Қўқонга бостириб келади. Қисқа ва лекин қаттиқ жангдан кейин Насрулло Қўқонни ишғол этиб, ҳалқни талон-торож, шаҳарни вайрон, прогрессив кишиларни эса қатл қиласди.

Қонхўр амирнинг буйруғи билан ака-ука хонлар сўйиб ўлдирилди. Сўнгра золим Насрулло Муҳаммадалихоннинг ёш ўғли, таҳт вориси Муҳаммадамихонни ҳам ўлимга ҳукм қиласди. Бундай ваҳшийлик, ёвузиликдан ғазабланган Нодира кўзида қонли ёш, дилида ўтли нафрат билан амирнинг олдига боради ва унинг қотиллиги натижасида юзлаб бегуноҳ кишиларнинг қони дарё бўлиб оқаётгани, азиз фарзандларининг ваҳшийларча ўлдирилганидан фарёд кўтаради, унга нафратлар ўқиди. Амирнинг қархисида ўз ҳалқи, ҳокимиятини ҳимоя қилиш ва фарзандларининг ўчини өлиш учун ҳеч қандай жазодан қайтмайдиган жасур, кучли иродали аёл гавдаланади. Унинг лаънатларидан ҳақоратланган, ғазабидан чўчиган қонхўр амир дарҳол жаллод чақириб, Моҳлар ойим—Нодирани ҳам қатл эттиради. Яна шоиранинг яқинларидан Ҳушҳолбиби, Норбиби ва Муҳаммадалихоннинг рафиқаси Ойбишибиларни ҳам ўлдиришга ҳукм қиласди.

Насрулло Қўқон шаҳаридаги қонли террор ўтказиш билангина чекланиб қолмади, балки асрлар давомида ҳалқ томонидан тўпланган ва сақланиб келаётган маданий ёдгорликларни ҳам йўқотишга ҳаракат қилди. У «хон хазинасини талон-торож қилди, мадрасадаги китобларни қилич билан майдада майдада қилиб чопиб, оловда ёндириб юборишни буюрди»<sup>20</sup>. Насрулло Қўқонда

<sup>19</sup> «Қўқон адабий муҳити», 228-бет.

<sup>20</sup> «Тарихи Қозон ва Булғор», 252-бет.

11 кун тургандан кейин, самарқандлик Иброҳим парвоначига ҳокимликни топшириб, ўзи қўлга киритган бойликлар билан Бухорога жўнади. У ўзи билан ҳунармандлар, олим ва шоирларнинг кўпини Бухорога олиб кетди.

Лекин Фарғона аҳолиси зулм, адолатсизлик, очяланғочлик, ва ўлимдан бошқа нарса келтирмаган Бухоро амирига қаттиқ норозилик билдириди ва бўйсуниши истамади. Олимхон зулмидан қирғизлар жамоасига қочиб кетган Норбўтабий укасининг ўғли Шералихон бошчилигига Фарғона аҳолиси атрофдаги ўзбек, қипчоқ, қирғиз жамоалари билан бирлашиб Насруллонинг аскарларини Кўқон хонлиги территориясидан ҳайдаб чиқардилар ва бу урушда улар ғалаба қозондилар.


Кўқон тахтига ўтирган Шералихон Нодира ва унинг ўғиллари жасадини кейинчалик ахтариб топиб, иззат ва ҳурмат билан Даҳмаи шоҳонга дафи эттирган. Жаҳолат қурбони Нодиранинг хотирасини абадийлаштириш учун унинг қабрига катта тошдан ёдгорлик лавҳаси қўйилган.

Нодира — Комила — Макнуна тахаллуслари билан ўзбек ва тожик тилларида ижод этган оташин ватанпарвар шоира ҳар икки ҳалқ учун, яъни ўзбек ва тожик ҳалқи учун азиз ва муҳтарамдир. Зотан, Нодира бу икки ҳалқнинг тарихий бирлигини, ягона тақдир ва толе эгаси бўлганини, маданий ва адабий қардошлигини ўз сиймосида мужассамлантирган юксак фазилатли шоира эди.

Замонамиздаги ҳур ва озод совет хотин-қизлари ва, умуман, ўз тақдирининг эгаси бўлиб қолган баҳтли ўзбек ҳалқи бугун ўзининг олижаноб ва фидокор шоирасини эҳтиром билан эслайди. Чунки Нодиранинг ўзбекча ва тожикча яратган ўлмас асарлари зулмга, ваҳшатга, тенгсизликка нафрат уйғотиши билан бирга бизнинг социалистик ватанимизга, совет жамиятимизга бўлган меҳру садоқатимизни оширишга хизмат қиласди. Буюк шоирамиз «Ҳушо оқилки, айланиб яхшилик бунёдини маҳкам, ўтар бу дайри фонидин ўзини некном айлаб» деганидек, ҳалқقا ва башариятга яхшилик билан хизмат қилгани учун унинг нек номи, яъни яхшиnomи асарларда наслларда абадий яшайди.

ЎЗБЕК  
ТИЛИДАГИ  
ШЕЪРЛАР







## ДЕБОЧА

...Аммо баъд бу қоилаи маҳжуба ва толибай маҳжура ишқу муҳаббат зумрасига шомила ва шариат аҳкоми да омила алмулаққаб бил Комила андоғ баёни ҳол ва изҳори мофи-л-бол этарким, муддати мадид ва аҳди баандурким, фироқ ошубидин ошуфтахотир ва ҳижрон аламидин кўнгулда хавотир. Андоғки асолат гулистонининг шажараси ва нажобат бўстонининг самараси, Мураббиул-масокин ва умдатус-салотин сайид Муҳаммад Умар баҳодирхон наввараллоҳу марқадаҳу, висол маснадида кўмакдошим ва иттиҳод саририда ҳамфирошим эрди ва ул ҳазрат мусоҳабатидин муддате мураффаҳулҳол ва ҳаводис иштиғолидин фориғул-бол эрдим. Висол қасрида шодком ва мусоҳабат маснадида айшу нашот бирла мутаммакин эрдим ва ул султоннинг давлати дийдорига масрур ва лиқосига мағрур эрдим. Назм:

Эй хуш ул кунларки васли базмida масрур эдим,  
Шоду хуррам давлати дийдорига мағрур эдим.

На кўнглумда фироқ андуҳидин ғам ва на жонимда ҳижрон дардидин алам эрди ва жамоли шамъидин кўзларим равshan ва кўнгул баҳраманд ва хурсанд эрди. Қадру манзалатим офтоби рифъат ва макрамат машриқида толеъ, иқбол ва давлатим хуршиди салтанат айвонида ломеъ, аморат ва саёдатим элға равshan, асолат ва нажобатим улусқа мубарҳан балки саёдатимиз аморат хонадонига иттисол ва пайванд топиб, балки ул жиҳатдан бул хонадонга саёдат саодати интиқол қилиб аморатлари, саёдат ташрифиға мушарраф бўлмиш эрди. Ва ул султони олий шонки, назм:

Адолат сипеҳрида эрди қуёш,  
Эрур яхши авсоғи оламға фош.

Бұлуб адлидин әлни осойиши,  
Аннинг давлати әрди әл ҳоҳиши.

Амири жағон ким, менга ёр әди,  
Аннинг бирла хүш давлатим бор әди.

Скандар жанобу улув шон әди,  
Карам пеша жамшиди даврон әди

Аммо ул ҳазратнинг латойиф шиор табиатлари комиға шеър мазоқи ғолиб ва ашъор рағбатиға күнгүллари роғиб әрди ва бир лаҳза замири муҳаббат тахмирлари латойифомиз ва масарратанғиз абъётлар мазмунлари хаёлидин холи әрмас әрди. Бо вужуди шуғли умурни сипоҳ ва мамлакат, ашъор санъатидин бир замон йироғ ва фикр андишасидин бир лаҳза фароғ топмай ҳамвора қаломлари назм пийроғаси бирла пийроста ва пайваста, такаллумлари гавҳари вазн ҳулали бирла ораста әрди ва аксари авқот мавзун хаёллар бирлағазал ва мухаммас ва таржын ва мұрассалар қилур-әрдилар ва андин ошиқларға сурур ва ҳусн аҳлиға ғурур пайдо бўлур әрди ва мен ҳам алар мутобаатида назм услубидин баҳра топиб ассуҳбату муассиран натижаси бирла кам-кам шеър қонунидин хабардор бўлуб, гоҳо бирор мисра ва гоҳо бирор байт тақлид бирла айтур әрдим. Ҳазрат баъзи нуқсонлариға ислоҳ бериб мавзун ва мұрассас қилур әрдилар. То андак фурсатда шеър қоидалариға мувонасат пайдо қилдим, назм фунуниға моҳир ва мазмун сеҳрила соҳир бўлдим. Эрса гоҳо ул ҳазрат баъзи тоза мазмунлардин бир мисра била савол тариқасида сўрар әрдилар, филфавр охири мисра била жавоб айтур әрдим ва табиатларини хуш қилур әрдим. Бири будурким, бир кун савол қилдиларким, мисра:

— Нега арбоби ҳирад аҳли жунундин ори бор?  
Жавоб айдимки, мисраъ:  
— Ким булар урён, аларнинг жуббау дастори бор.

Бу тариқа мазмунлар бирла күнгүллариға фараҳ еткурур әрдим, мундағ латойиф ва назокатлар бирла рўзгор, давлат ва салтанат хуш кечар әрди...

Бир неча кунлар висол саририда ва мусоҳабат маснадида шодком ва фирузбахт комрон ва хуррамдил, нашот ва инбисот қилур әрдук. Баногаҳ қазоу қадар

тақозасидин ҳуш қулоғиға «иржии ило раббика» нидоси етти. Ул дамки бу нидони әшитти рүх түтиси қурбат шакаристони фазосиға тайрон қилди. Ва равон шоҳбози бу тийрахокдондин адам шоҳсорини нузҳатгоҳига парвоз қилди. Тахту давлат ва тожи салтанат ва нигини ҳукуматнинг ўз қурратул айниға таслим қилиб, пандоридин бақо диёриға әзм қилди.

### Б а й т:

Эй фалак қайси қуёш юэликни ҳар кун чарх уза  
Жилвагар қилдинки, охшом ерга пинҳон этмадинг.

Иттиҳод пайвандидин мувосалат риштаси узулди. Айшу тараб қонунининг пардаси бузулди. Базми ишрат суруди мотам навҳасиға бадал бўлди. Ва висол созини ҳаловатлиғ нағмаси фироқ шеваниға қўшилди.

### Н а з м:

Чун бўлди даҳр шоҳи айёмдин рамида,  
Юз доғ бирла қолди аҳбоб мотамида.

Сабру қарор кетди, мен зору бенаводин,  
Андуҳ бирла қолдим сайид Умар ғамида.

Кундун-кун фироқ дарди ва иштиёқ алами туғён қила бошлиди. Ҳар неча сабру таҳаммул этагин ушладим, охир беқарорлиқдин жунун илги бирла тоқатим гирибонини чок-чок этдим. Гоҳо ҳаёли бирла кўнгул изтиробиға тасалли бердим ва гоҳи ёдин қилиб дил аҳволи инқилобиға ором ва таскин еткурдим. Сайд ва содот, машойих ва уломолардин туҳаф ва ҳадоё бирла дуолар олдим. Барчасин руҳпокиға бағишиладим. Масокин ва бенаволарға хайру эҳсонлар бирла баҳра еткурдим. Қарам ва ато хонидин фуқаро ҳалқини мамнун ва мустағни айлаб, марҳамат ва шафқатлар кўргуздим. Дуоларин ул ҳазрат жаноблариға васила қилдим. Ва ҳар дуоки ҳосил қилдим, шариф марқадлариға тўҳфа юбордим ва ул равзада иҳтимом бирла тоқи олий ва равоқи муроолий ва мустаҳкам бино қилдим. Аҳбобларга қиблагоҳи дуо бўлди. Ва жаворида мадрасаси файзосор улуми дини талабалариға бино қилдим. Ва тижорат аҳли ва савда хайли учун саройи олий барпо қилдим. Жидду жаҳд бирла сипоҳийларға анжом ва фуқароға орам еткурдим. Мамлакатнинг обод ва мустамандлар кўнглини шод қилдим. Уломон дин ривожлариға имдод еткурдим. То шарыи шариф ривож топди.

Зүхд аҳлиға ихлос ва ақидат зоҳир қилдим. То дину миллат камол топди. Фазлу дониш қабиласиға шафкат ва марҳаматдин онча иноятлар кўргуздумким, эътибор дараҷасиға тараққий қилдилар. Сойил ва гадоларни талаблариға еткуруб, қарам ва эҳсон эшикидин ноуммид юбормадим. Мусҳафи шариф ва кутуби диний ва расойили яқиний кўп ёздурудим. Барчасин холисанлилаҳ вақиф қилдим. Савоб ва ажрини ул ҳазратнинг рӯҳлариға эсор қилдим. Ва ҳар гоҳки, фироқ шиддати ғалаба қилур эрди марсия фироқнома хаёл қилиб, мазмунидагилхорош газаллар иншо қилур эрдим. Ва кўнгул иштиёқиға анинг бирла таскин берур эрдим. Нечукким, ул ҳазрат мутобаатлари бирла ашъор қодасидин андаки боҳабар бўлиб эрдим. Фурқат айёмида ҳам, ҳаёл базмида висол маҳфилини тасаввур қилиб, анинг ёди бирла ҳасби ҳол айтишур эрдим. Ва бу васила бирла ғазал ва муҳаммас ва рубои машқиға коғозпоралар тўлди. Ва ҳар кимки, ул пораларни мутолаа қилди мақбули табиати бўлди. Охириламр хизматимда ҳамнишин олим афиfalар ва мулозаматимда фозила ҳамсұхбат шарифалар бир кун тазарруълар била илтимос қилдиларки, бул табиатзодаларининг паришон қолғони ошуфталиғдин ўзга натижа бермас ва бу жаридалар ҳаводис тундибодидин паришон бўлмағонда девон тақлидида жам қилиб, тартиб бирла ёзилса, зебо ва мустаҳсан бўлғусидур. Ҳазрати амири жаннатсарир марҳум девонларининг баробаринда муҳтасар девон бўлиб, сабаби дуо ва боиси мағфиратдур ва дўстларға маншай сурур ва нашот ёдигорлик бўлур. Йўқ эрса айтибдурларки: «кулли ҳарфин лайса филқиртоси зоъ» (ҳар бир ҳарф қоғозга ёзилмаса, зое бўлади). Олам бевафо ва бесабот. Дунё бебақо ва нопойидор, Одам авлодидин солиҳ бирла яхши от ва неку сифот ва саодат нишони ва комкорлиқ иқтиронидур. Ноchor ул нодиратабъ маъсумалар ва ул афиғаи муҳтарамаларнинг савоб раъйиларин маъқул ва мақбул билиб, жам этмоғиға иқдом кўргузиб, иҳтимом ва саъий тамом бирла ҳар баҳрини ўз маҳаллида сабт қилдим. Тартиб бирла ҳар қайсиси ўз ерида марбут бўлунди. Шоядки аҳбоблар ва соҳибдил улул албобларға манзури назар бўлуб, дуои хайр бирла ёд қилғайлар. Ишқ ва ҳол зумраси шавқандиз ғазаллардин ҳаловат топиб, умиддурки, худо кара-мидин мағфират ва омирзиш тилагайлар. Мундоғ умид-

лар бирла ўз ҳолимға ярашур сұзлар айтиб, авроқ қозларин саводға келтурдим. Ва мусовадалар бирла сафхаларни тұлдурдим.

Рубой:

Алвон ғазал йиғилди девон үлди,  
Девон демаким, рашки гулистон үлди.  
Хижронида сұзларим паришин эрди.  
Ҳар ким үқиди табын пағишин үлди.

Ераб бу савод ишқида содик бұлғай,  
Иқбол бәзінға мувофиқ бұлғай,  
Ишк әхлини хотири бұлынб хүш андин,  
Мақбули табиати халойиқ бұлғай.

Илтимос мудақиқ расолардин ва мухаққиқ фузалордарин улдурки, ҳар сағву хато ва халаликим зоҳир бўлса, ва ҳар нуқсонники воқеъ бўлғон эрса, инсоф ва муруваттказлаки бирла маҳв қилиб, лутф ва марҳамат қалами бирла ислоҳ бериб, барча нуқсонларин камол қисватида кўргузсалар, айни шафқат ва марҳамат бўлғусидур. Ва бу амалдин ажри азим ва савоби жазил тспқайлар. Ва бу паришон сұзлардин ирод олмоғ ва нуқсонин элга зоҳир қилиб таън этмоғ инсоф диёридин ташқари ва муруват шаҳридин наридур.

Байт:

Элни айбини зоҳир этмоғлиғ,  
Ийқидур инсоф ила муруватдин.

Улки, эл айбини қилур пинҳон,  
Тантри сақлар ани ҳар оғатдин.

Сағву хатоларин маъзур билиб, инсоф келтургайлар-ким, кўпроғи шавқ ғалабаси ва жунун туғёнида айтилғон ва баъзи бехудлиқда ва баъзиси беҳушлиқ ифратида ёзилғондур.

Байт:

Ушал ким ҳушманду нуктадондур,  
Хатоси хатларин маъзур тутқай.

Бериб ислоҳ аниңг нуқсонлариға,  
Мухолиф таънасидин дур тутқай.

Ушал ким әлди айбини ёшурса,  
Худо ул бандани мағфур тутқай.

Оқыл нодон сўзидин ирод олиб баҳс қилмас. Балки ислоҳиға кўшиш қилур. Ал-иёзу билло, (худо шундан

сақласин) нодони худписанд ва жаҳили нохирадманд ўз қосир хаёлиға мағрур ва норасо зеҳниға масрур бўлуб, маънидин бехабардур. Табиати сўз румузидин беасар, беҳуда тааррузлар била дахли бежо қилиб, баҳси бемавқеъ оғоз этар. Ва ўз эгри фаҳмиға ишониб, ва ботил хаёлиға эътимод қилиб, ҳарза сўзлар била бемаврид тааррузлар кўргузур.

### Н а з м:

Аларки муддаи норасоу дундуруллар,  
Мудом аҳли хирад олида забундуруллар.

Мудаққиқ эл қошида сўзлари ҳижолатидин,  
Мисоли хомаи наққош сарнингундуруллар.

Ҳамиша фаҳмлари эгри, сўзлари ботил,  
Ки ўз ақидалари бирла зўфунундуруллар.

Қамол аҳлиға бадҳоҳ норасолигдин,  
Иноду бухлу ҳасад бирла гарқи хундуруллар.

Илоҳи андоғ бехирад муддайлардин ва бу сифат бешуур жоҳил худписандларнинг ботил даъволаридин ва бемаъни баҳс ғавғоларидин афкор абкорларин ўз ҳефзу ҳимоятингда масун ва исмат ҳижласида маъмун тутқайсан. Кўнгулларға маҳбуб ва марғуб қилиб, иф-фат ва салоҳият ҳулали бирла ораста ва пийроста қилғайсан.

### Қ и т ь а:


Қаси ки мекунад аз бухл таъна барсуханам,  
Бурида бод забонаш ба тиғ ҳамчӯ қалам.  
Чу нома бод сияҳ ҳар ду рӯи ўёраб,  
Ба тангнои ҳасад чон диҳад ба дарду алам.

Доно мунсифлар обруманд ва бадҳоҳ муонидлар ёлға нописанд бўлғайлар. Беҳудагу — хор ва ҳарзама-қол — ноэтибордур. Ва аларнинг қавли ношойиста ва бекордур. Эътибор нуктасанж донолар сўзи ва зўфунун расолар румузидур. Ва бу байти машҳур мазмуни анга далолат қилурким,

### Б а й т:

Доно баҳар диёр азизу мукаррам аст  
Лаънат бар он диёрки нодон бувад азиз.

Илоҳи доно ва фозил азизларға раҳмат ва нодонларға ибодатда тавфиқ каромат қилғайсан.



## ФАЗАЛЛАР

### 1

Хар неча күз солур ул дилбари гулфом манго,  
Доғлар пунбаси эрмиш гули бодом манго.

Қонли күз ёши ила оҳ жунун базмida,  
Сарви мавзун иладур тифли гуландом манго.

Даври жоми тараб уйрулмоғи басдур, соқий,  
Гарчи уйрулмади бу гардиши айём манго.

Неча ким зулм әтар ошиқа гардун этсун,  
Давр нокомлиғидин чу эрур ком манго.

Бир аёғ май карамин айлади соқий оғоз,  
Айлади баҳт бу мақсадни саранжом манго.

Сархушам дашти жунун ичра ки, бўлмиш ҳосил,  
Лолалар узра сиришким май ила жом манго.

Гулшан ичра ани гисусиға монанд кўриб,  
Турраи сумбул эрур халқа бўлан дом манго.

Кимса төлмас асарим истамоқу сўрмоқдин,  
На нишон қолди фано мулкида не ном манго.

Нодира, кўйида бош қўймогим эрмас ноёб,  
Итлари хайли эрур мақсади икром манго.

2

Юзинг фаррух, жамолинг руҳафзо,  
Хатинг хизру лаби лаълинг Масиҳо.

Мени девона қилди иштиёқинг,  
Сочинг занжиридин бошимда савдо.

Жамолинг мусҳафин қилдим тиловат,  
Қошинг бисмиллаҳидур анда туғро.

Дами тифинг манга вақти шаҳодат,  
Эрур албатта шарбатдин гуворо.

Малоҳатлиғ юзинг моҳи мунаввар,  
Жамолинг офтоби олам оро.

Жамоли бемисолинг жилвасидур,  
Шаробу шамъю шоҳид жому мийно.

Қўнгулким, ҳажр алидин бенаводур,  
Қилур пайваста васлингни таманно.

Жаҳон айши ғаниматдур неча кун,  
Вафо қилмас кишиға мулки дунё.

На Ширин қолди оламда, на Фарҳод,  
Қани Юсуф, қаён кетди Зулайҳо?

Қўнгул ишқ ичра бўлма бе таҳаммул,  
Ки васлу ҳажр аро қилғил мадоро.

Менга, эй Нодира, қисмат бу эркан,  
Азал кундин бўлубдур ишқ пайдо.

### 3

Баҳор келди кўзум гулга боқмади асло,  
Нединки, гулшан аро гулруҳум эмас пайдо.

Юзимга бўлди юзинг муқтарин, биҳамдиллаҳ,  
Очилди меҳру вафо боғида гули раъно.

Сариг юзимда қизил ашкни таровати бор,  
Нечукки, соғари заррин аро майи ҳумро.

Лабидин айру менга бода тутма, эй соқий,  
Хумор кулфатиға нофеъ ўлмади саҳбо.

Бу жони хастаки, васлингни орзу айлар,  
Хаёл туррасидин бошида узун савдо.

Фироқ лашкари туғенидин маозаллаҳ,  
Ки қилди сабру таҳаммул диёрини яғмо.

Юзинг назораси ўшшоқларни фирмавси,  
Ҳарими даргаҳинг аҳбоба жаннат-ул-маъво.

Сенинг салосили зулфингга мубталодурман,  
Ки бўлди ақлу хирад қушлариға доми бало.

Фалакдин ўтди фифоним, қуёшга етди уним,  
Ҳануз, Нодира, кам бўлмади бу оҳу наво.

Эй сарви сиҳи бўйлиғим, эй қомати зебо,  
Келким, кўзум ойинаси муштоқи тамошо.

Ул кунки, висолинг чаманин сайдар этар эрдим,  
Манзури назар эрди менга ул қади боло.

Айдимки, қачон бўлғуси кўйингда маконим,  
Ошиққа деди, ҳожат эмас манзилу маъво.

Қўйдурди чаман гулларини рашқ ўти бирла,  
Ул ғунчай хандон ила, ул нарғиси шаҳло.

Ул зулфи диловиз муанбар гириҳидин  
Ҳар кимни тушиб бошиға бир ўзгача савдо.

Ҳар сабзау сунбулки, бу гулшанда чекар бош,  
Мўйи сари Мажнундуру ё турраи Лайло.

Вайронада оқилға иқомат на муносиб,  
Сарманзили осойиш эмас арсаи дунё.

Ҳижрон ғамидин ташна лабу ҳаста жигармен,  
Соқий, карам айлаб, менга тут соғари саҳбо.

Қўзгу каби ҳайронларингга арзи жамол эт,  
Дийдоринг учун Нодирадур волау шайдо.

5

Эй меҳри жамолинг олам оро,  
Заррот юзингга маству шайдо,

Эй ҳусн риёзида қадинг сарв,  
Ул сарв уза сунбулинг сумансо.

Келким назаримга, эй парирӯ,  
Девонаға бир дам эт тамошо.

Сен үйқуда масти ноздурсен,  
Мен дард била ғарибу танҳо.

Тун кеча фифону нолишимидин,  
Қўйинг ити ичра тушди ғавғо.

Сен қайси диёр азмин этдинг,  
Келмас хабаринг бу ерга асло.

Оҳим ўқифа қадим камондур,  
Бу ўқни нишонидур сурайё.

Мажнун нега Лайли таркин этсун,  
Юсуфни унутмади Зулайхо.

Қайдин сени Нодира унутсин,  
Бу сўз на муносиб, эй дилоро.

## 6

Эй юзинг қиблаи арбоби сафо,  
Сари кўйингда кўнгул қибланамо.

Каъбаи кўйинг эрур тақягаҳим,  
Кўз ёшим зам-зам ўшал каъба аро.

Бўлмаса меҳр кўнгулда не осиғ,  
Манзилинг Ясриб ўла ё Батҳо.

Сурма осо қадаминг туфроғи,  
Хира бўлғон кўзима берди зиё.

Тўтиёдур менга нақши қадаминг.  
Ки кўзим ойинаси топти жило.

Бўлса то умру ҳаётим боқий,  
Мени илгимдуру домони вафо.

Дўстлар айшу фарогат била хуш,  
Бўлди душман ҳадафи тийри бало.

Ҳар ким ўз рутбасидин лоғ урар,  
Бу маротибда мақоминг аъло.

Домани ёр иликдин кетди,  
Нодира, пийраҳаним бўлди қабо.

Марҳабо, эй пайки султон, марҳабо,  
Ҳудҳуди мулки Сулаймон, марҳабо.

Талъатинг фаррух, муборак мақдаминг  
Қилди кулбамни гулистон, марҳабо.

Хўб келдинг, яхши келтирдинг хабар,  
Айладинг дардимға дармон, марҳабо.

Бўлди мавзун қоматингдин мунфаил,  
Сарвнози боғи ризвон, марҳабо.

Қилғойсен ул моҳ меҳрин ошкор,  
Субҳ янглиғ пок домон, марҳабо.

Мужда келтирдинг висоли ёрдин,  
Топти таскин дарди ҳижрон, марҳабо.

Кел бери, то хоки пойингни қилай,  
Тўтиёни чашми гирён, марҳабо.

Равшан айларман чароги оҳни,  
Қўзларимдур гавҳар афшон, марҳабо.

Бу кеча ҳижрон шабистонидадур,  
Анжуми ашким чароғон, марҳабо.

Қўй кафи пойингни дийдам устина,  
Бир дам, эй сарви хиромон, марҳабо.

Нодира, ҳар сўзки иншо айлади,  
Айди анга аҳли даврон, марҳабо.

8

Эй хушо, шиша аро оби ҳаёти ҳукамо,  
Ким аннинг ҳар киши нўш этса бўлур Хизрнамо.

Ҳукамо ишқ маризиға буюрмиш майи ноб,  
Ҳажр дардиға демишлар бу муфарриҳни даво.

Бодадин айлама парҳез, дамо-дам қадаҳ ич,  
Келди мазмум муҳаббат йўлида зуҳду риё.

Бўлди гул мавсумию майкадалар жонибидин,  
Муждан айшу тараб еткузадур боди сабо.

Эй, хуш ул ринди май ошому сияҳмости мудом,  
Жоми май илгига, олида сабуву мийно.

Ғусса паймонасида хуни дил ошом айлар,  
Бодадин ҳар кишиким, айлар эса истиғно.

Зоҳидо, гар десанг ишқ аҳлига расво бўлмай,  
Демагил майкада ағбошиға кўп чуну чаро.

Бода муштоқиға лутғ ила, қадаҳ тут, соқий,  
Йўқса Жамшидға ҳам айламади жом вафо.

Нодира, жоми муҳаббатни лабо-лаб ичибон,  
Мастлиғ бирла қиласай ишқ намозини адо.

9

Рўза ойи келдию мен ожизу беласту по,  
Рўза ойининг ҳилолидек қадим бўлмиш дуто.

Кундузи бир гўшада ошифта ҳолу саргарон,  
Кечалар то субҳдам бедору. машғули дуо.

Рўза ойи топмадим пийри муғон иршодинни,  
Ложарам масжид аро зоҳидга қилдим иқтидо.

Иҳтисоб аҳли тағаллуб айлади майхонаға,  
Қолмади майдан ҳарорат, найда таъсири садо...

Шомлар ифтоб вақти зоҳир айлаб изтироб,  
Заъфдин қилмас қабули чарбу ширин иштиҳо...

Рўза заъфидин ажаб ҳайратдадурман, Нодира  
Айламасман лек бу аҳвол ила тарки дуо.

Юзинг офтоби маҳи оламоро,  
Жамолингни кўзгуси меҳри мужалло.

Лабинг ёди кўнглимда пинҳон эмасдур,  
Эрур шишада мавжи саҳбо ҳувайдо.

Эрур икки аждар хаму печ бирлан,  
Қадинг сарвида икки зулфи сумансо.

Магар ҳусн боғини нарғислари дур,  
Ики чашми жодуи бодому шаҳло.

Нега ошиқ ағфонидин ваҳм этарсен,  
Бўлурму киши мунча бераҳму тарсо.

Хуш ул кунки азми раҳ эттинг йўлингда,  
Чароғон ёрутти тўқуз чархи хузро.

Рафоқат била борди руҳуламин ҳам  
Инолингда то сидратул мунаҳо.

Рисолат сипеҳрини хуршидидурсен,  
Жамолинг мужалло жанобинг муалло.

Қилиб Нодира саъи пайравлиғинингда,  
Талаб қилди сармояи дину дунё.

## 11

Юзунг ёдида қылдым бу кеча оҳи саҳар пайдо,  
Кавокиб хирманиға бўлди ул ўтдин шарар пайдо.

Ниҳоли сабрима лаълинг хаёли бирла сув бердим,  
Ажаб йўқ бўлса гар бу нахлдин ширин самар пайдо.

Шараф топди мамолик шоҳи дарёдил вужудидин,  
Асолат маҳзанидин бўлди ул олий гуҳар пайдо.

Зиҳи шоҳики давлат пайзидин огоҳ ўлиб қилмиш,  
Жавоҳир сурмаи тавфиқдин нури назар пайдо.

Таҳаммул ўйлаким бесабрлиғ талх этти комингни,  
Бўлур сабр этсанг аччиқ ғўрадин шаҳду шакар пайдо,

Менинг ёрим ажаб нозик мизожу bemuruvvatdур,  
Белин қатлимға боғлабдур vale эрмас камар пайдо.

Нужум эрмас фалакда шуълан оҳим шароридур,  
Ки бу коноша ичра бўлди андин зебу-фар пайдо.

Қўнгул мажнунини зулфингни занжирига банд эттим,  
Сурук атфол ичинда бўлмағай деб шўру-шар пайдо.

Ажаб йўқ, Нодира парвоз қилса ёр кўйинга,  
Ки бўлмиш танда фурқат ўқларидин болу пар пайдо,

Назар аҳли савдоларини хатинг қилди лавҳи жа-  
мола пайдо,  
Нетонг айласа дуди оҳим қамар даврида ҳола  
пайдо,

Сочинг сунбулидин ададсиз гириҳлар тушубдур  
кўнгул риштасиға,  
Ки юздин бирин зоҳир этсам қилур жаъди мушкин  
кулола пайдо.

Менинг қиссаи рўзгорим фаровон ғами ҳажринг  
афсонасидек,  
Ки бир нуктасин шарҳ қилсан бўлур неча дафтар  
рисола пайдо.

Юзинг ойини ҳайратидин эрур бадри тобон қаро  
доғлиқ,  
Қошинг нунидин воқиф эрди ки ожизлиғ ўлди  
ҳилола пайдо.  
Сиришким саҳобин имлолидин дилкушодур му-  
ҳаббатни дашти,  
Кўнгул доғини этсан баён бўлур, ул биёбонда лола  
пайдо.

Солиб ҳажр тан мулкина зилзила, деди қилма  
даври фалакдин гила.  
Недур чораи дардим, эй Нодира, фироқ ўлди ногаҳ  
висола пайдо.

## 13

Кел, сенга, эй шаҳи жаҳон, мамлакати жаҳон  
фидо,  
Дийдаларимга қўй қадам, ҳар қадамингга жон  
фидо.

Лаъли лабинг фироқида хуни жигар ғизо менга,  
Сарв қадинг ҳавосида жон этарам равон фидо.

Айшу нашоту оғият дарду ғамингни садқаси,  
Бир нафас иштиёқинга ишрати жовидон фидо.

Вақти хиром, эй санам, дийдаларимга қўй қалам,  
Хоки раҳингга айларам чашми гуҳарфишон фило.

Гарчи менинг алимдадур ҳосили мулку мамлакат,  
Етса висолинг айларам барчани ройгон фидо.

Инглама эмди, эй кўзум, тўкма юракни қонини,  
Доғини тоза айладим, қонига бўлди қон фидо.

Нодираи ғазал саро, назмини кўрса ногаҳон,  
Дурру жавоҳирин қилур фикриға баҳру кон фидо.

Сунма май эй соқии даврон манго,  
Ким насиб ўлмиш азалдин қон манго.

Ер жавридин шикоят қилмазам,  
Ким эрур бир важхи истиҳсон манго.

Нола, бир дилсўз ёримдур менинг,  
Ҳамнишиндур дийдаи гирён манго.

Мушкил ишдур дарди ҳижрон кулфати,  
Ераб ул мушкилни қил осон манго.

Дашту саҳроларни қилдим ихтиёр,  
Бўлди Мажнун қиссаси бурҳон-манго.

Оҳ найлай ўтти даврони висол,  
Бевафолиқ айлади даврон манго.

Мунтазирдурмен ҳамиша Нодира,  
Бир қиё боққайму деб жонон манго.

Лабинг шаҳди нобиға жоним фидо.  
Хиромон қадингга равоним фидо.

Фироқинг висол аҳлидин жон олур,  
Висолингга жону жаҳоним фидо.

Белу оғзида қолди ваҳму гумон,  
Нетонг ўлса ваҳму гумоним фидо.

Агар филмасал меҳр ила моҳдур,  
Қиласай сенга, эй меҳрибоним, фидо.

Ики лаъли нобингни ёқутиға,  
Ики чашми гавҳарфишоним фидо.

Қадинг сарви нозига, эй гулбадан.  
Тани лоғари нотавоним фидо.

Не ғамдур менга ишқ аро Нодира,  
Агар бўлса жононға жоним фидо.

## 16

Эй шаҳи мулки қарам султони иқлими ато,  
Чекмагон ҳаргиз мисолинг килки наққоши қазо.

Даҳр мулкига сенингдек давлату тожу сарир  
На Скандар кўрди, на Султон Ҳусайнин Бойқаро.

Рашки адлу ҳимматингдин Хотаму Нўширавон,  
Ўлдилар юз ҳасрат ила озими мулки фано.

Қўрмади сенек шаҳи неку нажот оламда чарх,  
Ким келон султон анга етти ато бирла ано.

Базми эҳсонингда дасти зарфишонинг рашикидин  
Шомлар тўпроғ ародур панжай меҳри само.

Разм майдонида гар рахш узра жавлон айласанг,  
Золи чарх өткай ҳазимат қоматин айлаб дуто.

Барқарор ўлғай илоҳи то бинои мулки даҳр,  
Бўлди таҳти тождин сармояи давлат бино.

То қиёмат этма ёраб, лутфи алтофингни кам,  
Хони олийжоҳ ким эҳсону жуд айлар ато.

Эй шаҳо лутф ила аҳволимдин эмди воқиф ўл,  
Чекдим асрү чарх даври жавридин ранжу ано.

Ҳеч журм аҳлини аҳволига ёраб тушмасун,  
Умрлардур, чархдин мен чекдугум жавру жафо.

Даҳр айвонида гардун гардиши бедодидин,  
Йўқ турур ғам қайди ичра кимса мендек мубтало.

Чекти ғам идбор хаттин номай иқболима,  
Дафтари чарха қазо килки чу хатти истиво\*.

Лутф ила сен қайди ғамдин чекмасанг то рӯзи ҳашр,  
Йўқ ҳалос ўлмоқ менга, эй хисрави иззу уло.

Неча истаб учти роҳат ошёнин мурғи дил,  
Топмоди оромгаҳ жуз ҳалқаи доми бало.

Йиғди то хошок селоби сиришким бошима,  
Тутти ҳар ёндин келиб ғам қушлари анда юво.

Неча ҳар ён боқдим айлаб давлатим субҳин талаб,  
Кўрмадим аз ғайри шоми накбати бе интиҳо.

Тешай фарҳоди ғамдин ёра бағрим доғини  
Лутф хиштидин қил, э ширинахан Хисрав, бино.

Будур умидимки лутфингдин кўнгул ойинаси,  
Занги ғамдин меҳр кўзгуси каби топқай жило.

Роҳи мадҳинг шоми ғамда тутти килки Нодира,  
Машъали лутфинг анга чун субҳ ўлғай раҳнамо.

---

\* Хатти истиво — экватор.

Соқиे ҳажр давосини демишлиар майи ноб,  
Тутакүр майкадада қайғулуқ ошиққа шароб.

Ишқ дардиға гирифтор бўлубман на қилай,  
Зоҳидо менга насиҳат била еткурма азоб.

Ёр лаълини фироқида хуморим ғолиб,  
Бўлмади нашъаи саҳбо била кўнглум шодоб.

Бўлғай эрди қадаминг тупроғи бирла равshan,  
Гар кўзум халқалари бўлса самандингга рикоб.

Эгма қошингни хами бўлғоли эл саждагаҳи,  
Қаъба деворида ҳайрат ила қолмиш меҳроб.

Сархуш ўлғон каби хуноби жигардин ошиқ,  
Нашъаи бода қилур ҳусн элидин рафъ ҳижоб.

Ашки гулгуним эрур бодан лаълинг асари,  
Рўҳпарвардур анинг ройиҳаси мисли гулоб.

Букун ул моҳлиқо шўхи дилором қани,  
Юзидин равshan эди дийдаи жони аҳбоб.

Мастлиғ бирла ғами ёр фаромуш ўлмас,  
Нодира бўлмади дардимни давоси майи ноб.

Хүнгүлни хоби ғафлатдин дами бедор қил, ёраб,  
Оқорғон күзларимни маҳрами дийдор қил, ёраб.

Кўзумни равшан этгач партави меҳри жамолидин  
Муҳаббат нашъасидин воқифи асрор қил, ёраб.

Ул ой ҳажрида чандон йигладим ҳар қатра  
ашкимни,  
Вафо бозорида бир гавҳари шаҳвор қил, ёраб.

Юзи ҳажри мени кўп дардиманд этди иложим йўқ,  
Яна бир кўрсатиб ёримни бархурдор қил, ёраб.

Қаманди зулфидин айру тушуб дерман дуо вақти,  
Ки бул тулиамални бўйнима зуннор қил, ёраб.

Тамошойи жамолига агар шукр этмаган бўлсанм,  
Кўзим паймонасини ашқдин соршор қил, ёраб.

Жаҳонда хисрави жаннат макон адл ихтиёр этди,  
Қиёмат кун шафиий аҳмади муҳтор қил, ёраб.

Азизим субҳ янглиғ покдомон ўтди оламдин,  
Шарофат бирла тупроғини файз осор қил, ёраб.

Мазори файз осори зиёратгоҳи оламдир,  
Риёзи каъба янглиғ фойизул-анвор қил, ёраб.

Қарилиғ давлатига еткуруб Хони диловарни,  
Бақои умрини эл умридин бисёр қил, ёраб.

Амири одилу ваннаъмию Маҳмад Аминхон ҳам,  
Жаҳон борича менга бу учавни ёр қил ёраб.

Қаю гумраҳки, гарданкашлик этса Ҳон жанобидиң,  
Ситам тоши била бошдин аёғ афгор қил, ёраб.

Ўшал ким анга бадҳоҳу, ҳасуду кийна парвардур,  
Ҳумоюн даргаҳида мустаманду зор қил, ёраб.

Нечук ким ҳар бири кўз нурию кўнгул сурурнидир,  
Аларға бахту-давлатни ҳамиша ёр қил, ёраб.

Нодира, айрилиб ул шоҳи жаҳон парвардин  
Офарин сенгаки, фарёд ила дод айламадинг.

Жамоли ёр истарсен гулистондин тамошо қил,  
Мени гирён кўзумни абри найсондин тамошо қил.

Нечукким ой шуои равшан ўлмиш меҳр тобидин,  
Жамоли партавин хуршиди тобондин тамошо қил.

Эмас кўзгу даме кайфияти дийдордин ғофил,  
Тажалли нашъасини чашми ҳайрондин тамошо қил,

Муҳаббат дардидин ошуфталиғлар тушти бошимға,  
Мени ҳолимни ул зулфи паришондин тамошо қил.

Қамишдек банд-бандим ошёни нола бўлмушдур,  
Фигоним дастгоҳини найистондин тамошо қил.

Кўнгул ташвишини зулфи паришонида кўргонда,  
Жигар қон ўлдиғин ул лаъли хандондин тамошо қил.

Бўлуб Адҳам сифат як бораги оламни тарк этмак,  
Бу ишни ҳазрати сайид Умархондин тамошо қил.

Эмас эҳсон жазоси ғайри эҳсон ҳиммат аҳлига,  
Бу маъни Қомила тафсири қўръондин тамошо қил.

Гулу лола мавсумидур қани ёри дилнавозим,  
Назаримдин ўлди ғойиб санами сухан тирозим.

Ҳама сайди орзудур бу жаҳон шикоргоҳе,  
Нетайин қўлимдин учти бу маҳалда шоҳбозим.

Менга шамъи анжумандек на жунун эрур, на савдо,  
Ки ёрутти ҳажр шоми кеча сўз ила гудозим.

Сенга кўп эди муҳаббат, кам эди ғамингга тоқат,  
Ки тамом бўлди горат талабингда кўпу озим.

Менга орзу висолинг, менга муддао хаёлинг.  
Назаримдадур жамолинг ҳама ноздур ниёзим.

Мадад этса баҳт шояд яна бир юзингни кўрсам,  
Қадамингни кўзга сурсам, карам этса кор созим.

Қима айтайнин ғамимни на илож этай, на чора  
Сенга етмади дариғо кўп эди кўнгулда розим.

Дедим ишқ жазбасидин сенга Нодира каломе  
Ки ҳақиқат иқтизодур ҳама нуктаи мажозим.

Қолиб фурқат диёри ичра жононимни соғиндим,  
Чароғи рўзгорим муниси жонимни соғиндим.

Гулистондур висоли маҳфили, мен андалиб — анда,  
Гули айшим ҳазон ўлди гулистонимни соғиндим.

Кўруб кўнглумда юз озор, эй бедард, таън этма,  
Мурувват кўргузиб раҳм этки, Султонимни  
соғиндим.

Чаманда жилва қилди, сарву гул ҳам сабза бош  
чекди,  
Қади сарву, юзи гул, хатти райҳонимни соғиндим.

Ҳавойи ишқ саргардониман, орому сабрим йўқ,  
Паришон заррадек хуршиди тобонимни соғиндим.

Кўзимдин ёш тўкиб, гирён бўлиб, қон йифламай  
найлай,  
Ки ҳангоми такаллум лаъли хандонимни соғиндим.

Менга даври фалақдин бўлмади бир лаҳза осойиш,  
Паришон ҳолман Султони давронимни соғиндим.

Арабдан то Ажам машҳур эди ул шоҳлар шоҳи,  
Скандар салтанатлиғ шоҳи Тўронимни соғиндим.

Қизил қондур кўзим ёши сабо еткур саломимни,  
Гули садбарг янглиғ пок домонимни соғиндим.

Тикарман Надира ғам йўлида коза Зулайходек,  
Ким ул Юсуфлиқо Султон Умархонимни соғиндим.

Мудлатедурким, жаҳон аҳлиға йўқдур улфатим  
Балки ўзлукдин малул этмиш мени ўз сұхбатим,

Тийрадур ул ойдин айру ҳажри шоми масканим,  
Нуқли ғам бўлмиш ғизо, хуни жигардур шарбатим.

Муллао бир ёр эди оламни гиру доридин,  
Йўқса бу дунёни ғавғосига йўқдур рағбатим.

Эй сипеҳри бемуруват меҳру моҳингни нетай,  
Кетти ер остиға султони ҳумоюн талъатим.

Орзу қасрини бунёд айладим меҳнат била,  
Бузди селоби ҳаводис зое ўлди меҳнатим.

Эй мусоҳиблар, тириклур деб гумон этманг мени,  
Жисмдин жони азизим кетти қолмиш суратим.

Ёр ҳижронида йўқдур бору йўқумдин асар,  
Не ўлукман, не тирик маълум эмас моҳиятим.

Арсан мулки жаҳон ҳарчанд фармонимдадур,  
Сенсиз, эй оромижон, манзур эмас бу давлатим.

Шарбати васл истадим захроби ғам бўлди насиб,  
Найлайин мен ҳам азал кундан бу эрса қисматим.

Нодира, дунёга ҳаргиз эътиимодим қолмади,  
Кетти иқлими адамға шоҳи Доро шавкатим.

Нече кун бўлди кетибдур ҳам анисим ғамкашим,  
Ғам биёбонида дард айтурға йўқдур бир кишим.

Дуди оҳим чиқса гардунға саропо чирмашур,  
Тоқатим тоқ ўлди Жайхундек оқиб кўздин ёшим.

Бу жудолиқ ҳажрида афғон чекиб шому саҳар,  
Келғил эй ҳамхона, ортибдур сенинг чун нолишим.

Даҳр ичра борму мендек айру гулрухсоридин,  
Э рафиқим, бу жиҳатдиндур сенинг бирла ишим.

Мунисим келғилки, изҳор айлайин дарди дилим,  
Нукта ёзмай неча кунлардин бери қотти бошим.

Ғамда ўлдум, ғуссада куйдум, иложим топмадим,  
Эмди ҳасратлар билан кечсун мени ёзу қишим.

Оҳ ким зулми фалакдин бўлди ахгар Нодира  
Сабру оромим кетиб, ўртаб куяр ичу тошим.

Кўзум ҳайратфизодур азми майдон айласун шоҳим,  
Кўнгул майдонида бир лаҳза жавлон айласун шоҳим.

Саманди ноз уза майдон аро жавлон этиб ҳар ён,  
Кўнгулларни нишони тийри мижгон айласун шоҳим.

Чекар қош ёсини қатлимға қирбонмен садофингга,  
Юрак заҳмиға марҳам неши пайкон айласун шоҳим.

Кўзум қон ёш тўкуб гуллар очилди тоза доғимдин,  
Букун бир дам келиб сайри гулистон айласун шоҳим.

Эрур бу нотавон жони ҳазин муштоқи дийдори,  
Бу кун базми висоли ичра меҳмон айласун шоҳим.

Кўнгул боғида оҳим нахлидин туздим хиёбонлар,  
Замоне анда гулгашти хиёбон айласун шоҳим.

Шабистондур кўзумни манзари ул ой фироқида,  
Келиб ашким нужумидин чароғон айласун шоҳим.

Жаҳон гулзорида тарки тамошо айласун ёраб,  
Тамошои риёзи боғи ризвон айласун шоҳим.

Агар чандики дийдорин кўзумдин айлади пинҳон,  
Хаёлини кўнгулга муниси жон айласун шоҳим.

Фироқи ибтилоси бирла кўнглум дардманд ўлди,  
Менга васлин давои дарди ҳижрон айласун шоҳим.

Келиб, эй Нодира, кулбам сари файзи қудумидин,  
Кўнгул вайронасин тахти Сулаймон айласун шоҳим.

Гузаргоҳида тикдим коза парво қилмади шоҳим,  
Ғурури ҳусндин ёди Зулайҳо қилмади шоҳим.

Менга ром ўлди ваҳшилар, vale нозу тағофидин,  
Жунуним дастгоҳини тамошо қилмади шоҳим.

На боғидур бу ким маълум эмас бир зарра осори,  
Фано даштида ҳаргиз гард пайдо қилмади шоҳим.

Келиб ҳолимни сўрди, хўб қилди дилраболиғда,  
Маломат кўйида ошиқни расво қилмади шоҳим.

Қачон боди сабо таклифи гулгашти чаман қилди,  
Чекиб қомат қиёмат ошикоро қилмади шоҳим.

Рақиблар жонима қасд эттилар, билмон гуноҳимни,  
Менга имдод учун ҳангома барпо қилмади шоҳим.

Фироқида неча ғамномалар таҳрира келтурдим,  
Онинг мазмунида бир нукта иншо қилмади шоҳим.

Қўнгул юз пора бўлди Нодира сарғарди рухсорим,  
Тамошои гули садбаргу раъно қилмади шоҳим.

### III

Ҳар қачонким ул париваш васлини ёд айларам,  
Чарх бунёдини бир оҳ ила барбод айларам.

Гарчи маҳзунман ўзум бир нозанин ҳижронида,  
Бенаво афтодаларни хотирин шод айларам.

Тоғни бир оҳ ила ҳомунда айлаб устувор,  
Ишқ саҳросидаги Мажнунни Фарҳод айларам.

Неча турлук доғ ила кўнгулда ойин боғладуک,  
Шоҳима меҳру вафо мулкини обод айларам.

Бўлмишам ҳар чанд ҳижронингда сабр айлаб хамӯш,  
Чун тушарсан ёдима якбора фарёд айларим.

Қон ёшим тасвир этар ҳар лаҳза ул гул сувратин,  
Қўзга ким мижгонларимни килки Беҳзод айларам,

Қиссаи Фарҳоду Мажнуи қолди мен хам ишқ аро  
Нодира, бир жон гудоз афсона бунёд айларам.

**Менки фурқат тунлари ул гул юзун ёд айларам,  
Булбуледурман хазон фаслида фарёд айларам.**

**Шомлар ким зўр этар маъюслик ул шоҳсиз,  
Орзу жинсини бир оҳ ила барбод айларам.**

**Бир кеча кўрдум тушумда ул жаҳоноро юзин,  
Дам-бадам ул важҳидин ғамгин кўнгул шод айларам.**

**Суврати ёдида рангин фикрлардин ҳар замон,  
Сафҳан фитрат аро тасвири Беҳзод айларам.**

**Утқа солди оҳу афғоним фалаклар раҳтини,  
Ҳар неча ким чарх бедод этти бедод айларам.**

**Хаста кўнглум ичра пинҳон доғлардур ҳар замон,  
Кечалар тасбиҳдек юлдузни теълод айларам.**

**Мен ки жон бирла ризожуянданаи фармонингам,  
Нодира андин вафо мулкини обод айларам\*.**

---

\* Бу ғазал қўлёzmанинг 348, 355-бетларида икки мартаба ёзилган.

Бўлубман халқдин бегона, ул номеҳрибондин ҳам,  
Эрур жон вола кўнглумдин, кўнгул озурда жондин ҳам;

Самакдин то само арз эттилар бори амонатни,  
Жавобе бўлмади маъқул ердин, осмондин ҳам.

Неча кундур насим осо кезиб гулзори оламни,  
Нишон топмасман ул гул ҳажридин сарви равондин  
ҳам.

Менга ул гулдин айру қилма таклифи тамошоким,  
Гулистондин ҳижилман, сайри боғу бўстондин ҳам.

Сени деб даҳрдин қатъий тааллуқ айлади кўнглум,  
Халос этти ўзини, олами ваҳму гумондин ҳам.

Менга ақлу хирад ташвишидин йўқ эрди осойиш,  
Жунун имдод этиб мундин қутулдим шукр, андин ҳам.

Ишим йўқтур жаҳон аҳлини яхшию ямонига,  
Мурувват кўз тутиб оламда яхшидин, ёмондин ҳам.

Эрур ишқу муҳаббат муддао ижоди оламдин,  
Фараз бу жазбай тавфиқдур кавну макондин ҳам.

Жаҳон султони эрди Нодира ёримки, ҳажрида  
Жаҳон аҳлиға истиғно қилиб, кечтим жаҳондин ҳам.

Менки қаддинг сарвини ёд айладим,  
Оҳни саркўби шамшод айладим.

Оҳ чектим, нола тӯфон айлади,  
Чарх бунёдини барбод айладим.

Қондасен кўрсам жамолингни санам,  
Эй пари пайкар сени ёд айладим.

Ишқ домига гирифтор айлабон,  
Жонға бедод узра бедод айладим.

Итларинг хайли аро тун то саҳар,  
Нола қилдим, оҳу фарёд айладим.

Урди зулфунг ҳалқаси бўйнимда печ,  
То хаёли доми сайёд айладим.

Айлабон мавзун қадингни бандаси,  
Сарвни боғ ичра озод айладим.

Нуна ұхшатдим қошинг тасвирини  
Наргисинг бодомини сод айладим.

Бесутундур ишқ тоги Нодира  
Ўзни жон чекмакда Фарҳод айладим.

То бодасин лабингга қилмиш пиёла таслим,  
Қадду юзингга айлар гул бирла лола таслим.

Бош индуруб янги ой пайваста қошларингга,  
Икки қаро кўзунгга қилмиш ғизола таслим.

Токи садаф эшитса дарёда сўзларингни,  
Гавҳарларин қилур ул дурри мақола таслим.

Қошингга ноз айлар ҳусн ичра моҳрўлар,  
Хуршид айлагондек юзин ҳилола таслим.

Гар офтоб кўрса ҳуснингни, ўз шуоин  
Беихтиёр айлар моҳи жамола таслим.

Фирдавси ноз ичра туби қадинг ниҳоли,  
Сарв айласа ажаб йўқ, ушбу ниҳола таслим.

Оғзингки бенишондур, васфин хаёл қилдим,  
Ҳар нукта санж айлар ушбу хаёла таслим.

Ҳуснинг тажаллисида хуршид зарра янғлиғ,  
Айлар қамар юзингга монанди ҳоло таслим.

Эй Нодира, сўзумни гар кўрса абри найсон,  
Гавҳарларини айлар монанди жоло таслим.

## 116

Зулфунги кўргач паришонҳолу бесоманингам,  
Қошинги ёйина чун солдим назар қирбонингам.

Шонадек чоки дил эрмас ранги ижодим менинг,  
Хоназоди хизмати зулфи абирафшонингам.

Баски ҳижрон ўти кўнглум тошини сув айлади,  
Кўзгу янглиғ акси рухсоринг ила хайронингам.

Кимса гар душман эрур ҳолим кўруб раҳм айламиш,  
Баски чўх зору асири ҳасрати ҳижронингам.

Мавж янглиғ сувфа сол, ё шамъ янглиғ ўтлара,  
Ишқ ичра ҳар на бўлса бандан фармонингам.

Чекма илгимдин итоб айлаб тараҳҳум доманин,  
Раҳм қилғилким губори гўшай домонингам.

Сар навиштим мавждек келди тапиш бирла шикаст,  
Фарқан гирдоби дарду доғи бепоёningам.

Нақши пойингдин назар қилғилки бормен пойимол,  
Кокулунг янглиғ тараҳҳум қилки саргардонингам.

Шамъи рухсорингдин айру тийра дилдур Нодира,  
Доф янглиғ дудимони оташи ҳижронингам.

Нигори гулбаданимни тушумда кўрсам эдим,  
Лаби шакаршиканимни тушумда кўрсам эдим.

Кўз очмайин ғамида рўзгорим ўтқучидур,  
Ки ёри сиймтанимни тушумда кўрсам эдим.

Чу даври роҳатим ўтти зиҳи саодат эди,  
Муроди жону танимни тушумда кўрсам эдим.

Ғамида шона каби чок-чокдур кўнглум,  
Ки кокули Ҳутанимни тушумда кўрсам эдим.

Юзи гулу қади шамшод, кўзлари наргис,  
Баҳору ёсуманимни тушумда кўрсам эдим.

Жафои ҳажр била кўксуми нигор қиласай,  
Нигоҳи сеҳр фанимни тушумда кўрсам эдим.

Лабимға келди анинг васлини тилаб жоним,  
Бало ўти фиганимни тушумда кўрсам эдим.

Ҳамиша булбули табъим фифону зор этар,  
Ки орази чаманимни тушумда кўрсам эдим.

Фироқи Нодира кўнглумға доғлар қўйди,  
Амири сафшиканимни тушумда кўрсам эдим.

## 118

То бадандур жон мақоми умрҳоҳи жонингам,  
То эрур жоним баданда бандай фармонингам.

Ҳокисорингдек карам қил чекмагил лутф этагин,  
Бир губорингманки маҳви гӯшай домонингам.

Эй фалак жонимға бедод узра бедод этмаким,  
Бу етарким хаста ҳолу зору саргардонингам.

Бўлди кўнглум ғунча янглиғ то тугунлар махзани,  
Зердасти миннати иҳсони бепоёningам.

Соқиё лутф эт дариғ этма иноят соғарин,  
Ким бу кун махмурни саҳбон лаби хандонингам.

Пора-пора бўлди жисмим то жафолар тифидин,  
То эрур тифи забон маддоҳи бу иҳсонингам.

Ноз уйқусида сендуурсен vale мен субҳу шом,  
Мунтазирман Нодира кўз юммайин ҳайронингам.

Сұбхиларким ҳасрати ул шоҳи Турон айларам,  
Субҳи янглиғ меҳридин чоки гирибон айларам.

Шаҳсуворим фикриким, жон бирла күнгулдур менга,  
Жисмим ичра күнгулу күнгүл аро жон айларам.

Ашки гулгунимки түфөн айламиш ғам шомида,  
Хилқатим андин шафақ домонидин қон айларам,

Доғлар нақдинки күнгүл махзанида қўйди ҳажр,  
Кимсадекким ганж пайдо қилди, пинҳон айларам.

Дини ишқ инкорин этканларни айлай деб ҳалок,  
Ашқ селидин букун амвожи түфөн айларам.

Ғунчай табъимни қон устида қон этти малол,  
Лутфинги файзи насимидин гулистон айларам.

Дафтари назми дуо диму ани жам этмоғил,  
Боиси жамияти табъи паришон айларам.

Бандаи фармон эрурман ҳар на ким фармон әрур,  
Оlam аҳлини фидойи ҳукму фармон айларам.

Баски эрмишман ҳавоҳоҳи ҳавоий давлатинг,  
То әрур бошим ҳавоий мадҳи султон айларам.

Шоҳлиғ лутфи қамуъдур шоҳиди ҳолим менинг,  
Нодира бу важҳ бирла шукри иҳсон айларам.

Күнгүл жонидину жон қолди жонони жаҳондим ҳам,  
Күнгулдин жона еттим ғам тунода балки жондин ҳам.

Тилармен юз биёбон қатъини қилсам қўюн янглиғ,  
Ки ўтқайман висолин истабон кавну макондин ҳам.

Дуо бирла паёми васл еткур, эй сабо бир кум,  
Анинг рӯҳиға мендин, менга ул рӯҳи равондин ҳам.

Агар ҳижрон әлина ёр васли бўлмаса ҳосил,  
На ҳосил хонимондин, балки умри жовидондин ҳам.

Анинг ҳижронида қон йиғламоқдин хуш бўлур ҳолим,  
Айирма эй фалак, бир лаҳза чашми хунфишондин  
ҳам.

Ҳарими каъбаи иқболина етсам будур мақсад,  
Ки қилсам нола доғи ҳажри ёри меҳрибондин ҳам.

Бўлубман, Нодира, ул сарви гулрухсордин айру,  
Күнгул қондур ҳавойи боғу сайри бўстондин ҳам.

Фигонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,  
Ғамиш кўп, эй кўнгул, сен бехабарсен ҳоли зоримдин,

Ғуборим ишқ водийсида барбод ўлди, андоғим,  
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар ғуборимдин.

Қизил қондур сиришким, заъфарондур чеҳраи зардим,  
Мени ким кўрса фарқ этмас, хазон бирла баҳоримдин.

Бузулди рўзгорим, хонаи айшим хароб ўлди,  
На роҳат кўргамен эмди бузулғон рўзгоримдин.

Биёбонларни излаб топмадим ёrim сўроғини,  
Берурман жон, сабо ногаҳ хабар келтурса ёrimдин.

Диёрим аҳли мендин ёрсиз бегона бўлмишлар,  
Ки мен ҳам ёрсиз озурдамен ёру диёримдин.

Гаҳи йиртиб яқо, гаҳ қон ютуб, гоҳи фигон эттим,  
Нелар ўтди бу ахшом Нодира жони фигоримдин.

Эй майи нобила рухсорин гулистон айлабон,  
Май каби ҳар дам кўнгуллар ғунчасин қон айлабон,

Бир тағофидин қиласан помол саркашлар бошин,  
Юз гадони бир тараҳум бирла султон айлабон.

Бир тарафда ханжари мижгонидин қонлар тўкиб,  
Бир тарафдин бодани лаъли лаби жон айлабон,

Чеҳраи гулфом бирла гул чароғин ёндируб,  
Сурмагун кўзларни очиб наргисистон айлабон.

Зулфи мушкин бирла қилғон ноғаи Чин ошкор,  
Наргиси маст ила маҳфилни хумистон айлабон.

Нодира ул ёр савдоси ила кўз юммаким,  
Роҳати жон ёр этмас ёри жонон айлабоя.

**Эй лабинг жону каломи жонфизо рұхы равон,  
Ошкорау ниҳондур суратинг жон узра жон.**

**Кокули шабрангдин қылди чаманлар ошкор,  
Наргиси бадмастдин қылдинг хұмстоңлар аән.**

**Чарх узра соңма кавкабким чароғон тұнлари,  
Дуди оқым шуъласи учқунлари диндер нишон.**

**Поралар бүлди хаёлинг нуридин жон пардаси,  
Моҳи тобон шуъласидин уйла ким бир қақкашю.**

**Соқиә маҳмурман чарх этти нокому залил,  
Айлағил бир соғари май бирла шоду комрон.**

**Сен қуёш мен сояи помол ҳасрат тунида,  
Партави алтоф ила берғил күдуратдин амон,**

Сен била олам мунаввар меҳри даврондурмусен,  
Мулкдур сендин музайян шоҳи Тўрондурмусен.

Хатм ўлмиш сенга туз расмила оламдорлиқ,  
Эй жаҳоноро муҳити гавҳарафшондурмусен.

Файзи лутфинг ила очилди кўнгуллар ғунчаси,  
Е баҳористони давлат, ё гулистондурмусен.

Шодмонлиқ сендин эрмишдур жаҳон аҳволига  
Мунча ҳам жамияти табъи паришондурмусен.

Лутфу хулқу донишу иҳсону ақлу салтанат,  
Сенدادур мажмуаи ахлоқ иҳсондурмусен.

Кўрмадим бир кимсаким, этмас дамодам офарин,  
Сенга таҳсин била ҳам таҳсини даврондурмусен.

Тийра хотирларни равшанҳол айларсен мудом  
Осмони жоҳ уза хуршиди тобондурмусен.

Хулқу иҳсон бирла оламни сарафroz айладинг,  
Оллоҳ-оллоҳ бу сифат давлатлу султондурмусен.

Нодира равшандур иқболим чароги васл аро  
Қўзум ичра нур ё кўнглим аро жондурмусен.

Ойилдим ул қүёшни то арақ афшон лиқосидин,  
Күзумга ўт тушар хуршид ила анжум зиёсидин.

Ғуборимдин нишон топмас қуюн бир умр сайдар айлаб,  
Ки ман саргаштаман ул Хисрави Тўрон ҳавосидин.

Фигоним сарву оҳим сунбул ўлди, ғунчадур кўнглум,  
Чаманлар ўлди пайдо ҳасратим нашъу намосидин.

Чу тарки жилва этти Хисрави хуршид рухсорим,  
Кўнгул кўзгуси занги ҳажр аро қолмиш сафосидин.

Фалак раҳм айла эмди жон ила кўнглумға жононсиз,  
Ки кўнглум жона келди фурқати зўроzmосидин.

Сафар йўлин нигори меҳрибоним кўп ўзоқ олди,  
Тополмасман халос ўлмак йўлин ҳижрон балосидин,

Мени ҳолимға боқма, эй табиби поктийнатким,  
Амон йўқдур самуми ҳажр дарди бедавосидин.

Ҳабиби оразин ёдила чекти Нодира унлар,  
Ҳавои булбулу гул қолмади баргу навосидин.

126

Ердин қолди чаман сар сабзу хандон ўлмасун,  
Гулузоримсиз жаҳон бояни гулистон ўлмасун.

Бўлмасун гул кўксини очиб чаманда жилвагар,  
Токи гулдек ҳосилим чоки гирибон ўлмасун.

Ғувчалар гулшан аро очилмасун ул ёрсиз,  
Ғувча янглиғ то менинг кўнглум дағи қон ўлмасун,

Очмасун зулфини сунбул боя аро дилдорсиз,  
Токи сунбулдек менинг ҳолим паришон ўлмасун.

Тушмасун шабнам гул узра гулузоримдин жудо,  
Токи шабнамдек кўзум ёши фаровон ўлмасун.

Абри найсон лаҳза-лаҳза ёғмасун гулзорға,  
Абри найсондек кўзум ҳар лаҳза гирён ўлмасун,

Қилмасун булбул чаманда нолау фарёдким,  
То кўнгул булбул каби ҳажрида нолон ўлмасун.

Тушмасун кўз ҳам анинг сар манзилу маъвосига,  
То кўнгул қасри надомат бирла вайрон ўлмасун.

Нодира кўксини этти лола янглиғ доғ-доғ,  
Ҳеч ким ёраб, асири доғи ҳижрон ўлмасун\*.

\* Бу газали қўлёзманинг 234 варагида «бўлмасун» радифида эйлан қўчирилган.

Иироғ үлсам агар ул сарв сиймандом олидин,  
Күнгүл симоб янглиғ сув үлур онинг хаёлидин.

Сабо, эй ишқ әлинни қосиди, ўтсанг агар ногаҳ,  
Нигорим күйи сори воқиғ эт бу хаста ҳолидин.

Күнгүл шарҳи ғамин ҳар хома бирла ким рақам айлар,  
Қиёмат субҳи бўлғунча чекар бош нолидин.

Қошию, оғзию қадди била зулфин хаёл айлаб,  
Ұлубман лол узлукдин кетиб ёрим жамолидин.

Чекар эрдим фироқида нечаким ранж ила меҳнат,  
Фироқи биймида юз онча тортарман висолидин.

Нечук асрори ишқин асрасин ул хаста ким ҳар дам,  
Сариф руҳсори бирла зоҳир ўлмиш ашки олидин.

Магар ким Нодира кўргузди рухсори арақнокин,  
Қизарди гул юзи, боғ ичра шабнам инфиолидин.

Саҳар ким тушти ўтлар жонима ул меҳрсиймодиј,  
Ошурдум оҳу афғон дудини авжи сурайёдин.

Мақоме ҳосил эттим водии ишқ ичра ким анга,  
Етолмас саъни ила Фарҳоду Мажнун кўҳу саҳродин.

Табибо дардима шамшод баргидин давом қилким,  
Қаму беморман ул сарвқадду гулшанородин.

Баҳор айёми қон бўлғунча, эй шамшод, бош чекма,  
Ки еттим жона сарви гулузоримсиз тамошодин.

Ба сийрат аҳлиға лофи назар урсам ажаб әрмас,  
Кўзум кўҳли саодатға етишти ул кафи подин.

Сочи андишаси ҳар дам фараҳбахши димоғимдур,  
Хўтанлар сайр этарман икки зулфи анбаросодин.

Тагофил бирла бедод этма чўх ҳолимға, эй толиъ,  
Ки талх ўлмиш мазоқим коми ул лаъли шаккарходин.

Фигонимдинки ўтлар бош чекар ул моҳдин айру,  
Анинг учқунларин ёд айлагил нажми сурайёдин.

Тараб таклифи бирла кўнглуми қон этма, эй соқий,  
Не ҳосил Нодира лаълидин айру жоми саҳбодин.

Дари дил эттим рақам ёрни ҳижронидин,  
Нуқтаси кўз ёшидин, сатри жигар қонидин.

Ҳажру фироқ илкида пийраҳаним порадур,  
Қилмади эл тафриқа жайбини домонидин.

Бу дили девонаким меҳринг ила воладур,  
Субҳ эрур нусхан чоки гирибонидин.

Арз этакўр, эй сабо, дарди дилим шарҳини  
Ёр хабардор эмас ошиқи ҳайронидин.

Хаста кўнгул оҳидин ёр ҳазар айламас,  
Куйди фалак хирмани шўълаи афғонидин.

То назаримдин ниҳон бўлди ул оромжон,  
Нуридин айрилди кўз, жисем жудо жонидин.

Васл куни кўзларим мардуми гулчин эди,  
Гаҳ рухи зебосидин, гаҳ лаби хандонидин.

Толиъима ногаҳон қилди ёмон кўз асар,  
Қолди фироқ ичра жон, айрила жононидин.

Хисрави фармонраво сафдару кишвар кушо,  
Гавҳари қиймат баҳо кетти карам конидин.

Арсан мулки жаҳон гарча нигинимдадур,  
Бош чека билмас кўнгул ишқни фармонидин.

Рози дилимни гар сабо ёрға еткурмаса,  
Воқиф эмас ул санам Нодира ҳижронидин.

**Ернинг ошуфтаси ваҳм айламас ўз жонидин  
Жон фироқи саҳлдур айрилмасун жононидин.**

**Ваҳ не янглиғ дўстлиғдур мен билан ҳасратлара,  
Қўймоғим йўқтур замони шоҳиди ғам ёнидин.**

**Соқиё кўп хаста хотирман жафо давронида  
Бир қадаҳ май тутғил, озод айла ғам зиндонидин.**

**Эй худо раҳм айлаким охир на қилғум чарх аро  
Дамба-дам зўр айлабон андуҳи бепоенидин.**

**Қолмади ман кўрмагон бедод лаврон илгидин,  
Доға верди кўнглуми андуҳи бепоенидин.**

**Этмангиз, эй дўстлар, мендин нишону ном ким,  
Елға ворди тупроғим оҳу фифон тўфонидин.**

**Эмди доғи фурқата, ёраб, нечук сабр этмишам,  
Бўлмамишдим, Нодира, андишаи ҳижронидин.**

Лиллаңул ҳамдки аз хосияти давлати хон;  
Офият тоиди чечакдин Валнаъми Султон.

Мамлакат вориси шаҳзодай олий гавҳар,  
Қурратул айни жигарбанди амири даврон.

Шаҳриёрики анинг давлатидур, рӯз афзун,  
Бўлди хосиятидин мулк амон, нарх арzon.

Ҳазрати Хоне диловар била Султон Маҳмуд.  
Бири сарву бири шамшоду гулистони жаҳон.

Ҳақтаолони паноҳида масун бўлғойлар,  
Оlam аҳлиға булар давлатидин амну амон.

Валнаъмини камолиға етургил ёраб,  
Қилди оламни маҳи талъати фирдавснишон.

Қилди ул ҳодисани дафъи худойи олам,  
Шукр учун бўлди ҳалойиқ тили гавҳарағшон.

Ғуссау ғам била душманлари аҳволи забун,  
Дўстлар айш ила хуррамдилу шоду хандон.

То жаҳон борича бўлғай бу иковлон жовид,  
Бўлмасун бир нафас оламда буларсиз даврон.

Бу икав давлатига шукр қилас Нодираким,  
Қолди кўнглумда бирор ҳасратидин юз армон,

Үйқуда бир тун висолингни кўрар кун бормукин,  
Субҳи хуршиди жамолингни кўрар кун бормукин.

Кўзларим мардумлари кўп йиғламоқдин сувладур,  
Моҳи рухсор узра холингни кўрар кун бормукин.

Офтоби васл жаннат қасрида топмас завол,  
Офтоби бе заволингни кўрар кун бормукин.

Бўйлаким қилди кўзумни ёшини қон иштиёқ,  
Кўз очиб рухсори олингни кўрар кун бормукин.

Лабларингдин айру айшим талхдур даврон аро.  
Жон бериб ширин мақолингни кўрар кун бормукин.

Меҳри рухсор узра холингдур саодат кавкаби,  
Ахтари фархунда фолингни кўрар кун бормукин.

Лаъли нобинг ҳасратида ташна қолдим Нодира,  
Шарбати кавсар мисолингни кўрар кун бормукин.

Ғам ҳалок этти мени ҳажрингда, эй жон, қайдасан,  
Сенсизин бемормен дардимга дармон қайдасан.

Васл аро султон әдим әмди жудолиқ дардидин,  
Хаста мўри нотавондурман Сулаймон қайдасан.

Муддате васлинг гулистонида эрдим андалиб,  
Навбаҳор ўтти хазон бўлди гулистон, қайдасан.

Ҳажр яғмоси кўнгулни мулкини қилди хароб,  
Сендин айру ўртади Фарғона султон, қайдасан.

Меҳри рухсорингдин айру субҳи айшим бесафо,  
Тийрадур шоми ғамим, э моҳи тобон, қайдасан.

Давр эли осуда хотир эрди сендин войким,  
Топди даврон инқилоб, э шоҳи даврон, қайдасан.

Нодира Фарғона мулкида сени айлар сўроғ,  
Мулки Турон хисрави сайид Умархон қайдасан.

Сенсизин олам баҳори сабзу хуррам бўлмасун,  
Қайси олам балки олам ичра одам бўлмасун.

Булбула гулзорсиз эрмас таманнойи наво,  
Фурсати чангу наво бир лаҳза бирдам бўлмасун.

Даври лутфи раъяти иқбол сендин ўзгаға  
Гардиши даврон аро бўйла мусаллам бўлмасун,

Сендин олди гардани таслими сарафрозлиқ,  
Ўзгаларға гардани таслимимиз хам бўлмасун.

Нодира то сарвдур сарсабз бу гулзор аро,  
Бошимиздин нахли қалдинг сояси кам бўлмасун.

Булбули дил ғунчай гулзоринг айлар орзу,  
Тұтии жон лаъли шаккарборинг айлар орзу.

Ким қилур умид қон ютмай лабингни шарбатин,  
Үлмайин ким наргиси bemоринг айлар орзу.

Лол бўлмай ким такаллум айлади кўргач сени,  
Хок бўлмай ким сени рафторинг айлар орзу.

Боқмағай кавсар лабида ҳурнинг руҳсориға,  
Ким лаби лаъли маҳи руҳсоринг айлар орзу.

Тўкмайин ким ашк топмас лаъли серобинг сени,  
Ютмайин қон ким руҳи гулноринг айлар орзу.

Чеҳра ўлди заъфарони иштиёқи бодадин,  
Соқиё кўнглум майи гулноринг айлар орзу.

Фохта шамшод излар гул висоли андалиб,  
Нодира мискин қаду руҳсоринг айлар орзу.

Қондур жигарим ғусса билан ёрдин айру,  
Ошуфта ман ул ёри вафодордин айру.

Еш үрнига қонлар түкилур дийдаларимдин,  
То тушти күзум ул гули рухсордин айру.

Ҳайрон күзум эй моҳ, жамолингни тилайдур,  
Ойинани йўқ матлаби дийдордин айру.

Бир гўшада танҳолир ила ёдинг этарман,  
Йўқ ҳамнафасим дийдаи хунбордин айру.

Ҳажрингда на роҳат кўрадурман на ҳаловат,  
Йўқдур мени дилхастага озордин айру.

Эй жон, менга ҳажрингда жаҳон бўлду қоронғу,  
Бўлғон каби кўз гавҳари шаҳвордин айру.

Гар сарв ила товус хиром этса кўзумга,  
Манзур эмас ул қомату рафтордин айру.

Кўнгли они ғам илгига қолғайму саломат,  
Гар бўлса киши сен каби ғамхордин айру...

Мендин на раво эрдики, ёр этти жудолиғ,  
Гулни киши кўрганму экан хордин айру.

Фарёду фифон савтини сенсиз эшитурмен,  
Кошонадин айру дару девордин айру.

Үт ёқди фироқинг шараги элга ва лекин,  
Э Нодира, куймас дили афгордин айру.

Ғайрнинг базмидадур ул моҳи тобон ҳар кеча,  
Үртанур ҳолим кўруб шамъи шабистон ҳар кеча.

Ҳалқ агар ҳар йилда бир қурбонлиғ айлар моҳи ийд,  
Мен қилурмен неча жон ул ойға қурбон ҳар кеча.

Сен қилиб ағёрни базмини равшан рашкидин,  
Шамъдек жонимдадур доти намоён ҳар кеча.

Муждаи субҳи висолингдин кўнгулни жам қил,  
Ким эрур зулфинг каби ҳолим паришон ҳар кеча,

Гарчи уздинг риштai үлфат мени маҳжурдин,  
Шукрким ёдинг эрур кўнглумда меҳмон ҳар кеча,

Кофири бераҳму сангинди асири бўлмишам,  
Дину дил горат қилур ул но мусулмон ҳар кеча.

Базми ишратсоз этиб, сен май ичиб, шодоб ўлуб,  
Мен қилурмен най каби фарёди афгон ҳар кеча.

Воқиф эрмассен менинг дардимдин, эй исонафас,  
Ким талошурман лабинг ҳижронида жон ҳар кеча.

Неча кун бўлди лабинг саҳбосидин айру тушуб,  
Нодира кўздин тўкар ёш ўрниға қон ҳар кеча,

**Мұхаббат** кишвари обод әрүр иқболу жоҳимда,  
Тонг әрмас бўлсалар ишқу жунун аҳли паноҳимда.

**Қуёшдек** машриқу магрибни бир гом этти жавлоним,  
Эмас монеъ ҳалойиқ қўҳқофи садди роҳимда.

**Саводулважҳи** фиддорайн\* экан дарвиши соҳибдил,  
Адамдур икки олам сояйи баҳти сиёҳимда.

**Эмасдур** ҳажр шоми чарх уза ҳар ён кавокиблар,  
Әрүр бир неча учқунлар шарори дуди оҳимда.

**Шаҳи** мулки жунундурман сипоҳим барча вахшилар,  
Вале йўқдур хусумат кимсаға хайли сипоҳимда.

**Мұхаббат** кишварида дастгоҳимни тамошо қил,  
Фалакни гардани боғлиқ каманди дуди оҳимда.

**Ики** гирён кўзум меҳрингни даъвосида тониқдур,  
На дерман бўлса тардомонлиғ айби бу гувоҳимда.

**Кўзум** кўргач юзингни телба кўнглум бўлди савдои,  
Сочинг сармоясидур риштан тори нигоҳимда.

**Жунун** шаҳрини бесомонлари маҳкуми фармоним,  
Ки бордур хотами доги мұхаббат дастгоҳимда.

**Кўзум** ёшини чархи бемурувват хока дўндуруди,  
Нечук журм ўлди пайдо ушбу тифли бегуноҳимда.

**Сабо** лутф эт Умар сultonға еткур, Нодира арзин,  
Ки тўйин нури чашмидур ризо гар бўлса шоҳимда.

\* Икки оламда юзи қаро бўлсив, маъносида.

Кўнгул боғланди то занжири гисуйи сумансоға,  
Тароғдек солди ҳасратлар алидин чок аъзоға.

Ажаб эрмас дамо-дам зарра янглиғ бекарор ўлса,  
Ушал кўз ким тушар ул офтоби оламороға.

Ҳавойи сунбули савдосидин Фарҳоду Мажнундек,  
На ғавғоларки солди телба бошим кўҳу саҳроға,

Кўзумни буйла гирён билмаким дурданай ашкин,  
Баси гавҳар ки тўкмиш ишқ найсони бу дарёға.

Фигоним етмаки ул осмони ҳусина мушкилдур,  
Ки етмас гард парвоз ила домони сурайёға.

Кўнгулни бодаи ғам бирла охир талхком этти,  
Етолмай Нодира ул лаъли майгуни шакархоға.

## 140

Замона аҳлидин ғам кетти айши жовидон келди,  
Адамдин оламе ижод аро хон ибни хон келди.

Қадам то арсаи оламға қўйди ул дури якто,  
Муборакбод учун бахту саодат тавамон\* келди.

Башорат сизга, эй аҳли жаҳонким, мулки дунёға  
Чароги маҳфили олтингешик бобирнишон келди.

Зиҳи тифли ҳумоюнфар, муборак рўй, фарруҳ рух,  
Жаҳон аҳлиға андин муждан руҳи равон келди.

Асолат баҳрида зоҳир бўлиб мавжи карам андин,  
Дури якто тирози домани охирзамон келди.

Сафои мақдамидин бўлди ҳуррам арсаи олам,  
Ҳаёти тоза топди мамлакат, гўёки жон келди.

Зафар топди сипаҳ шаҳзода осори қудумидин,  
Қилинглар яхшилар шукринки, давлат ройгон келди...

Хирад солоридин тарихи мелодин савол этдим,  
Дедиким нури чашми аҳками соҳибқирон келди.

Дуойи хайр этинг, эй аҳли давлат, Нодира янглиғ,  
Дамо-дам шукр этинг шаҳзодаи мулки жаҳон келди.

\* Тавамон—эгизак.

Ҳажр әди ишқ ичра мен кўрган балолардин бири,  
Дард водисида мен чеккан жафолардин бири.

Раҳм әдуб ҳолимни сўрмазлар кўринг бедодлиғ,  
Сиймбалардин бири, мавзун қаболардин бири.

Чекмаюб ғам чекти Ширин сувратин Фарҳод лек,  
Ишқ ойинида дерлар беҳаёлардин бири.

Қошу кўзу зулфу хол ила мадоро айласанг,  
Айламаз расво сени юзи қаролардин бири.

Аҳли табъ ҳар ким ўланмаз аҳли дилдин сўрмаким,  
Қуш находидин баланд учмиш юволардин бири.(?),

Истарам ёраб бақойи давлати султон Умар,  
Айла мақбули ижобат сен дуолардин бири.

Ишқ даъвосини қилдим норасо журъат била,  
Эй расолар зумраси мен норасолардин бири.

Нодира тинмай дуо қилким, бу кун султонисен,  
Подишоҳи асрдурсан ул гадолардин бири.

**Масиҳ анфосидек жисм ичра жон киргуди гуфтори,  
Күнгүл базмини равшан этти ҳар тун шамъи рухсори,**

**Фироқинг ўти дуди бошим узра солди юз савдо,  
Фигонимдин қизиди жоним ичра ҳашр бозори.**

**Келинг, эй ҳамнишиналар, бул мени жонимға раңм  
айланғ,  
Ииқилди күзларимни ёши бирла жисм девори,**

**Бұлуб бошдин аёқ ойина янглиғ дидаи ҳайрат,  
Тушумда жилва этти ҳар тараф товус рафттори,**

**Қаломинг нашъаси bemорлар жисмиға рұхафзо,  
Дабингни шарбати әрди бузуқ күнгүлни меъмори,**

**Паридек ўзни недин айладинг күз шаҳсидин пинҳон,  
Кишиға бўлмади маълум оғзинг рамзу асрори.**

**Магар келса насими ёри гулпўшим риёзидин,  
Очиlsa ғунча янглиғ уқдаси кўнглумни тумори.**

**На ҳожат нола чекмак, кўз ёшини айламак тўфон,  
Фироқи меҳнат ичра сабр этмакдур сазовори.**

**Магар ким ул пари рў ҳусни нури айлади партав,  
Кўзи ойинадек, эй Нодира, ҳайрат намудори.**

Ваҳ не воқеъ бўлди бориб шаҳсуворим келмади,  
Барча яхшилар сафардин келди, ёрим келмади.

Субҳи васлидин мунааввар эрди моҳи талъатим,  
Шоми ғам юзланди шамъи рўзгорим келмади.

Мен қачон ёд этмадим васлингни ким жон ўртани<sup>б</sup>,  
Кўз йўлидин юзга ашки шашқаторим келмади.

Наҳли уммидим гул очмай қолди юз афсуским,  
Бўлди наврўзи жаҳону навбаҳорим келмади.

Бордию оламни куйдирди фироқи отashi,  
Шаҳр ўртанди ғамидин шаҳриёrim келмади.

Эмди ўз ҳолимға йигларман дамо-дам Нодира,  
Кетти оламдин амири номдорим келмади.

Шоми фурқат ёрсиз мен ютмаган қон қолмади,  
Раҳм қилким әмди қон ютмоққа имкон қолмади.

Жонға еттим дамба-дам хунобай ҳасрат жетуб,  
Ваҳки жонон шавқидин жиссим аро жон қолмади.

Ена-ёна қолмади жон бирла күнгүл доғсиз,  
Тома-тома күзда ашқи чашми гирён қолмади.

Зұлфин истаб риштай жонимға түшти тоблар,  
Кетіп тоқат даври әмди тоби ҳижрон қолмади.

Хотиримдин кетмасун дилдор доғи ҳасрати,  
Кетса-кетсун гар нишоту айш сомон қолмади.

Бир нафас беҳүш қылғыл менга соқий май тутуб,  
Кім хаёл айларға әмди жонима жон қолмади.

Қалди мавзұни била гулгүн юзин ёди била  
Орзүйін түбию ёди гулистон қолмади.

Соқиे тутқыл ғанимат соғари ишрат билан,  
Кім неча давр үттию бир неча даврон қолмади.

Нодира күнглумни равшан қилди ёди орази,  
Кім менга андишай хуршиди тобон қолмади.

Фалак илги ғуборим сарсари ҳижрона топшурди,  
Вужудим раҳтини кўзлар ёши тўфона топшурди.

Табибо чекма заҳмат ҳолима ҳасрат давосичун,  
Қазо ҳижрон маризин дарди бедармона топшурди.

Ғамида ўтти давре дарди ҳижрон бўлмади охир,  
Ки ҳасрат жоними андуҳи бепоёна топшурди.

Ғами сўзини бошлаб этмадим сомони чун гардун,  
Бу дурларни менингдек бесару сомона топшурди,

Очилмайдур кўзум Юсуфузоримдин жудо бўлғоч,  
Ки даврон бошими бир кулбай эҳзона топшурди.

Нишон топмоқ эмас овора кўнгулдин мұяссар ким,  
Эрур бир қатраи қон кўз ёши тўфона топшурди.

На қилсун лола янглиғ Нодира бағрини доғ этмай,  
Ки они чарх доги шаҳ Умарсултона топшурди.

**Фиғон ким ёр ишқи сабру күнглумдин жудо қилди,**  
**Ғам илги сафҳай аҳволима сабти жафо қилди.**

**Фалакка еткуриб ҳар кеча ўтлиғ оху ағфоний,**  
**Мұҳаббат андалиби күнглуми оташнаво қилди.**

**Үшал Лайли малоҳат нозанини моҳрухсорим,**  
**Мени Мажнун каби саргаштай дашти бало қилди.**

**Паришонлиғ ёғилди бошима дарди мұҳаббатдин,**  
**Хаёли ёр ишрат шомини рўзи жазо қилди.**

**Парипайкар қариндошим хаёли моҳрухсори**  
**Нишоту айшдин бегонау ғам ошно қилди.**

**На сабру ҳуш қолди, на қарору тоқатим ёраб,**  
**Күнгүл ичра ҳавойи ишқ билмам на бало қилди.**

**Висолини тополмай Нодира мушкил эрур ҳолим,**  
**Ки бедоди мұҳаббат менга қаттиқ можаро қилди,**

Шукр ким ҳомии дин Комила султон бўлди,  
Адлидин боғи жаҳон равзай ризвон бўлди.

Адлу эҳсони жаҳон мулкини обод этди,  
Даҳр эли ҳимматидин хурраму хандон бўлди.

Халқ аро амну-омон зоҳир ўлуб давлатидин,  
Сабаби роҳату осойиши даврон бўлди.

Ҳимматий жумла жаҳон аҳлиға роҳат етуруб,  
Шафқати маърака орои Наманган бўлди.

Давлату баҳт замони эдию соати саът,  
Кўка иқболи учун тўйига фармон бўлди,

Турфа тўйики Наманган эли бўлди мамнун,  
Шаҳр яхшилари иззат била меҳмон бўлди.

Офаринлар қилибон ҳиммати шоҳонасига,  
Халқ такорори дуо бирла санохон бўлди.

Тўйи инъоми учун моли матои беҳад,  
Марҳамат айлади эл кўрдию ҳайрон бўлди.

Волида каъбаи иқболни бош айладилар,  
Салтанат қоидай расми намоён бўлди.

Шаҳр аро қофилалар тушти бу шуҳрат била ким,  
Меҳрибон Кўкаға ул довари даврон бўлди.

Буйла алтоф Намангон элига ёлғиз эмас,  
Ҳар вилоятға кароматлари бурхон бўлди.

То абад пардаи исматда саломат бўлғай,  
Ҳалқни мушкили ҳукми била осон бўлди.

Шуқр ул соҳибаи жуду қарам шафқатидин  
Нозу неъмат неча кун элга фаровон бўлди.

Дўстлар давлатида иззату иқбол топиб,  
Ҳар киши душман эди бе сару сомон бўлди.

Нодира ёри гули боғи саодат эрди,  
Қаламим булбули васфида хуш илҳом бўлди.

Гўзал ёримға, эй боди сабо, еткур саломимни,  
Ким элтар сендин ўзга, ёр кўйига паёмимни?!

Кўнгул дардини тақририға қилу қол эмас ҳожат,  
Тафаккур бирла равшан айла мазмуни каломимни.

Кўнгул комини ширин истадим, жоми висолидин,  
Фигонким, чарх ҳижрон заҳридин талх этди  
комимни.

Қоронғу бўлди олам дуди оҳимнинг саводидин,  
Ки фарқ этмас мунажжим, рўзи равшан бирла  
шомимни.

Вафо шаҳбозидурман, гар мени сайд этмак  
истарсан,  
Муҳаббат риштасидин қилғосен, зинҳор, домимни.

Фалакдин гар шикоят ошкор этсам, тонг эрмаским,  
Ғами ҳижрона табдил айлади айши мудомимни.

Карам қилдинг, сабо, ул ёр кўйидин хабар бердинг,  
Гулу райҳон исидин бениёз этдинг машомимни.

Муриди ишқи оламсўзман ушшоқ базмида,  
Навоий нолайи найдек, баланд этди мақомимни.

Адам иқлимида шоҳим мусофирдур, худовандо,  
Манга еткур саломат шаҳрёри некномимни!

Чаманда гул тамошо айлабон сарви равон кўрсам,  
Қилурман ёди султони Скандар иҳтишомимни.

Қоронғудур кўзимга ҳажр шоми, тийрадур айшим,  
Фалак туфроға пинҳон айлади моҳи тамомимни.

Ғараз ҳимматларимдин ёр васли иқтизосидур,  
Тиларман васлини ёраб, зиёд эт иҳтимомимни.

Саёдат хонадони, шоҳи Бобир насли покиман,  
Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни.

Жавоби шоҳ байти Нодира ул нодири даврон,  
Тегиб санги ажал, синдуруди мийно бирла жомимни.

Ёзибман сафҳаи ҳуснинг хаёлида бу иншони,  
Хижолат айлади ойинаи тўти шакархони.

Даҳону лаъли хаттингдурму ё, э ҳусн султони,  
Йифибсан гўшаи кавсарға Хизр ила Масиҳони.

Менга хайлу сипаҳ девоналар бирла мажонинлар,  
Нечунким тоза доғи жисмима муҳри Сулаймони.

Кўнгул қон бўлди оғзинг сирри ҳар гез бўлмади равшан  
Қизил гул ғунасилик ким очар ушбу муаммони.

Недин жону танимға миннат эрмас пойи бўсингдин,  
Ким эрмиш шеҳнаи шавқинг кўнгул мулки ароҳони.

Ики кўз ҳажр Канъонида чун Яъқуби нобино,  
Нединким ҳусн мисри ичрадурсен Юсуфи сони.

Шакар сўзлук, қаро кўзлук ғизолим ҳажрида йиғлаб,  
Қуюн янглиғ кезарман оҳ айлаб дашту саҳрони.

Сен, эй гардун, ҳазар эт, кишварингни айлагил маҳкам,  
Қўзумни ашкидин хижлатфа ботти Нўҳ тўфони.

Юрак қон ўлди, оҳимнинг тутуни кўкка ёндошли,  
Қачонким тушда кўрдум гул юз ила сарви болони.

Вафо ранги муҳаббат нагҳатин кўз тутмоғил, эй дил,  
Бу рангу бўй кўргузмас кишига даҳр бўстони.

Ҳаёли ёр ила, эй Нодира, шавқ уйида сабр эт,  
Жаҳонни айлади ошуфта бу ҳоли паришони.

Юзунг ҳажрида түфөндүр сиришким тутти дүнёни,  
Ажаб эрмас аниң бир қатраси ғарқ этса дарёни.

Мұхаббат аҳлиға ҳожат әмастур даҳр ғавғоси,  
Кел эй шўри жунун, дур айла бошимдин бу ғавғони.

Кўролмай ёрни бўлмиш жунуним эл тамошоси,  
Агар кўрсам жамолин анда кўргайсан тамошони.

Етолмай гулузорим васлиға ишқ ичра расвоман,  
Мадад қил баҳт кўйи сориға бошқар бу расвони.

Ул ой ҳижронида оҳим бандотиннашдек ҳар ён,  
Паришон этти кайвон боргоҳида сурайёни.

Оқорғон кўзларимдин бўлди ул Юсуфлиқо пинҳон,  
Эрур кўнглум уйи Яъқуби Кањон байгулаҳзони.

Кўнгүл бир офтоб ишқида ҳайропдурки тонг эрмас,  
Лаби шавқи фалакдин ерга индурса Масиҳони.

Киши кўрган эмасдур ишқ даъвосида осойиш,  
Агар роҳат тиласан зоҳидо тарқ эт бу даъвони.

Юзинг ўлсун қаро ким, эй фалак, зулм айладинг  
бекад,  
Айирдинг ёрдин бу Нодира мажнуни шайдони.

Мунтазирдурман қачонким келса жонон айланай,  
Бошидин юз йўл тасаддуқ айлабон жон айланай.

Бошидин айланмадим деб кўпдур армоним мени,  
Келса ёrim қолмасун кўнгулда армон айланай.

Лаҳзан холий эмас кўнглум хаёлинг хайлидин,  
Иштиёқингдур кўнгул тахтида султон айланай.

Меҳри рухсорингни соғиндим қарорим қолмади  
Заррадек бошингдин, э хуршиди тобон, айланай.

Айларам ииди висолингни дамо-дам орзу,  
Эй юзинг байрам ойи, жон сенга қурбон айланай.

Гирдибоди домани дашти жунундур пайкарим,  
Жустижў айлаб сени кўҳу биёбон айланай.

Шомлар фикру хаёл ичра сени айлаб сўроғ,  
Субҳидам боди сабо янглиғ гулистон айланай.

Кел хиром айлаб қадам қўйғил кўзум гулзорина,  
Қадду рафториндин, э сарви хиромон, айланай.

Муғтанам эрди висолинг қайдасан, э шаҳсувор,  
Сендин айру Нодира ғам бирла ҳайрон айланай.

Эй сарви ноз қадди ниҳолингдин ўргулай,  
Единг бахайр фикру хаёлингдин ўргулай.

Шоми фироқинг этти мени тийра рўзгор,  
Кўрсат юзингни моҳи жамолингдин ўргулай,

Хижрон менга мусоҳиб эрур васлинг орзу,  
Гоҳи фироқу гоҳ висолингдин ўргулай.

Васлингни доманиға қўлим етмади дариғ,  
Эй шаҳриёр, жоҳу жалолингдин ўргулай.

Пайваста қошларингни юз узра хаёл этиб,  
Бир офтобу икки ҳилолингдин ўргулай.

Кўнглум қушини банд қилур ғам тузогина,  
Гул хирманида донаи холингдин ўргулай.

Мен телбага кўзунг кийиги ром бўлмади,  
Ваҳший сифат рамида ғизолингдин ўргулай.

Топмас кўзумни мардуми ҳуснинг мисолини  
Холи сияҳ ила рухи олингдин ўргулай.

Мушкин хатинг баҳорида сийминузорсен,  
Амбар сочар гул узра сақолингдин ўргулай.

Келтурсанг, эй кабутар, агар ёрдин хабар,  
Кўрганда номасин пару болингдин ўргулай.

Эй гулузор Нодиранинг ҳолини сўраб,  
Гуфтора кел жавобу саволингдин ўргулай.

Бўлди ул фурсатки тарки суҳбати олам тутай,  
Қон тўкиб кўз мардумидин шеван мотам тутай.

Шоҳ Умар султон жаҳондин кетди ул шавкат ила  
Эмди даврон аҳлидин чашми муруват кам тутай.

Утти субҳи васл, келди шому андуҳу фироқ,  
Марҳабо, эй доғу ҳасрат, келки базми ғам тутай.

Бодасиз мийноу жом охир нашотафзо эмас,  
Эмди боди ғунчай гул бу чаманда кам тутай.

Қон ўлар кўнгул онинг даврини ёд эткан замон  
Мен нечук табъимни шоду хотирим хуррам тутай.

Фурқатидин йиғламоқдин қолмади кўз ичра ёш,  
Эмди хуни дил ила кўз сафҳасин пурнам тутай.

Базми васлин кўрмаганлар фурқатидин доғдур,  
Менки кўрдим давлатин ўзни нечук бегам тутай.

Топмоғим ўлмас мұяссар ул гули хандон басе,  
Гар ҳама сайри жаҳону арсаи олам тутай.

Қўнглуми ҳижрон ўти айлар дамо-дам захмнок,  
Қил мадад, эй сабру тоқатким, анга марҳам тутай.

Едигор ул шоҳдин қолди менга дурданаи  
Эмди они давлатин шукрини мустаҳкам тутай.

Нодира кетти илиқдин шахриёrim домани,  
Эмди авлодин дуо этмак йўлин маҳкам тутай.

**Жон олурда эй санам, қилғон шитобингга ўлай,**  
**Гоҳ нозингга берай жон, гаҳ итобингга ўлай.**

**Ҳар киши ўлса юзинг меҳрида лаълинг тиргузур,**  
**Чун масиҳинг зинда айлар офтобингга ўлай.**

**Тиргузур беморларни шарбати лаъли лабинг,**  
**Соқиё маҳмурман завқи шаробингга ўлай.**

**Жон бағишларда лабинг нозингга жон айлай фидо,**  
**Қатлим айлар чоғда қилғон изтиробингга ўлай.**

**Лаълинг олида кўнгул сўрганда ҳолингдин савол,**  
**Нозу истиғно била берган жавобингга ўлай.**

**Толпиниб ўлгон каби сайёдни домида қуш,**  
**Қўйки бир дам чирмashiб банди ниқобингга ўлай.**

**Остонинг қиблали мақсуди ҳосу ом эрур,**  
**Нодира бошимни фарш айлаб жанобингга ўлай.**

Замони васфинги ёд этмоғим не эҳтимол ўлғай,  
Бу йўлдурким вафо асҳобина касби-камол ўлғай.

Қилурсен шод чўх ақли худо дод ила оламни,  
Ажабдурким бировға мунча ҳам рангин хаёл ўлғай.

Баробар айламас ўз рутбасин гардун қуёшиға,  
Бирор ким соя янглиғ даргаҳингда пойимол ўлғай.

Баҳори илтифотинг файзидин нашъу-намо топқоч,  
Хазон ўлғон кўнгуллар фитрати раъно ниҳол ўлғай.

Чу хизмат йўлида домони давлат тушти илгимга,  
Анинг шукронасидин тинмоғим амри маҳол ўлғай.

Ушал ким бандай фармон эрур, эй хисрави олам,  
Йўлингдин Нодира бош чекмоғи не эҳтимол ўлғай.

---

## МУХАММАСЛАР

1

### Нодиранинг Навоий ғазалига мухаммаси.

Сўроғингда биёбонлар кезиб бе поу сар юрдум,  
Қуюндеқ чарх уруб жисмим ғуборим кўкка совурдум,  
Сен азм айлаб кетарга, мен бўлуб бемор қайғурдум,  
Кўнгул жон бирла бўлди ҳамраҳинг, мен дард ила  
турдум,

Сенга жон бирла кўнглумни, сени тангрига топшурдум

Видоингни қилурда куйди жоним хайрбодидин,  
Фалак сақфи қорарди дуди оҳимнинг мидодидин,  
Жаҳон зулмат саройи дуди оҳим имтиодидин,  
Нишондур тийра бўлғон ахтари баҳтим саводидин,  
Туганларким фироқинг ўтидин ғам шоми куйдурдум.

Қошинг ёси тамонносидадур пайваста қаддим ҳам,  
Юрак захмиға марҳам истаб этмасман тараалдуд ҳам,  
Кўнгул новакларингни захмидин роҳат топар ҳар дам,  
Еғоч бирла бошоқ ким танда қолди ул эрур марҳам,  
Жунундин ким фироқинг ўқларин жисмимида  
синдурдум.

Гирибон чок эрурман субҳи васлинг интизоридин,  
Қаронғу бўлди шомим дуди оҳимни ғуборидин,  
Шаарлиқ шўълалар бош чекти кўксим хор-хоридин,  
Туташти шамъдек ҳар бармоғим ҳижрон шароридин,  
Илик марҳам қўяй деб чун бағр чокиға еткурдум.

Кўруб ул бутни зуннор олмағайсиз, эй мусулмонлар,  
Менингдек юз балоға қолмағайсиз, эй мусулмонлар,  
Саломат кўнжидин қўзғолмағайсиз, эй мусулмонлар,  
Чу ул коғир чиқар кўз солмағайсиз, эй мусулмонлар,  
Ки мен бечора кўнглумни боқиб ўтқунча олдурдум.

Мени лол этти гуфтори лаби хомушки гүёси,  
Ушатти қанду шаккар неъматин лаъли шакархоси,  
На дилкаш ҳусн эрур кўрган сари ортар таманноси,  
Юзин кўргач бошимға тушти мушкин зулф савдоси,  
Фифонким бир боқиша юз бало бошимға келтурдум.

Сени топмоқ басе мушкил кўрунди жустижў бирла,  
Фироқинг дардиға таскин тиларман гуфтигў бирла,  
Гаҳи паймона бирла шуғл этиб, гоҳи сабу бирла,  
Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди ҳар нав орзу бирла,  
Ризо кўйиға то қўйдум қадам кўнглумни тиндурдум.

Зарар қилмас муҳаббат аҳлиға ағёри таъни,  
Эрур бадҳоҳларнинг гуфтигўйи барча бемаъни,  
Букун, эй Нодира, бошдин қўюб тожи мурассаъни,  
Макон гулхан кулин қилди Навоий телбадек яъни,  
Жунун торожидин охир қаро тупроққа ўлтурдум.

## 2

Келғил, эй нола, сенга оҳ ила имдод қилай,  
Офият хирманини бир йўли барбод қилай  
Ман этиб нолани тарки раҳи фарёд қилай,  
Тобакай ҳажру фироқ оғатидин дод қилай,  
Эмди ўзни неча кун сабр ила мұътод қилай.

Менга гоҳи хабари моҳи тамомимни десанг,  
Ерға дарду ғами субҳ ила шомимни десанг,  
Ул паривашқа дуо бирла саломимни десанг,  
Ёр кўнида башартики паёмимни десанг,  
Бу қафасдин сени, эй жон қуши, озод қилай.

Адлу инсофда Жамшид наждим сен эдинг,  
Фикру андиша, хаёлим била ёдим сен эдинг,  
Рост айтай сабаби рушду рашодим сен эдинг,  
Эй дилором, бу оламда муродим сен эдинг,  
Айлаб оламни фаромуш сени ёд қилай.

Яна бир мартаба ғам шомида моҳимни кўруб.  
Ҳажр дардини десам пушту паноҳимни кўруб,  
Раҳми келгайму бу аҳволи табоҳимни кўруб,  
Жаврларки менга чарх айлади шоҳимни кўруб,  
Бош яланг айлаб, инонини тутуб дод қилай.

Соқиё ранжи хумор ўртади, келтур менга май,  
Тўлдуруб неча қадаҳни тута кўр пайдар-пай,

Ҳажр дарди била ҳикмат йўлини қилдим тай,  
Сабрдур дарди дилим чораси, йўқса токай  
Нотавон жонима бедод уза бедод қилай.

Нече кунларки менга бор эди лутфу караминг,  
Сурмаи чашми жаҳонбин эди гарди қадаминг,  
Фарздор эмди менга тавфи дари муҳтараминг,  
Боғлаб ихлос ила эҳроми ҳарими ҳараминг,  
Ашқдин роҳилау хуни жигар зод қилай.

То жаҳон мулкини султони эдинг давлат ила,  
Бенаволарға карам айлар эдинг шафқат ила,  
Халқ сендин ҳама хушнуд эди бу одат ила,  
Шол қилғай сени рухингни худо раҳмат ила  
Мен ҳам эҳсон ила эл хотирини шод қилай.

Мустамандики дуо бирла сени ёд эткай,  
Раҳмати бирла худовонди жаҳон шод эткай,  
Анбиё руҳи сенинг жонига имдод эткай,  
Охират мулкини то ҳақ сенга обод эткай,  
Мулк вайроналарин адл ила обод қилай.

Сарву гул пираҳани сен каби пайдо эрмас,  
Сен каби сарв ила гул дилкашу зебо эрмас,  
Бу чаман гуллари манзури тамошо эрмас,  
Қўзума қадду юзингдек чаманоро эрмас,  
Нече андишай сарву гулу шамшод қилай.

Васл базми аро жоми майи саршор қани,  
Зулм ила мендин айирди фалаки сифла сани,  
Порадур гул каби эгнимда жунун пираҳани  
Оташи дарду фироқу шарари ҳажр мани,  
Үргади қайси бирини сенга бунёд қилай.

Ёрсиз мушкил экан меҳнати ҳижрон чекмак,  
Васл уммиди била ранжи фаровон чекмак,  
Най каби бўлди ишим нолау афғон чекмак,  
Мен мену кўхи ғаминг қулласида жон чекмак,  
Нече Ширинни вафо тоғида Фарҳод қилай.

Шамъ сар то қадам ўртанди фано ўргандим,  
Қўрубон қатраи шабнамни ҳаё ўргандим,  
Гулу булбул сўзидин баргу наво ўргандим,

Остонинг итидин рамзи вафо ўргандим,  
Эмди бир неча маҳал хизмати устод қилаш.

Кошки уйқуда бир кўрсам эди ёримни,  
Инглассам билгай эди ҳоли дили зоримни,  
Дард аҳли ўқусун Нодира гуфторимни,  
Ёзибон кўкда қуёш лавҳина ашъоримни  
Насхи машқи қалами Монию Беҳзод қиласай.

### 3

Эмди менга на ҳожат оламни можароси,  
Ким ёр васли эрди кўнгулни муддаоси,  
Ҳажрида пора-пора пироҳаним ёқоси,  
Бу дарди бедавонинг борму экин давоси,  
Марҳам иложи бирла бутмас кўнгул яроси.

Айрилди ёр мендин билмон яқин йирофин,  
Жонимга мунис эттим асраб кўнгулда доғин,  
Оҳим шарори бирла равшан қиласай чарофин,  
Дунё юзини истаб топкай эдим сўроғин,  
Гар бўлса юз мароҳил мен бирла ёр ароси.

Дил ҳастау жигар қон, тан дардманд сенсиз,  
Фарёд ила фифоним бўлмиш баланд сенсиз,  
Дунёни айламасман ҳаргиз тисанд сенсиз,  
Ранжурдур ҳамиша бу мустаманд сенсиз,  
Айши тамом ғамдур хуноби дил ғизоси.

Васлинг аро фалакдин, эрди ривожим афзун,  
Сен айла базми риҳлат мен қолмишам жигархун,  
Фарёд этиб жунундин андоқки сози Мажнун,  
Тузмиш бу нотавонинг ғам гўшасида қонун,  
Ҳижрон таронасидур ушишоқ аро навоси.

Мендин айирди даврон ул ёри ҳамдамимни.  
Қайдин топарман эмди шоҳи мукаррамимни,  
Ҳавво сифат жаҳонда изларман Одамимни,  
Ёримдин айрилибман кимга дейин ғамимни,  
Душвор экан жаҳонда танҳолиғ ибтилоси.

Ёримдин икки гавҳар қолди кўнгул сурури,  
Давлатни обрўйи, иқболни зуҳури,

Хушдур күнгүл алардин, жондур алар сабури,  
Икки хужаста фарзанд, икки күзүмни нури,  
Бордур күнгүл суури ҳар қайсининг лиқоси.

Ул шаҳриёри даврон қилди видои олам,  
Ким қилди тахту тоҗин фарзандига мусаллам,  
Ойини адл тузди инсоф бирла ул ҳам,  
Шукри худойи олам, субҳу масо дамо-дам,  
Ким шоҳдур мукаррам соҳибқирон балоси.

Бу пандни эшииттим бир солики субулдин,  
Ер истасанг гузар қил як бора жузву кулдин,  
Фарзанд меҳри элтар, ғам зангини күнгүлдин,  
Ҳар чанд шод әруман бу икки тоза гулдин,  
Кетмас ҳануз мендин ул ёрнинг ҳавоси.

Ул ёр васли бирла хуш эрди рўзгорим,  
Меҳру вафодин айру йўқ эрди кору борим,  
Алқисса гул юзини мендин ёшурди ёrim,  
Ҳижрон ғамини чекмак йўқ эрди ихтиёrim,  
Рўзи азал худони мундоғ экан ризоси.

Гар бўлмаса висоли менга жаҳонда не бор,  
Дўзах эрур кўзумга жаннатда бўлмаса ёр,  
Солди мени фироқа маккора ҷархি ғаддор,  
Дунёни ишвасига мағрур бўлма зинҳор,  
Ким даҳр бебақодур, оламни йўқ вафоси.

Афсус шоҳи даврон азм айлади жаҳондин,  
Даврон мени айирди ул ёри меҳрибондии,  
Хоки раҳи панодур айрилса жисм жондин,  
Ул яхшиларни шоҳи кетти бу хокидондин,  
Эсор анга паёлай бу Нодира дуоси.

#### 4

Оҳ бир сарву сиҳи рафтордин айрилмишам,  
Қўзлари бодому гулрухсордин айрилмишам,  
Хаста жону нотавонман ёрдин айрилмишам,  
Ер ҳамдам мунису ғамхордин айрилмишам,  
Бўлмишам бе хонумон то ёрдин айрилмишам.

Ҳажр водисига солди гардиши даврон мени,  
Оташи фурқатда охир ўртади ҳижрон мени,

Халқ аро афсона қилди нолау афғон мени,  
Ҳажр дардиға гирифтөр айлади жонон мени,  
Үл гуландому париухсордин айрилмишам.

Ер ҳажридин яқони пора қилмай найлайин,  
Күзларим хунобини сайёра қилмай найлайин,  
Едени дарди дилимга чора қилмай найлайин,  
Ҳар тараф васлин тиляб наззора қилмай найлайин,  
Вола мен ойнадек дийдордин айрилмишам.

Улки дойим ҳамнишину ҳамдаму ҳамхоб эди,  
Шарбати жоми висолидин күнгүл шодоб эди,  
Хұблик давронида хуршиди оламтоб эди,  
Илму дониш маҳзанида гавҳари ноёб эди,  
Муниси жон воқиғи асрордин айрилмишам.

Эй хуш ул кунларки ул гулчехра бирла ёр эдим,  
Қеча-кундуз давлати васлила бархүрдор эдим,  
Нұктай меҳру вафода маҳрами асрор эдим,  
Комиёби шарбати ул лаъли шаккарбор эдим,  
Қон ютарман лаълы шаккарбордин айрилмишам,

Ер кетти әмди ҳижроп можаросидур менго,  
Васлиға шукр этмадим фурқат балосидур менго,  
Едигор ул муниси жоним дуосидур менго,  
Кечая кундуз висоли муддаосидур менго,  
Ери ғамхору нақу кирдордин айрилмишам.

Ер эди ҳамхона васлини ғанимат билмадим,  
Андин айру қолмишам гар қадри суҳбат билмадим,  
Үтти фурсат лаззати айшу фароғат билмадим,  
Давлати дийдорини айни саодат билмадим,  
Вой юз фарёд ёриғордин айрилмишам.

Деб эди бағрингни ҳижрон тиғи бирла тилмайин,  
Аҳд этиб әрдікі сендин бир нағас айрилмайин,  
То тирикдурман жудолиғ можаросин қилмайин,  
Ер кетти Нодира ҳасратда қолдым билмайин,  
Аҳди ёлғон дилбари айёрдин айрилмишам.

Хуршиди бахти тобон моҳи рӯҳи мунаvvар,  
Инсофу адл бирла кисрини қилди чокар,  
Ҳиммат ҳазойинида Ҳотам аниг гадоси.

Берди худойи олам давлат била саодат,  
Давридадур вилоят монанди боғи жаннат,  
Хушнуд эрур ҳалойиқ обод ҳар вилоят,  
Иқбол давлатини ҳақдин тилаб раийят,  
Мақбул эрур худоға бечоралар дуоси.

Эй яхшиларни шоҳи ҳақ сенга ёр бўлғай,  
Давлат бўлуб зиёда умринг ҳазор бўлғай,  
Бадҳоҳлар ҳамиша оламда хор бўлғай,  
Ҳар кимки бўлса душман мардуни зор бўлғай  
Адл айлабон қарам қил, шулдур худо ризоси.

Эй Хисрави замона давлат била омон бўл,  
Иқбол маснадида, кай хисрави замон бўл,  
Ишрат майини нўш эт айш ила комрон бўл,  
Боқма фалак ишига, ғам чекма, шодмон бўл,  
Айтурға арзимайдур оламни можароси.

Соқий шароб келтур маҳмурман бағоят,  
Мутриб тарона тузки фурсат эрур ғанимат,  
Жоми тараб лаболаб мири замон саломат,  
